


БОЙЧЕЧАК



Тошкент
Узбекистон ЛКСМ Марказий Комитети
«Ёш гвардия» нашриёти
1990

B81 «Бойчечак». [Адабий альманах. Тўплам. Кичик мактаб ёшидаги болалар учун].—Т. «Ёш гвардия», 1989.—144 б.

Анъанавий «Бойчечак» тўпламига республикамизнинг турли областларида яшаб ижод қилаётган ёш қаламкашларнинг беғубор болаликни мадҳ этувчи шеър, ҳикоя, ҳавжия ва хандалари жамланди. Бу асарлар муаллифлари турли соҳа кишилари — ишли, дәҳон, бөгбон, журналист, ўқитувчи ва мактаб ўқувчиларидир. Уларнинг илк машқлари Сизларга маъқул келар деган умиддамиз, азиз китобхон!

«Подснежник». Литературный альманах. Сборник. Для детей мл.шк. возраста.

Уз2

C 4803620202—80
356(04)—89 118—90

ISBN 5—633—00264—4

(C) «Ёш гвардия» нашриёти, 1990.

НАЗМ



1954 йилин Андижон область Бўз районидаги Холдевонбек қишлоғида туғилган. Андижон Давлат педагогика институтининг рус тили ва адабиёти факультетини тамомлаб, ҳозир Бўз районидаги Зўрта мактабда ўқитувчилик қилаяпти.

Машқлари 1975 йилдан район, область ва республика матбуотида мунтазам ёритилмоқда.

УИЙМИЗГА НУР ТУЛАР

ҚУШИҚ

— Қўшиқ қаерда яшар,
Қирдами ё гулзорда.
У ҳам чечаклар каби
Түғиларми баҳорда?
Фунча мисол сулувми,
Борми оҳанрабоси.
Шаршарадай тиниқми,
Кўплар унинг шайдоси?
— Қўшиқ — Орзу.
Қўшиқ — Бахт.
У — Интилиш,
У — Туғён.
Фақат уйғоқ қалбларда
Қуради у ошиён!

БОЛАЛАР АДАШМАСИН

— Деворларга чизибсан
Қушчаларнинг расмини,
Үйлар кўркини бузиб,
Қилган ишинг яхшими?
— Бир-бирига ўхшаркан
Янги тушган бинолар.
Ўз уйини тополмай,
Үртоқларим қийналар.
Онажон, улар энди
Юришмайди адашиб.
Аниқлашар уйларин
Қушларимга қарашиб!

ПОЛИЗДА

Банд берибди
Босволди.
Узид олди
Сотволди.
Урнидан
Қўзгатолмай,
Кўп уриниб,
Ётволди.



РАСМЛАРНИ ҮҚИДИМ

Мавжуда уйга кириб,
Тергар кичик Шаҳобни:
— Үқишни
бilmайсан-ку,
Нега олдинг китобни?

— Опа, китобингизни
Йиртмадим,— дер у
кулиб.
— Расмлари зўр экан,
Ўқидим маза қилиб!

ҲИСОБ ДАРСИДА

— Сенда учта конфет
бор.
Акангда эса бешта.
Аканг бешовин берса,
Конфетинг бўлар нечта?
— Акам ёлғончи, гирром,
Хеч гапида турмайди.
Қарзга конфетимдан еб,
Кейин қайтиб бермайди!

ТЕЛЕФОНДА

— Алло-алло, ҳов
Дилдор,
— Мен, Дилдормас,
Зулхумор!
— Танимай турибман
мен,
Қайси Зулхуморсан сен?
— Менми?
Анов Зулхумор—
Катта қўғирчоги бор!

МУДДАО

— Кеча ҳисоб дарсида
«Икки» олибди Шаҳноз.
— Менга кўчиртирмовди,
Ажаб бўпти, бу ҳам оз!
Қимки қизгаичиқ бўлса,
Холи доим бўларвой.
Дафтаришни бериб тур,
Кўчирволай, Гулчирой!

ТОШБАҚАНИНГ БАҲОНАСИ

Қатта зиёфат берди
Айиқ бутун ўрмонга.
Ўзи суйган таомни
Кўйди ҳар бир меҳмонга.
Олмахон чақар ёнғоқ,
Оқ қуёён ғажир сабзи
Тулки ер тухум, пишлок,
Бўри, эса гўшт, қази.
Зиёфат охирида
Қизиқ ҳангома бўлди.
Нафсини тия олмай,
Оч Бўри бўкиб қолди.
Доктор топиб келиш-чун
Тошбақа чопди дарҳол.
Утса-да талай фурсат,
Унинг қайтиши маҳол.
Оғриқ ўтиб жонидан,
Бўри сўкинди шу ҷоқ:
— Косасин пачоқлайман,
Қайтиб келсин шу аҳмоқ!
Тошбақа эндигина
Босган эди ўн қадам,
Эшитиб Бўри дўқин
Жаҳли чиқди жуда ҳам.
Кўкатлар орасида
Туриб, қилди у гина:
— Ортимга қайтвараман,
Бир марта сўксанг яна!

ДОРИГА ҚОЛМАБДИ ЖОИ

Тўсатдан оғриб қолиб,
Докторга келди Толиб.
Доктор сўрар эркалаб:
— Нима единг эрталаб?
Толиббой инграб оғир,
Еганин санар бир-бир:
— Қаймоқ яловдим пича,
Чой билан ёғлиқ кулча,
Иккита тухум, ёнғоқ,

Сомса, яна торт озроқ,
Қовуц, тарвуз егандим,
Ош қолмасин дегандим.
Дори бериб докторжон,
Сўнгра қилинг имтиҳон.
Доктор кулар:—

Толиббой,
Дорига қолмабди жой.
Сабр қил энди шоввоз,
Қорнинг пасайсин бир
оз!

НОИЛОЖ ТОМОШАБИН

Дорбозлардай ўлтирад
Қушлар симда тизилиб.
Пастда мушук тамшанар,
Ўй, нияти бузилиб.
Эҳ, қанийди, сакраб у
Бир қушни олса илиб.
Сўнгра иштаҳа билан
Еб қўйса маза қилиб.
Бироқ, сакраш бефойда,
Мушук буни билади.
Шу сабаб у ноилож
Дор ўйинин кўради.

ҲАЛИМНИНГ ЖАВОБИ

Ботаника дарсида
Сўраб қолди муаллим:
— Дараҳтлар аҳамиятин
Ҳалим ўтилган дарсни
Сўзлаб бер бизга Ҳалим!
Ўқимай келган эди.
«Икки» олишдан чўчиб,
Шошиб у шундай деди:
— Дараҳтлар мевасидан
Майиз, туршак соламиз.
Ёз пайти соясида
Мириқиб дам оламиз.
Тераклар етилганда,

Кесилар иморатга,
Уларнинг айри шохи
Бўлади зўр рогатка!

АЙИҚ — КАСАЛ

— Алло-алло, «Тез ёрдам»,
Урмонга келинг илдам!
Еб ярим бочка асал,
Айиқвой кўриб доктор,
Дер: Бесабаб иш йўқdir,
Қурсин шўхлик қилифи,
Оз-моз ошган иссиғи.
Бир кеча ётсин қорда,
Сўнг чўмилсан аиҳорда.
Койиб қўйинглар уни,
Энди тийсин нафсини!

САБАБ

— Мухтор, нега сўзларни
Бузиб, ҳато ёздинг сен?
— Алишернинг ручкасин
Ишлатувдим кеча мен!

БАЛИҚЛАРГА МАЗА-ДА

— Доим озорда юрар,
Балиқларга маза-жа!
— Чунки яаш жойлари
Исқиরт эмас, тоза-да,

ҚОВОҚАРИ

Ҳазилни билмас экан,
Ушласам, ғўнфиллади.
Мендан хафа бўлгандай,
Узича тўнгиллади.
Шунда ерга бир урдим,

Тутолмасдан ўзимни,
У ҳам сержаҳл экан,
Чақиб олди юзимни.

ҮЧРАШУВ

— Отинг нима?
— Назира!
Сеники-чи?
— Вазира!
Кел, дугона бўламиз!
— Тортингни тенг
Бўламиз!

ЛОФ

— Кеча бир Хўроз
кўрдим,
Нақ эчкидай келади.
Набижоннинг Итини
Бир тепувди, қулади.
— Товуғимиз беш Жўжа
Очганди куз фаслида.
Ўша сен кўрган Хўroz
Энг кичиги аслида!

ОЛҚОР ДАМИН РУБОБИМ

Рубобжоним, рубобим,
Жондан азиз ўртоғим.
Сени чалсам қувониб,
Қайнар кўнгил булоғим.
Рубобжоним, рубобим,
Симлари нур офтобим.
Оҳангларда лиқ тўлган,
Рубоб деган китобим.
Рубобжоним, рубобим,
Кўнгли баҳор ўртоғим.
Сени чалсам, бир дунё —
Гулга тўлар қучогим.

ДАРЁМАН

Мен дарёман, дарёман,
Шүхлиги бир дунёман,
Үйингизда пирпираб
Ениб турган зиёман.
Ха, дарёман, дарёман,
Чүлга оқиб бораман,
Мен йўқолиб кетмасдан
Бог-роғ бўлиб қоламан!

УРИШҚОҚ

Жаҳл деган отга миниб,
Қараб турар уришқоқ.
Ёмон сўздан кесак отиб,
Сайраб турар уришқоқ.

Узиб олмоқ, учун
тишин —
Қайраб турар уришқоқ.
Одам деган улуғ номни
Ерга урар уришқоқ.


МАКТАБДАН ҚАЙТИШ

Ҳеч нарса бўлмагандай
Қўлин чўнтақка солиб,
Уч-тўртта икки олиб,
Хотиржам келар Толиб.
Қизиқ, аълочи Фолиб
Биттагина тўрт олиб
Келар ютиб ёшии,
Бошини қўйи солиб.

ТИШ

Тишиңгизман, тишиңгиз,
Нега йўқ, ҳеч ишиңгиз?
Айтиб ўтириш шартми,
Керак-ку ювишиңгиз.

Бўлмаса ҳеч ишиңгиз,
Битта қолмай тушамиз.
Қани, овқат ейишда—
Нима бўлар ишиңгиз?!





ЁМГИР ЁҒАЁТГАНДА

— Осмон нега
йиғлайды? —
Савол беради укам.
— Ёки бирордан ноҳақ —
Гап эшиздими у ҳам?!

ҒАЙРАТНИНГ ҒАЙРАТИ

Ер юзини шодликка
Қон қилиб юбораман.
Қоп-қоронғи тұнларни
Тонг қилиб юбораман.

Писмиқ болаларни ҳам
Шүх қилиб юбораман.
Ёмонликни дүшідан —
Йўқ қилиб юбораман!..

ҚУШЛАРГА ТОШ ОТГАН БОЛА

Чиқмас яхши бола бўлиб,
Нодои бўлар юриб-юриб.
Табиятни ёмон кўриб
Қушларга тош отган
бола.

Аввал сал ювош бўлади,
Бора-бора тош бўлади.
Бераҳм, бебош бўлади
Қушларга тош отган
бола.




ҲАЛИМА БИЛАН ОМОН

Қўл ушлашиб икковлои,
Кирдилар бир күи боққа.
Боғ ичра салқин жойда,
Йирашиб ўйнамоққа.
Шохга қараб Ҳалима,
Кўрди қизил бир олма.
Қўл чўзиг у томонга,
Кўрсатди-ку Омонга.

Ҳалима билан Омон,
Олмага боқиб ҳайрон.
Эҳ, кичик-да бўйлари,
Етмади ҳеч қўллари.
Катта бўлгач бўйимиз,
Кейин келиб оламиз,
Дея, Ҳалима, Омон,
Кетдилар уйга томон.





Абдураҳмон АҚБАР (Акбаров) — 1962 йили Тошкент вилоятининг Ниёзбоши қишлоғида туғилган. Ёзгайлари Жумҳурият газета ва журналларida эълон қилинганд. Шеърларон «Бойчечак» (1984, 1987), «Дўстлик гулдастаси» (1988), «Сичқоннинг орзуси» (1988) сингари коллектив гўпламларда чоп этилган. Ҳозирда «Чўлпон» нашриётида хизмат қилмоқда.

БУЛБУЛ ҲАҚИДА ЭРТАК


«Янги эртаклар туркумидан»

Суви мўл-кўл боғларда
Яйрар экансан, булбул.
Оқшом чўккан чоғларда
Сайрар экансан, булбул.
Овозинг кўп хуш экан,
Қанотларингmallаранг,
Жуссанг кичиклигидан
Кўринаркансан аранг.
Бу гапларни китобдан
Ўқиб-билиб олдим мен.
Боқиб мўъжаз расмингга,
Хаёлларга толдим мен.
Чаман бўлгунча ҳар ер,
Бўлгунча ҳар ер бўстон,
Бир ўтинчим ўзингни — ўзингни
Эҳтиёт қил, булбулжон!

ОНА ОНА-ДА

Күришганга
Тошбақаҳон
Үфилчасин
Мақтар чуон:

— Болагинам
Ойдаккина,
Гижинглагаш
Тойдаккина.



ЭГИЗАКЛАР

Ака-ука — Хасаи-Хусаи
Жуда аҳил, мәхрибон,
Шундай бўлса-да икков
Ҳар кеч бошлар тўполоп.

Қалишолмас муроса
Ўрин-кўрпа талашиб.
Сўнг ухлашар бир-бирин
Тонггача ачомлашиб.

АВТОРУЧҚАНИНГ ЁЗГАНЛАРИ

Ишчанман деб мақтамайман
Арзанди ҳам эмасмай.
Ёзиш-чишиш лозим бўлса,
Ҳеч чарчадим демасман.
Керилишдан, ўзим ҳақда
Лофт уришдан не фойда,
Қўпчиликка кундек аён
Кераклигим ҳар жойда.
Менга ёқмас, гапнинг рости,
Фаладонлар, киссалар.
Ёзсан дейман дафтар-дафтар
Қўшиқ, ғазал, қиссалар.
Илтимосим, чўнтакларда
Узоқ олиб юрмангиз.
Бағрим қизиб, тошиб кетсан,
Мендан хафа бўлмангиз.

ЧИЛДИРМА

Гардишим тұла
«балдоқ»,
Оңанғим қувноқ-қувноқ.
Ишонмасаң сүзимга,
Мени аста чертиб боқ.

Түйга борсам ғилофда
Үтирмайман исипиб.
«Гуллатаман» даврани,
Олсам бир оз исипиб.



ДИЛМУРОД ШОКИРОВ

Дилмурод ўқитувчи бүлиб ишилайды. Шу сабабли уиніг қувноқ ۋا راۋوی شەرلارыда болалариниڭ جۇشىقىن ҳәётлари ўز аксии тоимоқدا. Шоپрининг يانги маниқларини үқиб күринг، аяз шەرхөн. Бу аසарلар Сизларга маъқул келар деган үмвддамиз.

ТАДБИРКОР ҚҰНҒИЗЧА

Эртак

Биринчи қисм

I

Ұрмоңда катта йиғин:
Түплапишиб барча жон.
Мұхым бир масалани
Хал қилишар бу замон.
— Оғайилар,— деди
фил.—

Қотиб қолди бошымиз,
Фалокатдан диллар
хун.
Тез орада биз ундан
Айрилиб ҳам
қолмайлик.

Яхши маълум сизларга:
Боболар тилла чопон
Қолдирғанди бизларга.
Кўп йилларки сақладик,
Теккизмасдан зарра
доғ.
Ҳар кўрганда
қувончдан
Кўнгиллар бўларди тог.
Не сирки, тилла чопон
Кичраймоқда кундан-
кун.


Авлодлардан бир умр
Дакки-дашном
олмайлик.
Тўпланишдан мақсад
шу:
Сиздан сўраб билайлик.
Яъни тилла чопонни
Сақлаш йўлин
қилайлик.
Шундай дея Фил
полвон
Сўзини тамом қилди.





Шум хабардан
 кўпларнинг
 Боши қуи эгилди.
 Уртада узоқ муддат
 Жим-житлик ҳукм
 сурди.
 Қаранг, бир пайт
 Қуёнвой
 Үрнидан аста турди:
 — Менда битта таклиф
 бор.
 Қулоқ солинг, кўп
 фойда.
 Вақтимизни беҳуда

Утказмайлик бу жойда.
 Үрмоннинг чеккасида
 Яшайди кекса Лайлак.
 Тилла чопон сирини
 Фақат у билса керак.
 Тезда бориб ёнига,
 Мушкулимиз айтсак бас.
 У бизлардан ўринли
 Маслаҳатин аямас.
 Кенгаш аҳли таклифни
 Бир овоздан қўллашди.
 Қуёнвойнинг ўзини
 Лайлакка тез йўллашди.



II


Қекса Лайлак Қуённинг
 Сўзини тинглаб деди:
 — Тилла чопон ҳақида
 Бувимлар айтган эди.
 Ҳозир тушди ёдимга,
 Сўрадинг, майли, айтай.
 Билсанг, тилла
 чопоннинг
 Бир хислати бор шундай;
 Қиймас экан тез уни
 Үрмондаги бирор жон,

Кундан-кунга кичрайиб,
 Қолмайди зарра нишон.
 Агар уни кимда-ким
 Қийиб юрса устига,
 Тез орада айланар
Одамзотнинг дўстига
 Қуёнвой, сўзларимни
 Эшиздинг-а, энди бор.
 Тезда тилла чопонни
 Қийсин бирор жонивор.

Қуён қайтиб ортига,
Битта ёлгон қўшмасдан
Лайлакдан эшиганин
Айтар экан шошмасдан,
Ўрмонда шу ондаёқ,
Бошланди ур-йиқит,

жанг.

— Тилла чопон
меники,—
Дер эди барча, қаранг.
Тўпалонни тўхтатди
Қизилиштон уриб бонг.
Фил деди:— Ухланг энди,
Бир гап бўлар, отсин
тонг...

*Иккинчи қисм*

Ўрмонда тонгдан
миш-миш:
«Майдонда катта пойга.
Голиб тилла чопонга
Бўлармиш буткул эга».
Бу хабарни эшигани
Жонзот борки шодланди.
Голиблик орзусида
Майдон сари отланди.

Ана шошиб бормоқда
Қурт-қумурсқа, қуш,
ҳайвон...
Зумда турли жонзотга
Тўлиб кетди кенг майдон.
«Тилла чопон эгаси
Бўлишлик кўп
яхши-да».—
Кийик, илон... барчанинг

Шу ўй кезар бошида.
Тураг Арслон ёнида
Битта қора Құнғизча.
«Сенға йўл бўлсин», дея
Мазахлаб кулар Зоғча.
Шўрликни ҳатто туртиб
Юборди қўпол Тўнғиз.
Ранжиса ҳам Құнғизча,
Уларға очмас оғиз.
Тураг экан у шундай
Кутганича пойгани,
Ҳакам Фил эълон қилди:
— Югуриңг, дўстлар,
 қани.

Мусобақа бошланди,
Фолиб бўлиб қолинглар.
Энг чопқирга аталган
Совғамизни олинглар.
Даъвогарлар баробар
Олдга қараб югорди.
Құнғизча-чи Арслоннинг
Думин ушлаб улгурди.
Боргани сари авж олар
Шовқин-сурон, тўпалон.
Фолибликка нитилган
Ўрмондаги барча жон.
Бу қий-чувлар гўёки
Оlamни бузиб кетган...
Пойгада эса Арслон
Ҳаммадан ўзиб кетган.
Құнғиз унинг думидан
Маҳкам ушлаб олганча

Борар кўзлаб маррани,
Raқиблар ортда анча.
Чопа-чопа Арслоннинг
Оёқлари хўп толди.
Марра яқин қолганда
Taқа-тақ тўхтаб қолди.
— Яқин марра чизифи,
Уч-тўрт қадам боссам
 бас.

Raқибларим узоқда,
Мени қувиб ўтолмас.
Тилла чопон, шубҳасиз,
Ўзимники бўлади.
Кийиб юрсан, кўрганлар
Аламидан ўлади.—
Дер, Арслон ўғирилиб
Орқасига боққанча.
Фурсатдан фойдаланган
Қўнғиз қанот қоққанча
Биринчи бўлиб марра
Чизигин босиб ўтди.
Шартга кўра энди, ҳа,
Пойгада Қўнғиз ютди.
Бир овоздан жонзотлар
Уни фолиб топишиди.
Қутлагб тилла чопонни
Елкасига ёпишди...
Қўнғизча тилла чопон
Эгаси бўлиб қолди.
Ўшандан Тиллақўнғиз —
Деган янги ном олди...



РОСТИГА ҚҰЧДИ

— Роза пишиб қолгандир
Бувижоним тутлари.
Еб келай,— деб Мирғани
Йўл олди қишлоқ сари.

Бувиси Мирғанини
Қувониб кутиб олди:
— Болам, бир меҳмон бўлиб
Келибсан-да,— деб қолди.

Шунда шошиб, ҳовлиқиб
— Йўқ, йўқ,— дейди Мирғани,—
Меҳмон бўлиб келмадим,
Келгаинман... тут егани...

АЛДОҚЧИ БОЛА

| | |
|----------------|----------------|
| Юз-кўзингни | Еб қўяман |
| Чўқиб чумчуқ | Сени ўзим... |
| Қилмасин деб | Яхшилигим |
| Чўтири, пучуқ, | Бил, ҳой узум! |

БАҲРОМ МАҲМУДОВ

СОАТИМ

Девордаги соатим
Таққа тўхтаб қолибди.
Рақамлардан сакролмай,
Миллари ҳам толибди.
Калитин солиб дарров
Бураб қорнин тўйғаздим.
Тўхтаган милларини
Ўз йўлига юргаздим.
Чиқ-чиқлаб деди шунда,
Мендан аҳвол сўраб қўй.
Дарсга кеч қолмай десанг.
Ўз вақтида бураб қўй.

ИҮЛ

Йўл бобонгман,
болаларим,
Минг-минг йилларни
кўрган.

Ўтган авлод-аждодингни
Чўнг кифтида кўтарган.
Эҳ-ҳе, қанча жангур
жадал
Кўрди менинг бу бошим.
Гоҳ, ёвларнинг товонида
Эзғиланди ҳар тошим.

Неча йиллар ўйдим-
чуқур

Бўлиб ётдим урушда.
Фолиб қайтган

ўғлонларим
Мени қайта қуришиб.
Дунё кезинг, кўтармоқча
Шайман белим

букмайин.
Болаларим, сизни асло
Урушларга элтмайин.

ҚҮНФИРОҚ

Қўнфироғим, қўнфироқ,
Ўзи митти, шўх-қувноқ.
Бизни дарсга чақирап,
Кеч қолма, деб ҳайқирап.
У бўлмаса шу тобда —

Нимадир кам мактабда.
Жиринглаб билдиради,
Ўз ишин дўндиради.
Қўнфироғим, қўнфироқ,
Болаларга чин ўртоқ.



СОЛИНИНГ ХАЁЛИ

Бир куни тунда томга
Чиқиб қолди Соливой.
Боқса шундоқ ёнида
Үчиб юрар юлдуз, ой.
Қўл чўзиб юлдузларни
Териб олса бўлади.

Бир имласа, ёнига
Ой ҳам тушиб келади.
Йўқ, йўқ, ойни, юлдузни
Асло бирор олмасин.
Осмонимиз ҳеч қачон
Ой, юлдузсиз қолмасин.

БОЙЧЕЧАК

Салом, салом бойчечак,
Кўрк, чиройга бой чечак.
Тилламисан, сариқсан,
Рангинг тиниқ, ёниқсан.
Тура солиб эрталаб,
Сени териб дасталаб,

Хурсанд бўлиб кетаман,
Бувимларга элтаман.
Она ердан уйғона,
Сен баҳордан нишона—
Бўлиб чиқибсан яшнаб,
Кулиб чиқибсан яшнаб.

ОНА ХУРСАНД ҚИЗИДАН

Лолаҳон ўзи ширин,
Ўзидан сўзи ширин.
Аълочи у ўқишида,
Доим тайёр ҳар ишда.
Кўк кўйлаги ярашар,

Ойисига қарашар,
Оқшомлари сув сепар,
Супирса-чи чанг кетар.
Она хурсанд қизидан,
Қизи чиқмас сўзидан!

МУЗАФФАР ТУРОБОВ

ҚОРАҚАМИШ

Зах ва ботқоқ бўлган экан
авваллари
Ўт, қамишга тўлган экан
бу ер бари...
Билсам, шундай аталаркан
Қорақамиш.
Энди ҳамма бир жон, бир тан,
қайнайди иш.
Бульдозерлар ер суради.
жой тайёрлар.
Агрегатлар шай туради,
лой тайёрлар.

Қай томонга қарамагин,
уйлар, уйлар...
Усталар ҳам олмайди тин,
үйни ўйлар.
Қаватларда ўйнар кран
хартуми хўп.
Тахта, ғиштни шитоб билан
элтар кўп-кўп.
Талабимиз амакилар
бажо қиласар.
Мактаб, боғча қуришни ҳам
яхши билар.
Бинокорлар, бир сўзли, мард,
соғ бўлингиз.
Соғ бўлинг-у, кўрмасин дард
ҳеч қўлингиз.

ҚУШЧАНОҚ

Пайкалларни оралаб,
Хийла олдинга юрдим.
Қўш кумушми, мўралаб,
Кулиб турганин кўрдим.

Ажабланиб турдим ман,
Ялтиради худди зар.
Оқлик билан йўғрилган
Бир жуфт юлдузга
ӯхшар...

Хуллас калом қўш эди,
Товланар оппоқ-оппоқ
Ўзи юмшоқ, бўш эди,
Билсам экан, қўшчаноқ.

Лўппи-лўппи чаноқлар,
Майли, кўпайинг,
дейман.
Гўёки нур, чироқлар,
Келинг, ўпайин дейман.

ҚИШ

Оппоқ чойшабини қишиш
Ҳар ён қилди поёндоз.
Яйраб чанада учиш
Қандай мазза, қандай
соз!

Ер — муз, ойна тусида,
Унда конъки учамиш.
Тепаликлар устидан
Фирра-фирра тушамиш.

Сира қилмасдан канда,
Солиб шовқин-суронлар,
Қонлар юришиб танда,
Ўйнаймиз
«қорбўрон»лар...

Доим завқли ўтади
Шодон ҳар бир онимиз.
Совуқни ҳам «ютади»
Бизнинг «Қор
бўрон»имиз.

АНВАР — ТАНБАЛ

Бир бола бор,
Исми Анвар,
Бир гап айтсанг, дейди: Э, бор!
«Хүп»ни мутлоқ, билмас у,
Сүзинг писанд қилмас у,
Үртоқларин тескариси,
Қилган иши тамом акси.
Тонгда юзин ювмас сира,
Тозаликни севмас, сира.
Катталарга қарашмайды,
Бу одати ярашмайды.
Үкаларин овутмасдан
Йиглатади, уриб қастдан!
— Ота-онам қиласар барин,
Билиб қилсин юмушларин,—
Дейди доим ношуд ўғил.
Улар-чун бу ҳазилми?
— Зил!
Үртоқлари шундан, Анвар,
Сен Анвармас, балки танбал,
Ишёқмассан, дейишади.
Роса дашном беришади.
Хатто бирга ўйнашмайды,
У билан ҳеч қувпашмайды.



ТОПИШМОҚ

Ардоқли, азиз ўзи,
Тўйимли, лазиз ўзи.
Ҳар кун ёпарлар ойим,
Қилиб ширин, мулойим.
Ҳиди тарқаб ҳар ёққа,
Жуда ёқар димоққа.
Сира кўнғилга урмас,

Вақт ўтса, юмшоқ
турмас.
Паловдаи сўнг ҳам
кетар,
Бир бурдаси бас, етар.
Топдингми, дўстим
Нишон,
Буми, ўзимизнинг...!

БОБОРАҲИМ ОМОНОВ

ЯХШИ СЎЗ

Ватан — қандай яхши сўз,
Чаман — қандай яхши сўз.
Чаман ичра Ватаним —
Узукдаги мисол кўз.

Кўклам — қандай яхши сўз,
Кўркам — қандай яхши сўз.
Кўклам чоғи ўлкамнинг
Кўркин кўрса яшнар кўз.

Тинчлик — қандай яхши сўз,
Тенглик — қандай яхши сўз.
Ҳар иккиси халқимга
Яқин — гўё қошу кўз.

БИР ҚЎЗИ СИНГАН

Шошқалоқ қиз Феруза,
Артаман деб дераза
Ойнанн синдирибди,
Қўлини тилдирибди.

Елиб шу он ойиси,
Келиб уни койиса,
— Кўрқманг, ойи, ўзи,—
Синган битта кўзидир.

дер,—

ЮЛДУЗХОН ВА ЮЛДУЗЛАР

— Осмон тўла юлдузлар,
Қайга кетар
кундузлар?—
Дея сўрар Юлдузхон
Опажони Қундуздан.

— Кунларми?...
юлдузлар...—
Үйлаб қолди
Қундузхон,—
Туни бўйи чарақлаб
Ухлаб олар кундузлар.

МАЙНИ ҚУТДИК

(қўшиқ)

Майни кутдик, гўзал майни,
Алвон кулган гул чиройни.
Майсаларни бўлик, ойни,
Байрамларга тўлиқ ойни.

Дилда лим-лим севинч бугун,
Оlam сокин ва тинч бугун,
Қуёш нурин элар кўқдан —
Бутун меҳрин ерга тўккан.

Шу орони сақлаш учун,
Юрт шарафин оқлаш учун,
Зўр берамиз иш-ўқишига
Йўл қўймаймиз ҳеч урушга.



ТОПИШМОҚЛАР

1. Танаси бор, боши йўқ,
Кўли бор, оёги йўқ.
(пальто)
2. Боши бор, танаси йўқ.
(карам)
3. Уйир бор, эшиғи йўқ.
(ин.)
4. Эшиғи бор, уйи йўқ.
(дарбоза)
5. Кўли бор, оёғи йўқ.
(зам бил)
6. Оёғи бор, қўли йўқ.
(стол)
7. Очилиши бор, ёпилиши йўқ.
(пахта)
8. Оғзи бору, тиши йўқ.
(балиқ)
9. Тиши бору, оғзи йўқ.
(тароқ)



ТҮХТАХОН РАҲИМОВА

ТИНЧЛИҚ ЙИЛИДАН ТИНЧЛИҚ АСРИГА!

Тинчлик йилидан
Тинчлик асрига
Қўямиз қадам
Тинчлик қасрига!
Шу қасрни биз
Асроймиз мудом,
Жонимиз фидо
Айлай эҳтиром.
Тинчлик, бу — баҳт,
Тинчлик — саодат,
Она тупроқда
Бўлсин фарофат!
Уруш — бу кулфат,
Уруш — бу офат.
Жаҳонда номи
Қолмасин фақат!
Ҳар қандай ғовлар
Янчилар қўлда,
Бирлашганмиз биз
Тинчлик йўлида!

МАҚТАБ ХАНДАЛАРИ...

УЗИНГИЗ БИЛМАЙСИЗМИ?

Муаллим дарсга кириб,
Сўрарди у бизлардан:—
— Сўроқ гапга туз
 мисол?
Қани айта қолгин-чи,
Доскага чиқ, бўрни ол!
— Домлажон, мен
 эшикка
Майлими чиқиб келсан?
— Жуда тўғри мисолни
Айтдинг-ку, ўтирир
 Норжон!
— Йўқ, чиндан
 ташқарига
Чиқмоқчиман
 домлажон?!.
Афтини бужмайтириб
Безовта бўлди Норжон!



БҮЙРУҚ ГАП

Үқитувчи доскага
Ёзар эди буйруқ гап.
— «Валижон, тезда
боринг,
Олиб келинг учта қоп!»
— Хўп бўлади,
домлажон!
Үрнидан турди Вали.
Югурди ташқарига,
Қоплар олиб келгани...

БАЛЛИ, БАЛЛИ!

— Бобожоним, бобожон!
— Лаббай, Дали!
— Ювдим калошингизни
— А? Ҳа, балли!
— Бобожоним, бобожон!
— Лаббай, Дали!
— Ҳассангизни
келтиридим!
— Ҳа, ҳа, балли!
— Қўзойнакни опкелдим,
— Балли, балли,
Полвон Дали —
Балли, балли!...

ТЕЛЕФОНДА

Телефон жиринглади...
— Алло! — деб Фозил олди.
— Даданг борми-ла,— деган,
Овоз эшитилиб қолди!..
— Дада! Шу ердамисиз?
— Йўқман,— деди дадаси.
— Дадам-чи, йўқ эканлар
Жавоб берди боласи!...

МЕН СИНГЛИМГА ТАРЖИМОН

Жажжигина синглимнинг
Бордир қизиқ ўз тили.
Тинглаган ҳар кишининг
Очилар баҳри-дили.

Кўшнимиз болалари
Уни қуршаб олишар,
Гоҳ ялининб, гоҳ авраб
Аста гапга солишар.

Конфетни дейди у «оҳ»,
Иссиқ таом, чойни «баҳ»,
Кучукни дейди «бобов»,
Мушук унинг-чун «миёв».

Янги қўйлак кийса гар,
Чир айланиб дер
 «ҳай-ҳай»,
Радио ёнига борар
Ишора қилиб «нанай».

Қувлашиб уйдан-уйга,
Ўйнайди «ажи-ажи».
Тахир нарсани сезса
Лабини бураг «бижи».

Санай берсам қатма-қат,
Тузилар катта лугат.
Келганда уйга меҳмон,
Мен синглимга
 таржимон.

БАҲОНАЧИ

Тонгда уйқудан турсам
Осмон қовоқ уярди.
Дов-дараҳтни аямай,
Ёмғир роса қуярди.

Зим-зиё кўкка боқиб,
Мен ҳам қовоқ
 солволдим.
Ёмғир баҳона бўлди,
Мактабдан ҳам
 қолвордим...

КАМАЛАК

Ёмғирдан сўпг осмонда
Камалак бўлди пайдо.
Назаримда оламда
Бир сир юз берди гўё.

Ранго-ранг товланиши
Кўк сеҳри бўлса керак?
Деб ўйлаганим замон
Шамол келтириди дарак:

— Ранго-ранг товланиши
Тинчлигимиз белгиси,
Турли жилоланиши
Тинч осмоннинг кулгуси.

МАКТАБ БОҒИ

Баҳор келиб, мактаб
 боғи
Чирой очиб яшнаб кетди.
Қалби олов пионерлар
 Кўлга кетмон, челяк
 тутди.

Барчалари жам
 бўлишиб,
Талай кўчат эқдилар.
Табиатнинг ой ҳуснига
Зардан либос тикдилар.

НЕЪМАТЖОН ОРИПОВ



Неъматжон Орипов 1957 йилда Андижон обlastining Xўжаобод районида тугилган. 1981 йилда Андижон Давлат медицина институтининг даволаш факультетини тутатган. Шундан бўён шифокорлик қилмоқда.

ҚИШДА

Қордан ҳамма ёқ,
Оппоқ чоғида,
Қўрқмай совуқдан
Учдим чанғида.
Қор билан ювдим
Юзу-кўзимни,
Чилиқиб, енгил
Сездим ўзимни.

УЛҚАН СОҒФА

— Эҳ, дадажон, сафарда
Кезсангиз ҳам Сиз олам,
Наҳотки келтирдишгиз
Оддийгина бир қалам?!
— Болам, меҳрла
бўлар
Чизсаиг кўзи-ла қалам
Забт этолар дунёни.

УЙҚУЧИ

Мен «каттакон» беш
олиб,
Қушдай учиб юрибман.

КИМЛИГИМНИ БИЛДИРИБ

Товуқ бўлиб ку-куласам,
Тулки келди югуриб,
Сичқон каби
чи-чийласам,
Мушук қолди қидириб.
Қувдим сўнгра уларни
Кимлигимни билдириб.

МУНОСИБ ЖАЗО

— Дада, дада, дадажон,
Қасд қипсиз мурғак
жонга,
Типирчилаб чалажон,
Сичқои тушиб қопқонга.
— Эҳ, болажон, ачинма
Сичқои учун қийноқقا.
Шу муносиб жазодир
Ахир текинтомоқقا.

Бир пайт очсам кўзимни
Партада ўлтирибман.



ДАНГАСА МОШ

Эриниб боқар
Юргап сичқонга,
Үзини отар,
Тушса қоңқонга.

ЭШИК ОЧАР

— Эшигимиз гичирлатиб
Очиб кетган ким? — дея
Мен чонқиллаб чиқкан
эдим,
Шамол турар, — мен, —
дея.

ИФЛОСЛИК

Лимон рангиға кириб,
Акмалжоннинг кўзлари,
Касалхонаада ётар,
Заъфарондир юзлари.
Нечуи оғриб қолди у?
Қўл ювмай нон еганими?
Ифлос сойда чўмилиб,
Чиниқяпман деганими?
Ёки чанг кўчаларда
Футболга меҳр
қўйганими?
Дориланган мевадан
Билмасдан еб, тўйганими?
Ҳа, албатта Акмалжон
Тоза юрса яхшийди.
Ифлослик-чи, ҳамиша
Касалликлар ташийди.

ХУСАНБОЙ УБАЙДУЛЛАЕВ



Жиззах районида 1952 йил туғилган. СамДүнинг филология факультетини тугатган. Ҳозир Жиззах райони халқ маорифи бўлимида методист вазифасида ишлаб келмоқда.

Шеърларцоюн, област газеталарида, «Ғунча» журналида чоп этилган.

ТИНЧЛИҚ ВАТАНИ

Тинчлик Ватани
Бизга хонадон.
Шу Ватан учун
Биз доим посбон.
Ором билмаймиз.
Тинчлик йўлида,

Озодлик эрки
Халқнинг қўлида
Руҳимиз тетик,
Бахтлимиз ҳар дам.
Келажак сари
Ташлаб биз қадам.



АҚМАЛДА БОР ХҮРОЗҚАНД

Инжиқ Толиб күчадан
Йиғлаб келди.
Ойисига куйиниб
Хитоб қилди:
— Қаёқдасиз, ҳо ойи,
Ойи дейман.
Ақмалда бор хүрөзқанд,
Мен ҳам ейман.
Ана, қаранг, мақтанишин
Гиз-гизлатиб,
Тезроқ, юринг, еб
 қўймасин
Қирсиллатиб.

ТОПИШМОҚЛАР

Мотори йўқ, учади,
Кенг фазони қучади.
(*Күш*)

Кичкина тугунча,
Ичи тўла ғунча
(*Анор*)

Меш қорин,
Бўш қорин
(*Хум*)
Оёғи бор, юролмайди,
Хизматсиз ҳам
туролмайди.
(*Стул*)

Оёғи бор, қорни бор,
Бир қулоғи, бурни бор,

Чанқоғингиз босар тез,
Салом бериб у ҳаргиз.
(*Чойнак*)

Қўймасанг ҳам эшикдан,
Кириб келар тешикдан.
(*Шамол*)

Чорраҳада у толмай ҳеч,
Хизматда доим эрта-кеч.
Навбат билан ёниб кўзи,
Тўғри йўлга бошлар ўзи.
(*Светофор*)


Лабга тегса у янграр,
Овозидан дил яйрар.
Қўшиққа ҳам жон
 қўшар,
Хар куйга у мос тушар.
(*Найд*)

УИДА

- Дада...
- Ҳа ўғлим...
- Энди мени ҳам уста деб
 чақиринг...
- Нега?
- Қаранг, қўғирчоқни сочини олдим.

ЭРИНЧОҚ БОЛАНИНГ ФАПИ

— Уф..ф..ф...
Чарчаб кетаябман...
— Нега.?
— Ухлаганимга...
— Вой... ухласа ҳам чарчайдими одам...
— Қизиқсиз-а... тушимда ҳовли супуриб,
сув ташибман-да.



УМИД ФУНЧАЛАРИ

Ўтган йили Андижон шаҳридаги М. Горький номли 27-мактабнинг 60 йиллик юбилейи кенг нишонланди. 1927 йилда Бутуниттифоқ оқсоқоли Михаил Иванович Калинин асос солган бу мактабни жуда кўп ўқувчилар битириб чиқиб, ҳалқ хўжалигининг турли жабҳаларида сидқидилдан меҳнат қилмоқдалар. Собиқ ўқувчилар орасида йирик корхоналарнинг директорлари, район ҳамда обком партия ходимлари, шаҳар ва облассы совети депутатлари, кўплаб ҳалқ маорифи аълочилари, ўн тўртта фан номзоди борлиги билан фаҳрланамиз. Шуниси қизиқки, бу мактабдан биронта ҳам шоир ёки ёзувчи чиқмаган Ана шу кемтикни тўлдириш учун 1987 йили мактаб тарихида биринчи бор адабий тўгарак ташкил этилди. 15 дан ортиқ ҳаваскор ёш ижодкорларни бирлаштирувчи тўгарагимизга «ОРЗУ» деб ном бердик. Тўгаракда амалий машғулотлар билан бир қаторда адабий жанрларнинг бадиий хусусиятлари ва техникаси ҳамда адабиёт назарияси ўргатилмоқда. Бадиий ижод сирлари тўрт қисмга, яъни поэзия, журналистика,

проза ва драматургия каби жанрларга бўлиб ўрганилаётир.

Тўгарак аъзоларининг қайта-қайта ишланиб сайқал топган, машғулотларда муҳокамадан ўтган шеър, ҳажвия ва хандалари ҳар ойда чиқариладиган «Ёш қаламкаш» деворий газетада ёритиб борилади. Бу деворий'газетага 8-«А» синф ўқувчиси, ВЛКСМ аъзоси Улуғбек Абдусаломов редакторлик қилмоқда. Нилюфар Мамажонова, Гулжамол Саримсоқова, Раъно Ботирова, Ҳамидулла Юсупов, Рустам Файзиддинов ва бошқалар фаол аъзолари ҳисобланади. Улар тўгарак машғулотларида бадиий ижод сирларини чуқур ўрганиб, мурғак қалбини безовта қилаётган фикрларни бадиий жанрлар орқали ифодаланмоқдалар. Улар ўзларига хос овоз билан шеърлар, ҳикоялар битиб, уларга сайқал бериш учун тинмай изланмоқдалар.

Мен бу умид ғунчаларининг ilk машқларидан на-
муналар танлаб олиб, талабчан ва зукко ёш китобхон-
лар ҳукмига ҳавола этишни лозим деб топдим.

Нусрат Абдусаломов,

Андижон шаҳридаги М. Горький номли 27-мактаб
қошидаги «ОРЗУ» адабий тўгараги раҳбари.

ЕШ ОШПАЗ ҚҰШИФИ

Об-тобида ёқдим олов,
Қўй гўштидан пишди палов,
Меҳмон қиласай, келинг дарров,
Келинг, келинг, қадрдонлар.

Келганларга бериб салом,
Улашаман ширин таом,.
Кеч қолсангиз бўлар тамом,
Келинг, келинг, қадрдонлар.

Кийиб оппоқ қалпоқ, халат,
Овқат қилиш менга одат,
Қиласай сизга доим хизмат,
Келинг, келинг, қадрдонлар.

Ҳамидулла Юсупов



НОН

Бир бола кўрдим, қўлида битта нон,
Еди, ортганини ерга ташлади.
Ахир шу нон билан тирик-ку инсон,
Бир чол нонни олиб, гапни бошлади:

— Гул ҳаётимиизда түкни-сочин нон,
Бола ёш-да, қылган ишин билмайди.
Қатта бўлиб, буни тушунгач обдон,
Ўйлайманки, бошқа бундай қилмайди.

Рустам Файзиддинов



ХАНДАЛАР

ОЕК

- Салима, нега оёғиигпи ювмадинг?
- Ойи, майа, ювиб келдим-ку.
- Оёғиингни тагини ювибсан-у, тепасига эса сув тегмабди.
- Ахир тепаси билан юрмайман-ку.

ЭРТА-ИНДИН

- Ойи, Тохир акам армиядан қачон келади?
- Эрта-индин келиб қолар қизим,
- Акам эртага келиб, қайтиб кетиб, индинга яна қайтиб келадими?

УЙ СУПУРИШ

— Назокат, нега уйларни супурмадинг?

— Эртага ҳам ифлос бўлганда қўшиб супурвораман.

МУСОБАҚА

— Эркин, ким биринчи овқат ичиш ўйнайлик,— деди Ботир.

— Тўхта, бўлмаса, тезда кетамни кийиб чиқай,— деди Эркин акасига.

МАТЕРИАЛ

— Қизим, мен ҳозир уй қургани бозордан материал олиб келаман.

— Дадажон, кўпроқ олиб келинг, ойим-чи, менга ҳам кўйлак тикиб беради,— деди Гулнора суюниб.

Ирода Абдусаломова





Иброҳим Дониш — болаларнинг севимли шоирни. Унинг китоблари, шеърий туркumlари Сизларга яхши таниш. Эди шоирнинг янги шеърлари билан танишинг.

ТАБИАТНИНГ ТУГАМАС ҚЎШИФИ

ЖОНЗОТЛАР НИМА ДЕЙДИ?

ТОШБАҚА

Мен, Тошбақа, Тошбақа,
Рангим ўзи тошдақа.
Йўлда сира шошмайман,
Оёқ бўлмасин чақа.
Қадам босаман секин,
Касал эмасман лекин.
Олмангиз мендан ибрат,
Қилингиз доим ғайрат.

БАҚА

Кир-чирни ёқтирмайман,
Таним тоза, вақ-вақ.
Сувда сузиб чўмилиш
Қандай соз-а, вақ-вақ.
Дилим яйраб кетади
Қўшиқ айтсам, вақ-вақ.

Дўстлар билан хор бўлиб
Жўшиб айтсам, вақ-вақ.
Нега баъзи болалар
Чўмилмайди, вақ-вақ.
Кир юрар, қулоғига —
Гап илмайди, вақ-вақ.
Мен-чи, асло ўзимга
Бермайман зеб, вақ-вақ.
Кир боладан куламан
Уялсин деб, вақ-вақ.

КИРПИ

Мен Кирпиман,
Кирпиман,
Иғаларим
минг-миллион.
Кимки берса гар озор,
Бермайман унга омон.

Бўлиб олсам думалоқ,
Бўлинг ҳамиша огоҳ.
Копток деб тепиб
 юрманг,
Сўнг йиғлаб чопиб
 юрманг.

ҚУНГИЗ

Хуш кўраман офтобни,
Ва севаман китобни.
Лекин ўқийолмайман,
Қушдай чўқийолмайман.
Бўлмаса ҳам саводим,
Донолик фикри-ёдим.
Рангим қора-ю, бироқ,
Фаразим йўқ, кўнглим оқ.

ЧУМОЛИ

Мен жажжи чумолиман,
Ялқовликдан ҳолиман.
Асло билмайман тиним,
Дон-дунга тўлиқ иним.
Қишиғамин енг ёз,
 дейман,
Меҳнат гашти соз,
 дейман.

ИЛОН

Келтирмасанг қаҳримни,
Сочмагайман заҳримни.
Жонимга қасд қилмагин,
Газанда деб билмагин.



ҚУШЛАР БИЗНИ

ҚАПТАР

Тинчлик қуши —
 Қаптармай,
Мақтанчоқмас,
 камтарман.
Оппоқ-оппоқ қанотман,
Мактуб ташувчи зотман.
Тинч замонда тинч юрай.
Бошингизда чарх урай.

ОЛҚИШЛАР

ТУРНА

Қўшиғимизнинг боши
Ўзбекистон қуёши.
Жондан севиб қолганмиз,
Ундан илҳом олганмиз.
Тоғу-тошлардан ошибб,
Завқланиб, тўлиб-тошиб,
Карвон бўлиб келамиз,
Юрт қадрини биламиз.

ҚАЛДИРГОЧ

Қалдиргочман,

Қалдирғоч,
Чарчаб келдим, эшик оч.
Уйга кириб дам олай,
Сүңг ўзимга ин солай.
Аслида қурувчиман,
Пашшапи қиравчиман,
Одамларга кулса баҳт,
Мен ҳам шодман ҳамма
вақт.

ҲАККА

Номини дерлар Ҳакка,
Ин қўйдим чакалакка.
Деманг; ўфри, уришқоқ,
Ундаймас, мен тиришқоқ.

ЛАЙЛАК

Нофора чалиб «так-так».
Салмоқлаб сўзлар
лайлак:

— Мен қушларга
созанда,

Соз чаламан аzonда.
Дала-даштда юраман,
Ёз гаштини сурман.

ҚАРҒА

«Қағ-қағ» бу мен—
Қарғаман,
Оласан, деб қарғаманг.
Сафарда кўп юрганиман,
Хуллас, дунё кўрганиман,
Шунинг учун ҳам
қушлар,

Устозим деб олқишлиар.

ЧИТТАҚ

Озода қуш мен Читтак,
Тиним билмайман
қиттак.
Уйқумда ҳам ҳушёрман,
Куч-ғайратда бисёрман.



ҚАКЛИК

Какр-какр сайрайман,
Тоғда эркин яйрайман.
Овчи, тинчимни бузма,

Менга қараб, ўқ узма.
Етим қолмасин болам,
Кўшиққа тўлсин олам.

БУЛБУЛ

Булбул дөрлар отимни,
Суриштиранғ зотимни,
Миттигина қушчаман,

Ошиёним боғ-чаман.
Сиэга әйтсам очигин,
Мен гүзәллик ошиғи.

ТИНГЛАНГ, ДАРАХТЛАР СҮЗЛАР

ТЕРАК

Кўкка сари ўсамиз,
Шамол йўлин тўсамиз.
Зотимиз бор: кўк ва оқ,
Тик қомат, кумуш япроқ.
Бинога ёгоч-тахта
Бўлиш ҳам катта
бахт-да!

АРЧА

Табиатнинг эркатой —
Фарзандимиз асли биз.
Бўлиб байрам баҳона,
Қесилмоқда наслимиз.
Берид уч-тўрт ўйинчоқ,
Бизни алдаманг ўртоқ!

ЧИНОР

Биз дарахтлар улкани,
Яшнатамиз ўлкани.
Танимиз гўё қаср,
Яшаймиз аср-аср.

ЕНГОҚ

Қуз келганда пишаман,
Қоқсанг тап-тап
тушаман.

Ширин қилиб номингни,
Тозалайман қонингни.

ТУТ

Серхосият тут бизлар,
Қўп барака қут бизлар.
Ипак қуртин боқамиз,
Одамларга ёқамиз.
Экинг бизларни кўпроқ,
Эркалар она тупроқ.
Ўссак тўкиб биз савлат,
Одамларга қут, давлат.

ШАФТОЛИ

Данагимиз ғарчча мой,
Йиғарсиз-а, ҳойнаҳой.
Унинг фойдаси катта,
Айниқса саноатда.
Хилма-хил дори бўлиб
Яшаймиз ўйнаб-кулнб.

ОЛМА

Қўпdir темир моддамиз,
Лекии бир оз соддамиз.
Емоқчи бўлсанг Олма,
Ишлов беришдан толма.

САБЗАВОТЛАР НИМА ДЕЙДИ?

БОДРИНГ

Менга яхши боқ, Асом.
Тұним яшил беқасам.
Тез-тез сув бериб
турсанг,
Тугамаймиз ҳеч терсанг.
Егайсан барра-барра,
Барралигим хўп сара.
Бир шартим ҳам бор
лекин,
Мен сал шаддотроқ экин.
Найкалга кирган замон
Қарагин у ён бу ён.
Агар босилса таним,
Аччиқ бўлади таъмим.

ТҮРП

Палов борки, мен
борман,
Хизматнингга тайёрман.
Иштаҳа бўлиб карнай,
Қолдирмай ейсиз
ҳай-ҳай.
Донолар билиб айтган,
Тажриба қилиб айтган:
Турп даъво кўп касалга,
Қўшиб есанг асалга.

ШОЛГОМ

Бемор бўлсанг бериб
наф,
Тумовни этаман даф.
Яна кўп хислатим бор,
Дерлар мени доривор.
Дейман мен:— яккаман,
Редискага акаман!

ПИЁЗ

Рўзғорга қишиш ё ёздир,
Энг керакли пиёздир.
Овқат қилиб кўринг-чи,
Мен керакман биринчи.
Эрта баҳор эксангиз,
Кўклигимда есангиз,
Турган-битганим фойда,
Ўсмайман сувсиз жойда.

КАДИ

Исмимни дерлар Кади,
Қадрим билган экади.
Қулоч отиб кетаман,
Мен томгача етаман.

КАРТОШКА

Картошкаман,
Картошка,
Эринмангиз артишга.
Қовурсаигиз гўшт
билан,
Ейсиз кўнгил хуш
билан.

ГАРИМДОРИ

Гаримдори дегани,
Ярим дори дегани.
Бир шартим бор,
айтайин,
Кўп ишлатсанг атайин,
Аччиғимга бермай дош,
Кўзларингдан оқар ёш.

ҚАРАМ

Тұнім бор қават-қават
Хар бир бошим бир
сават.
Тұғраб, сүңг тузлаб
олсанг,
Еғоч бочкага солсанг,
Қиши бүйи роҳатда
Таом ейсан албатта.

САРИМСОҚ

Саримсоқман,
Саримсоқ,
Доим менинг таним соғ.
Сал ҳиди бор демасанг,
Күп әмас оз-оз есанг,
Гүёки сув, ҳавоман,
Минг бир дардга
давоман.

САБЗИ

Таништириб ўзини
Сабзи бошлар сўзини:
Қизил, сариқ
рангдамиз,
Енгилмаймиз жангда
биз.
Ер остида уйимиз,
Доим фикру-ўйимиз
Одамларга бериб наф,
Қозонда турсак қайнаб.

ЛАВЛАГИ

Қанду-шакар эмишмиз,
Чорвага хуш емишмиз.

Биз, лавлаги, лавлаги,
Тиф теккизмай

кавлагин.

ПОМИДОР

Барглар остидан
Боқсам мўралаб,
Узгингиз келар
Тонгдан саралаб.
Хоҳ салат қилинг,
Хоҳ солинг ошга.
Иштаҳа очгум
Кекса-ю ёшга.

РАВОЧ

Япалоқ баргли,
Шапалоқ баргли
Барра Равочмиз.
Кўринг таъмимиз,
Сервитамин биз
Сара Равочмиз.
Битмаймиз боғда,
Ўсамиз тоғда.
Келганда баҳор,
Ёққанда ёмғир,
Сўлқилдоқ, оғир
Ўзагимиз бор.

МУАЛЛИФДАН:

Оlam — одам яратган
Табиат чин онамиз.
Тинглаб унинг қўшиғин
Завқ олиб қувонамиз.
Мен табиат қўшиғин
Қанча ёзсан, шунча оз.
У умримиз мазмуни,
Этайлик мангу эъзоз!



ҒҮРА УЗАР

Ғұра узар
Бизиң Вали
Тикка туриб
Күликда¹,
Күлик юрди,
Вали қолди
Осиғанча
Ұриқда.

БИР ЧАҚИРИМ

Бир чақирим
Минг бир қадам.
Хар қадамда
Турса одам,
Қанча бўлар
Одам сони
Ўйламай тез
Айтгин Фани?

МЕН КИЧКИНА БОТИРМАН

Қулоқ солинг
дўстларим,
Мен кичкина ботирман.
Кўкдан ерга кўз
ташлаб,
Ойдан келаётирман.
Ер айланар гир-гир-гир,
Дарё, ўрмон, чўл билан.
Ер айланар гир-гир-гир,
Қир адиру кўл билан.
Нечун сувлар тўкилмай,
Бир маромда оқади.
Соҳилларни яшнатиб,
Гул чечаклар тақади.
Глобусдек она ер
Айланади ўқида,
Сирни билмоқ истасанг,
Тинмай китоб ўқи-да.

¹. Туркистонда от-уловни «кўлик» деб аташади.

ҚУШНИ БОЛА

Каптар қувиб Шодивой,
Гурс-гурс юрар томда у.
Шиферларни синдириб,
Гүё босар «тамға» у.
Емғир ёғса, қор ёғса,
Тамғалардан оқар сув.
Үй ичлари сув бўлса,
Қани кимга ёқар бу?
Ўз уйида ҳаммага
Қайси юзда боқар у.

БОШОҚ

— Бир бошоқда
Қирқда дон.
Санаб чиқдик
Биз обдон.
Үнтаси
Қанча бўлар?—
Айтиб бер-чи
Сен Анвар.



ЁМҒИР ЁҒАР

Ёмғир ёғар,
Ёмғир ёғар,
Чўмилмоқда қир, дала,
Ёмғир ёғса
Қувонади
Кўча-кўйда қиз, бола.

Боғу-роғу
Гулзорларнинг
Ҳуснин ёмғир очади,
Чанг тўзонлар
Сувга тушиб
Анҳор бўйлаб қочади.
Экин-тикин
Қаддин тиклаб

Бүй узатар осмонга,
Бор жамолин
Күз-күз қилиб,
Боқиб турар ҳар әнга.
Әмғир ёғса
Ейлади
Үлкам бүйлаб соф ҳаво,
Соф ҳавода
Жаранглайди
Булбуллар чалган наво.

СҮЮНЧИ

— Ой туғди-ю,
Ой туғди,

Сүюнчисин
Ким йиғди?
Нима туғди,
Айтинг сиз,
Ұғилмикан,
Еки қиз.
Совға-салом
Келтириб,
Табрикласак
Гул беріб,
Шод этардик
Дилини,
Топиб күнгил
Тилини.

АБДУСАМАТ ЮНУСОВ

ЧУМОЛИ

— Хавотирда яшар,
Донм чумоли,
Билмас эртага
Не кечар холи.

— Меңнатда топар
Емиш-таомни,
Оёқ остида,
Бас, қолмас, жони.



ШИРИН

— Қани айт-чи Зиёда,
Нима ширин дунёда?
— Шуни ҳам
билимайсизми,
Бу асал, мураббо-да!

ҮҚУВЧИГА

Болалар, сиз шоирни
Ўхшатманг тўқувчига.
Қиёс қилинг уни сиз
Оддий бир ўқувчига.

ҚУРИТМАСДАН ҚУРИТИБ

Каримжонга ойимлар:
— Қурт қил! — дея айтдилар.—
Сўнг, саватга ёйинглар,—
Деб далага қайтдилар.
У бир тўрва сузмани
Саватга думалатиб,
Барин паққос туширди,
Оғзига юмалатиб.

БОБОМНИНГ ДЕГАНЛАРИ

Бобомлар мени қучиб
Дерлар: — ўғлим, омон бўл!
Мен қартайган бобонгга
Сен доимо дармон бўл.
Ҳаётда кўпни кўрдим,
Умрим бўлди зиёда.
Тилагим бўлди яккаш
Тинчлик бўлсин дунёда!

ОНАМГА

Осмон тўлар, ёниқ юлдузга,
Онажоним шодон кулсалар.
Осмон тўлар оқ каптарларга,
Тинчлик дея жавлон урсалар.
Эй, ер — момо, эй, бобо — қуёш,
Бу ҳаётнинг сизлар юраги,
Илтимосим, мунис онамнинг
Чарақласин доим тилаги.

ОЛАМ ВА ОДАМ

Оlam расмии чизаман,
Қуролсиз бир оламни.
Одам расмин чизаман,
Қуролсиз бир одамни.
Бу қуролсиз оламнинг
Уруш деган сўзи йўқ.
Бу қуролсиз одамнинг
Бузиш деган сўзи йўқ.
Тинчлик сўзи ҳукм сурар
Бахти тенгсиз элида.

Осмонида, ерида.
Тенглик сўзи ҳукм сурар
Яратиш, қуриш, ўйлаш
Қуролсиз олам иши.
Бахтидан мамнун яшаш
Қуролсиз одам иши.
Оlam расмин чизаман,
Қуролсиз бир оламни.
Одам расмин чизаман,
Қуролсиз бир одамни.

УЧТАМИЗ — УСТАМИЗ

Али, Вали, Нор —
Учтамиз,
Қўллари гулдай
Устамиз.
Шўху ҳам ишchan
Боламиз,
Кўлимиизда мих,
Болгамиз.
Мактаб полини
Қоқдик биз,
Барчага бирдай
Ёқдик биз.

БИРЛИК


Ёлғизликдан
Зерикиб хўп,
Игна билан
Дўст бўлди ип.
Энди қаранг
Булар ишин:
Шодон тикар
Кўйлагу шим...

ЁМГИР

Ёмғир ёғиб, сувидан
Фарда ясар шарчалар.
Сўнг учмасин кўкка деб,
Ўзи ёриб, парчалар.

HACCP





ТЕҢГДОШЛАР ИЖОДИДАН

ОЛЛОӨР БЕГАЛИЕВ

ШОШҚИН СУВЛАР — ТОШҚИН СУВЛАР

— Тезроқ! Тезроқ! Тез... — муз бұлғагининг этагига йигилган сув зарралари катта томчига айланди-да, үз салмогини күтара олмай пастга қулади. Катта харсанг кифтидан думалаган ўн-ўн беш томчи жимит күлмак сатқига чарсиллаб урилгач, намли из қолдирғанча яна-да пастроққа қараб иитилишди.

— Тезроқ! Тезроқ! Тез... — бу жажжи жилғача пастроқда үзига ўхаш жилғачага дуч келди. Улар анча жойгача гоҳ бир-бирига яқынлашиб, гоҳ бир-бирларидан узоқлашиб, қинғир-қийшиқ оқиб боришиди-ю, ного-хонда құшилишиб сал каттароқ ирмоқ ҳосил қилишди.

— Тезроқ! Тезроқ! Тез... жилғачалар бирлашиб ирмоқларга айландылар. «Тезроқ! Тезроқ!» — деган шовур-шувур пастдан-тепага, тепадан-пастға қараб янграй бошлади. Оламни фақат сувларнинг: томчиларнинг, жилғаларнинг, ирмоқлар ва сойларнинг шовқини тутди.

Қор ва музликлардан ҳоли қолған харсанглар кифти күн тафтидан қизий бошлади. Уларни оралаб пастға, даралар ва водийларга шошилаётған сувлар шовқини тошлар қулоғини батанг қилди: Тезроқ! Тезроқ! Тез...

Шаршаралар гувиллай бошлади. Сувлар чанғиб, үзида қуёш нурларини синдириб камалак пайдо қилди.

«Қаёққа шошилаяпсиз, қаёққа?!» — харсанглар са-воли жавобсиз қолди. Дўланалар, наъматаклар ҳайрон: «Қаёққа шошилаяпсиз, сувлар?!»

— Бизми? Биз одамлар яшайдиган жойларга — қи-

лоқ-шаҳарларга шошаяпмиз. Улар бизни жуда сўйишиди. Бизни кўриб қувонишади. Фақат тезроқ уларнинг олдига борсак деймиз!— шошилаётган сувларнинг жавоби шу бўлди.

«Сизларни муштоқлик билан кутаётганликлари чинми?— сўради Тоғ керишар экан.— Улар балки ҳали уйқудадир. Сизлар уларнинг оромини бузарсиз?»

— Йўқ! Нега энди?! Улар биз учун ариқларни тозалаб қўйишибди. Етиб боришимиз билан бизни юз-кўзларига суришади. Ўтган ёз одамлар сув навбати талашиб, бир-бирлари билан роса жанжаллашиб қолишганди. Тошмат дегани менинг навбатим, деб ўз ариғига бизни буриб, уйига жўнаса, бу ёқдан Эшмат дегани келиб, бизни ўз ариғига буриб кетади. Бир соат у ёқقا, бир соат бу ёқقا оқиб, роса аллада азиз бўлганмиз. Дам у ёқقا, дам бу ёқقا!

«Оббо манавиларни. Азиз бўламиз деб мақтанишади-я!»— тўнғиллайди инига сув кириб кетган кўрсичқон.

— Э-э! Эшмат-Тошматларни қўйиб тур!— шовуллади сой. Катта-катта колхозларнинг раислари бизни деб талашишади!

«Майли, қайда бўлсангиз ҳам омон бўлинглар. Аэиз жойлардан бораётисизлар — азиз бўлинглар!»— оқ йўл тилаб қолди азим Тоғ.

Сой суви бир қишлоқ яқинига келганида бир қисми торгина бир ўзанга кириб кетди. Бу ўзанни анҳор деб аташарди. Бемалол оқаётган сув бирин-кетин анҳордан ажralган ариқчаларга ўзларини ташлашди.

— Вой!— Соҳилда ҳулво териб юрган икки қизалоқ ва бир болакай ариқчадан чопқиллаб келаётган сувни кўриб қолишиди:— Яшасин! Сув келди!!!

Улар сатилчаларида терган бир ҳовуч ҳулволарини кўтарганича сув ёқалаб кета бошлишди. Ариқчадаги сувлар эса болаларнинг қувонганлигини кўриб, хурсанд бўлишди. «Айтмадикми, бизни кутиб туришибди деб. Катталар кўринмайди. Ҳозир улар ҳам чиқиб қолса ажабмас!» Шундай хаёллар билан сув янада илдамроқ ҳаракатга тушди. Аммо, тезда ҳолдан кета бошлиди. Сув ўз йўлида ётган ҳас-чўплар, катта-кичик тошларга ўралиб қолар, уларни олдига солиб, суриб боришига ҳаракат қиласди. Агар сув бораётган томондан ётиб қарабалса, ариқчанинг ўзанида сув эмас, хазонлар, ҳас-чўплар аралаш-қуралаш бўлиб сурилиб кетаётгандек кўринар экан.

«Теэроқ! Теэроқ! Тез... Нега имиллайсизлар, ҳой олдиндагилар! Харакат қылсаларинг-чи!»— орқадан келаётган оқимлар олдиндагиларни турткилай бошлаши.

— Қаёққа борайлик! Олдимиз тұла хас-чүп!— норози бүғилишди олдиндаги сувлар. Орқадагилар эса олдиндагиларни тушунишни истамай, ўз талабларида туриб олишди: «Теэроқ!»

Охири бўлмади: сув ариқчадан тошиб, ўзини йўлга ташлади. Йўлни бор бўйига эгаллаган оқим тўгри буриб бироннинг оғилига кира бошлади. Таги ҳўл бўлгани сигир, қўйлар норози оҳангда шовқин солиши. Үларнинг эгаси хавотирга тушиб, оғилидан хабар олса — аҳвол чатоқ. У юргилаб чиқиб, сувни бу томонларга буриб юборганларни сўкиб, уни бошқа ариққа буриб юборди. Янги ўзанга тушган оқим бу сафар ҳам олисга боролмади: ўзаннинг торлиги ва хас-хашакларга тўлиб ётганлигидан сув тошиб чиқди ва ўзини шудгорга урди. Бир вақт шудгорланган ер эгаси дод-войлаб етиб келди.

— Биламан буни ким қилганини!— у қўлидаги кетмонни қулочкашлаб ариққа солар экан, тинмай оғизидан боди кириб, шоди чиқарди:— Эрта-индин жўяқ олиб, пиёз экаман, деб юрганимни била туриб шу ёққа атай бурган! Мана, бир ўзингни ҳам сув боссин!

Ариқдаги сув энди бошқа ўзанга, аввалгидан-да тор, ўти ўсиб кетган ариқчага тушганича қўшни ҳовлига қараб оқа бошлади.

— Вой-дод! Уйимни сув босди!— оёқяланг ҳолда ҳовлисида у ёқдан-бу ёққа юргилаб юрган кампир тинмай қарғанганча роса кетмон излади. Кетмон топлмагач, оловкурак билан қуролланиб, ариқдаги сувни бошқа томонга буриб юборди.

Хуллас, ўша куни бутун қишлоқ аҳли безовта бўлди. Сув кутилмагандан тўсиқларга учар, тошар, орқадан келаётган оқим эса камаймасди. Одамлар сувни бу ёқларга буриб юборганлардан хафа бўлишганларича, уни янги-янги ўзанларга солиб юборишарди. Ҳеч ким сув келганидан хурсанд эмасдек туюларди.

Балки, сиз сув жуда ҳам эрта келгандир деб ўйларсиз. Атрофга бир қаранг-а: баҳор аллақачон юртда кезиб юрибди. Қушлар қайтишмоқда олис эллардан. Сувлар ҳар йилгидек ўз вақтида келди. Фақат бу йил нимагадир бу қишлоқнинг одамлари ғафлат уйқусида эдилар. Улар: «Баҳор энди бошланаётир-ку, сув келгун-

ча бир гап бўлар...»— деб ўйлашган. Ариқ ва зовурларни тозалаб, тахт қилиб қўйишмаган эди.

Сиз ҳам бу эртакни ўқиб бўлгач, ҳовлингиз атрофидаги, кўчалар четидаги ариқларни бир кўздан кечиринг-чи, улар тозаланганмикин, сув келиб қолса, тошиб бирорвинг, қолаверса, ўзингизнинг ҳовлингизга бостириб кирмасмикин. Агар то эртакни ўқиб бўлгунингизча сув келган бўлса-ю, тозаланмаган ариқчадан тошиб кўча-кўйга, ҳовлиларга оқсан бўлса, мени айблай қолинг, розиман...

СЕҲРЛИ УЙҚУ

Ажабланманг, менинг уйқум жуда сеҳрли! Ҳа, ҳа, ишонаверинг. Мен уйқуга кетмагунимча кўп нарсалар ўзгармайди. Терак учидаги ой қимирамай тураверади. Уйқудан уйғонган маҳалим ойни теракнинг учидаги эмас, қишлоғимизнинг четидаги қирларга ёнбошлаган ҳолда кўраман. Унинг нурлари тугаб, оқиш рангдалигини айтмайсизми! Шунақа, ухлаб ётганимда ойни теракнинг учидан қирлар устига судраб борган менинг сеҳрли уйқум бўлади. Ухлаб ётганимда юлдузларни бирма-бир ўчириб чиқади: ўрилмаган бедани ўриб, сигирнинг соғилган сутини челякда мен остида ётадиган узум сўрисига осиб қўяди. Хуллас, уйқумнинг иши беҳисоб. Агар бирор иш қилинмаганлигини кўриб қолсан, дарҳол жимгина ухлашга ётаман, қарабисизки ҳаммаси жойида бўлади. Мабодо, менинг уйқум қийналадиган бўлса, дадам билан ойимларнинг уйқулари ҳам кўмаклашиша керак. Ҳарҳолда уларнинг уйқулари менинг уйқумга қарагандан янада сеҳрлироқ бўлса керак. Буни мен ўзларидан билиб олганман. Ойим дадамга бир куни: «Бирим кучли хуррак отасиз-ей, Анваржондай (Анвар бу мен) пиш-пиш қилиб ухломайсиз». Дадамлар бўлса ойимга: «Сенинг уйқунгдан қаттиқ уйқу бўлмаса керак, бир ёнингни бирор кесиб кесаям билмайсан», дегандилар.

Шунақангиз зўр, ҳар ишга қодир уйқум бор эди-ю, афсус мактабга қатнаб унинг анча мазасини қочирдим. Ишларни-ку қўяверинг-а, уйқум аввалги ишларини бемалол бажаряпти! Фақат шу уй вазифаларига келганда... Рости гап, дафтаримда қинғир-қийшиқ ёзилгани... менини, чиройлиси зса уйқумнинг ёзуви. Ҳисобларимнинг ҳам уйқум ишлаганлари тўғрироқ. Муаллимимиз

бўлсалар вазифангни ота-онанг ишлаб бермасин дейди. Уларда вақт қаёқда! Уйқумнинг ишлари-ку, булар! Балки, ойим билан дадамнинг уйқулари ҳам, кўмаклашган бўлса бордир. Ахир бир уйқу яхши, икки уйқу бўлса яна ҳам... Мен эса уларга қандай қилиб уйқуларингиз менинг уй вазифаларимни ишламасин дейман. Ахир, уларнинг уйқуси тугул, ўз уйқумни ин устида кўрмаган бўлсам. Мен фақат уларнинг бажарган ишлари натижасини кўраман холос. Балки энди уйқум чарчаб қолаётгапдир. Нега десангиз, бу йил ёшим роппоса ўн ёшга тўлади, ҳазилми! Шунча йилдан бери ойни ўёқдан-буёққа судраш, қуёшни ернинг остидан тортиб чиқаришнинг ўзи бўлмайди. Лекин ўқитувчимизнинг айтишича, ой ҳам, қуёш ҳам ўзидан-ўзи юрармиш. Бир текширай-чи, деб кечаси ойга тикилиб ётдим. Қаёқда! Қимир этмайди. Ойга қараб ухлаб қолибман. Эрталаб уйғонсам уйқум аллақачон ойни қирларнинг устига олиб бориб ташлабди. Шундай қилиб, менинг уйқум ва қуёш ҳаракатига, кузда дараҳтларнинг барг тўкишлари-ю, тоғларнинг бирида срни бехато қопладиган қорларга сира алоқаси йўқ экан. Мен бўлсам буларнинг барини уйқум қилиб юрибди дебман. Майли, уйқумнинг бундан бўлак ҳам ишлари кўп. Беда ўриш, сигирларни тагини тозалаш, кийимларимни дазмоллаш, уй вазифаларимни айримларини ишлаб қўйиш — булар ҳам ишку! Мен ўз уйқум бажарадиган ишларни у қандай қилиб улгуроётгаплигини бир кузатмоқчи бўлдим. Бир кун ойимдан мени эртароқ, соат олтиларда уйғотишларини сўраганимда, ойим ёقا ушлаб, анграйиб қолдилар ва майли деб қўйдилар. Лекин бари бир уйғотмадилар. Эртасига ўзим уйғониб кетдим. Агар, одам боласи бирор нарсани қаттиқ мақсад қилса, бажара олар экан. Ишонасизми, ўзим соат олтиларда, ҳали қуёш қишлоқнинг у четидаги адирлар ортидалигида, ой бўлса қишлоқнинг бу четидаги қирлар устига яқинлашиб қолганида уйғониб кетдим. Қарасам, ойим ҳам, дадам ҳам ўз ўрниларида йўқ. Сеҳрли уйқумни иш устида кўриш учун аста ўрнимдан туриб, секин ҳовлига тушдим. Кеча отам бедани ўриш керак дегандай бўлувуди. Уйқум, албатта беда ўраётган бўлса керак деб, томорқа четига экилган макка поялари панасидан бедапоямизга яқинлашдим.

ШИFFFF-ШИFFFF-ШИFFFF! Ана, айтмовдимми, уйқум беда ўраётиди деб! Ие! Майкачан бўлиб олганча, белуроқ-

ни қулочкашлаб солаётган дадамларни кўриб, йиғлаворай дедим. Ҳали уйқум бедаларни ўрмас экан-да! Дадам ўриб юрарканлар-да!

— «Повв-повв-повв». Қулоғимга эшитилган бу товушдан бирдан енгил тортдим: ахир, уйқум сигир соғаяптику! У аввал дадамга қарапшган — ахир шунча жойни дадамнинг бир ўзи ўрмаган-ку. Кейин сигирни согиш учун бостирмага ўтдим. Мен бостирмада боғлиқ, турган сигиримизни ва ойимни қизил гулли кўйлакларини кўрдим. Шунда ҳам сигирни уйқум согаяпти деган ишончга дарз кетмади. Ахир, битта кинода солдат бошига рўмол ўраб сигир соққанини кўрганман. Сигири миз соғдирсан деб, уйқум ойижонимни кўйлакларини кийиб олгандир-да. Шу вақт сигирни согиб бўлган уйқум бостирмадан чиқиб келди ва... ойим сутли челякни менинг йиғилмаган тўшагим устидаги сўрига илиб қўйди.

— Вой, Анваржон ҳам турибди-да! — ойим уёқца буёқса қараб олдилар ва ўрнимни йиғиширишга тушдилар. Кейин газга чой қўйдилар. Ошхонадан чиқиб, менинг папкамни очдилар ва кеча мен роса бош қотирган масалани ишлаб ташласалар бўладими. Сўнг шимига дазмол босдилар, дарс жадвали бўйича дарсликларимни папкага жойладилар. «Керак эмас, ойижон,— дейман уялганимдан ичимда.— Керак эмас, ўзим...»

Шунаقا, сеҳрли уйқумнинг тунги ва тонготар ишлари мана шу ҳолда барҳам топди. Унинг барча ишлари дадамнинг, ойижонимнинг тиниб-тинчимас қўлларининг меҳнати экан. Шундан бери тонгда туришга, ойимнинг сут согадиган челягини олсамда, дадамнинг қўлидаги ўроқни олишга, бедаларни ўзим ўришга ҳаракат қиляпман. Мендаги бу ўзгариш аввал-бошда отамга ҳам, ойимга ҳам унчалик ўтиришмади. Ётсангчи, ҳали ишлайвериб безор ҳам бўласан, дейишиди. Энди бўлса ундей эмас. Ҳозир сизларга шуларни хаёлан ҳикоя қиляпману, нарироқда отамнинг уйгонгандарини, ҳовлида уёқса-буёқса юрганларини сезиб ётибман. Мана, ҳозир улар мени...

— Анваржон, тур болам, қўйларингпи чўмилтирайлик, кеча ўзинг айтдинг-ку.

Эҳ, туриш керак. Бу пайтда ухлаш йигит кишига ярашмайди. Лекин, қанийди яна бир соатгина, йўқ, ярим соатгина ухлаб олсам.

— Ҳой, Анваржон, тур, ҳаа болам...

ЯШИЛ ДУНЕ

(Ҳикоя)

Анвар туппа-тузук рассом бўлиб қолди. Кучугининг, ҳатто акасининг ҳам расмини чиза олади. Умрида тулки деган жондорни кўрмаган бўлса-да, суратини чизиш қўлидан келади. Онаси айтди: унинг кеча солган расми тулкига жуда ўхшаркан. Анварнинг ўзи ҳам бунга ишонади.

У мактабга боришни жуда истарди. Афсус, ёши етмади-да бу йил. Етганида Нурбойлар билан ўқиган бўларди. Ўшанда ўзидан катта опаси Рўзигул олиб борганди мактабга. Агар отаси соғайганида ҳамма ишлари юришиб кетарди. Болта муаллим отасининг қалин ошнаси, эҳ, агар отаси Анварни мактабга элтиб, Болта муаллимга илтимос қилганида ҳам биринчи синфга ёзишарди-я.

Ўша, опаси билан биринчи марта мактабга борганида, у каттакон партага ўтириди. Ўзини мактаб бола деб ҳис қилди, завқланди. Унинг ёнига опасининг партадоши — ёқимтойгина бир қиз келиб ўтириди. Қиз ён чўнтагидан қизил пуфакча чиқариб, болакайга совға қилди. Бир маҳал эшикдан муаллим кириб келди. Ҳамма ўрнидан туриб салом берди. У эса ҳайрон қолди. Муаллимни таниди. Географиядан дарс берадиган бу одам уларга олис қариндош, уйларига келиб турарди.

У муаллимнинг қўлидаги глобусни кўриб шодланиб кетиб: «Бейди акамнинг шайи бойакан!»— дея баралла қичқирганди, болалар кулиб юборишиди. Муаллим унинг онасига қараб: «Сизларга неча марта айтаман, укаларингни дарсга опкеманглар, дарсга халақит беради деб», деди. Опаси ерга қаради. У эса ган ўзи ҳақида кетаётганини сезди ва муаллимга хўмрайиб қаради. «Ёмон экан», — ўйлади у. Муаллим ўтириб, журналга нималарнидир ёзаётганда унинг шар пуфлагиси келиб қолди. Киссасидан пуфагини чиқариб, зўр бериб пулай бошлади. Зўрга озгина шиширди. Шарнинг оғзини бурай олмади. Шунда шар «Фийқ» этиб ўчиб қолди. Синфхонада яна «гурр» кулги кўтарилиди. Опаси унга, «жим ўтири», деди жаҳл билан. У болаларнинг кулгиси-

дан ғуурланиб кетди, чунки ҳамма унинг қилиғига кулаётган эди-да. «Бейди ака» кўзини олайтириб бир нима демоқчи бўлдн-ю, яна индамади.

Анвар:— Бейди ака йасм чизишни ўйгатадими?— деб сўради Рўзигулдан, секин гапиришга ҳаракат қиласа, ҳам, овози баланд чиқиб кетди. Опасидан танбеҳ эшитиб бир оз жим бўлди.

— Йасм чизгим келаяти, қаламингизни бейинг,— хархашасини давом эттириди у.

Опаси муаллимдан рухсат олиб, уни тўртинчи синифда ўқийдиган холаси — Гулнозанинг синфига олиб борди.

Гулнозаларда расм дарси эди. Холаси унга рангли қаламлар берди. Буларнинг муаллими ювощ, ҳеч кимни уришмас, болалар эса кўп тўполончи экан. Расм муаллими Анварни эркалатди, ота-онаси, кейин акаларини сўради.

— Кимнинг ўғли бўласан?— деди у.

— Отамнинг.

— Отангнинг оти ким?

Муаллим буни Гулноза орқали билиб олган бўлсада, унинг ўзидан эшитишга қизиқиб сўрар эди. Анвар эса бу киши отамини танимас экан, деб хижолат бўлди. Лекин нимагадир ўз отасининг исменин ҳеч эслай олмади. Болалар: «Бу бола отасиниям танимас экан», деб қиқиқр-қиқиқр кулишарди. Унга шуниси алам қилди.

У Гулноза берган расм дафтарига чиройли гулнинг расмини чизмоқчи эди, ҳечам келиштиrolмади. Солган расмлари сал-пал гулга ўхшарди, лекин эгри-буғри чизиқлари шунақаям кўп эдики. У Гулнозадан пистоқи қалам сўради. Шу қалам билан гулнинг новдаларини, баргларини чизди. Муаллим унинг ёнига келиб: «Жуда зўр чизибсан, сендан рассом чиқади»,— деди. Кейин дафтарнинг саҳифасини тўлдириб катта «Беш» қўйди. Анвар жуда севиниб кетди. У ҳақиқатан ҳам берилиб чизган эди, расм ўзигаям ёқди. Тезроқ рассом бўлгиси келди.

— Мен бундан ҳам яхши чизаман,— деди у магрур.

Муаллим унинг елкасига қоқиб қўйди. Ўқувчилар доскада кўрсатилган чойнакнинг расмини кўчиришарди. Муаллим ҳамманинг расмини кўриб чиқди. У бир боланинг ёнида тўхтаб:

— Бу нима?— деб сўради.

— Чойнак,— деди бола саволдан ажабланиб.

- Манави нимаси?
- Балдоғи.
- Отангнинг қулоғига ўхшатиб чизибсан-ку. Буни-си-чи?
- Чумаги.
- Отангнинг бурнига ўхшар экан. Лекин сал ингичка бўлиб қолибди,— деди муаллим жиддий. Ҳамма кулиб юборди. Анвар ҳам кулди. У ўзича гурурланди: «Демак, мендай чиза олмас экан. Муаллим унга кулди-ку, менга эса кулмади. Чойнакниям чиза оламан. Энди чойнакни чизаман».

Бир бола гулнинг расмини солган экан, муаллим:

- Поясини нега малла қилиб бўядинг? Момонгнинг урчуғига ўхшаб қолибди,— деди.

Анвар кулди: муаллим жуда шўх экан. «Қандай яхши — мени, болаларни кулдириб ўтирибди,— ўйлади у.— Лекин кийимлари нега эски, янги шим-камзули йўқ эканми? Иссиқ кундаям телнак кийиб юришини. Ботин-касиям йиртилай деб қолибди». У бундан ҳам қўпроқ нарсани ўйлади. Аммо ўзидан: «Муаллим қандай экан?» деб сўрасангиз, бунчалик таърифлаб беролмасди. Фақат: «Маълум яхши экан, жуда зўй экан», дер эди, холос.

У доскадаги чойнакнинг расмига маҳлиё бўлиб қолди. «Бунча чиройли экан, маълим чизган бўлса керак. Қўлларининг катталигини қаранг. Менинг ҳам қўлларим шунчалик катта бўлса, зўр расм чизардим».

Чойнакни думалоқ қилиб чизиш керак. У бўлса думалоқни ўхшатолмайди. Шунда миясига бир фикр келди. Гулнозанинг партаси устида турган сиёҳдонни олиб, дафтарништаги қўйди. Унинг атрофида қаламни айлантириб чиқди. Кейин балдоғини, чумагини, қопқоғини ясади. Қопқоғидан балдоғига қараб чиройли мунучоқ ўтказиб қўйди. Нега деганда ўзларининг чойнаги шунақада. Чойнакнинг биқинига катта, яшил баргнинг расмини солди. Қаламнинг учини тупуги билан ҳўллаб, қоғозга суркади. Қалам тўқ яшил чиза бошлади. Анвар шундай чиройли қилиб бўядики, чойнакдан ҳам барг чиройли чиқди. Барг ям-яшил бўлди.

Муаллимга: «Мана, мен чойнак чиздим», деб кўрсатганида, у ҳатто ҳайратга тушди. «Маладес, рассом деган бундай бўлади. Бу энг зўр расм», деб баланд кўтариб болаларга кўрсатди. Болалар ҳам қойил қолишлиди. Аслида расм яхши чизилмаган, ҳар томони чи-

зилиб кетаверган, чумаклари синиққа ўхшаб қолгац эди. Шундаям қалби қувончга тўлди. Ундан кўра яхшироқ чизган болаларни муаллим мақтамади, фақат уникини мақтади. Демак, энг зўр расм шуники бўлса кепрак-да.

Қўнгироқ чалинди. Ўқувчилар бирин-кетин синф хонасидан чиқа бошлашди. Муаллим Анварнинг ёнига келиб: «Мен сени уйингга қўйиб келаман», деди. Анвар бегонасирамади. Муаллим йўлакда боланинг опасини учратиб: «Укангни ўзим уйларингга элтиб қўяман», деб тайинлади. У ўқитувчилар хонасига журнални қўйиб чиқди ва Анварни кўтариб олди. Улар пастга, сойга тушишди. Муаллимнинг тутга боғланган оқ эшагини мишиб олишди. Муаллим унга йўлда қўшиқ айтиб берди. Кейин боланинг исмини сўради.

— Анвай,— деда жавоб қилди у.

— Менини эса Норбек, ҳамма Норбек муаллим дейди,— деди у бола сўрамаса ҳам. Гаплари Анварга жуда ёқди. У ҳам тортина масдан сўзлайверди. Анвар шудамда муаллимни отасига ўхшатди, яхши кўриб кетди, қўп нарсаларни гапириб берди. Катта эчкисининг бирданига иккита улоқ туққанини, ола сигирлари яқинда бузоқ туғишини айтди.

— Ўйимизда ўнтаданам қўп эчкимиз бор,— деди у мақтаниб. (У ўнгача санаарди). Кейин қўзичноқларни яхши кўриши, лекин қўйлари йўқ бўлгани учун қўзичноқлари ҳам йўқлигини гапириб берди.

— Эчкилай қўзи туғишмайди, фақат улоқ туғишиди, қўйлар бўлса, улоқ туғишмайди, қўзичноқ туғишиди,— муаллимга «Ўргатди» у.

Улар тезоқар сойдац әшакни кечириб ўтишди. Уйга етиб келишгапда Норбек муаллим унинг отаси билан узоқ сўрашди. Отаси анча вақтдан бери касал ётарди. Бундан икки ойча муқаддам унинг оёқ-қўллари ишламай қолганди. Ўзининг айтишича, у кечаси ниҳоятда даҳшатли туш кўрганмиши. Шу куни қўзини очибоқ ўрнидан туролмабди.

Анварнинг отасини ҳатто катта-катта врачлар ҳам даволай олмадилар. Шундан бери у отасининг соғайишини кутади. Қани энди, ҳамма нарса унинг истакларига бўйсунаверса, ҳозир бирдан сеҳргар бўлиб қолса. Сеҳргарлигини билдирамай секин бориб отасининг олдида ўтиrsa, катта-катта, бақуват қўлларидан ушлаб қўзларига тикилиб, ҳеч ким билмайдиган дуони ўқиса,

«Ота, туринг энди, сиз соппа-соғсиз», деса. Отаси олдин ишонмайди. Кейин құлларини секин қимирлата бошлиди. Иннайкейин эса бирдан ўрнидан иргиб туриб кетади. Шодлигидан ўзи ҳам қичқириб юборади. Ҳамма ҳайратда, ҳамма лол. Кейин улар қувонади, тантана қиласы. Бутун дунёнинг одамлари түппланса, улар ҳам қувонгандаридан раңсга тушишса, құшиқлар айтишса. «Мен ҳам отам билан етаклашиб, қирга чиқаман. Қизилқияннинг ортидан ёйилиб юрган отамнинг ҳозир Номоз ака боқаётган қўйларини кўрсак. Эҳ, отам бечора даштда кезишни жуда соғингандир. Эшакни ўтли ерга қўйиб, сурувлари ортидан хиргойи қилиб юришларини...»

Анвар Норбек муаллимнинг ҳам отаси билан қадрдан эканлигини кўриб шодланди. Расм чизиши ўргатган ёбу одамга меҳри янада ийиб бир иарса дегиси келди, аммо катталар айтадиган, «раҳмат сизга, муаллим», деган сўзни айта олмади. Анвар ўша куни эрталаб мактабга кетаётганида отасига: «Рассом бўламан», деб жетган эди. Энди у ҳамманинг расмини чиза олади.

Отаси ҳадеганда тузалавермагач, ўтган куни бир чора қилиб кўришган эди. Бобомурод бобо энг даҳшатли туюлган жондор—илонми, чаёнми ёки бирор қўрқинчли нарсаними унинг қошига қўйиб юборилса, қўрққанидан бирдан ўрнидан туриб кетишини айтди. Анварнинг амакиси бир куни даштдан узун, осллари оппоқ, турқи совуқ бир чипор илон тутиб келди. Амакиси бундай жондорлардан қўрқмас эди. «Кўлвор энг важоҳатли илон», деди у. Айтишларича, амакиси илонни заҳрини олиб қўйғанмиш. Бошидан рўмолча билан ушлаб бутилкага «қусиб» ташлабди. Бу ишларни улар Анварга кўрсатмай, билдиrmай қилишди. Улар Анварнинг қўрқиб кетиб «отам» дея қичқириб юборишини билишарди-да. Кейин эса отаси тузалмай қолиши мумкин эди, у аслида отасининг бугун, ҳозироқ туриб кетишини истарди, лекин катталарининг бу ишларига ақли етмасди. Шунинг учун улар кўрсатишмаган. Бари бир Анвар кейин билиб олди. Ойиси айтиб берди.

— Отанг ухлаб ётган эди. Амакинг тўшагининг устига илонни билдиrmай қўйиб кетди. Кўлвор эса қўрқанинг устидан тўғри отангнинг юзига қараб ўрмалай бошлади. Жуда қўрқинчли, хунукдан хунук эди-да, ҳалиги сабил. Агар бориб отангнинг бўйнига ўралиб қол-

са нима бўлади, деб ўйладим. Тоқат қилолмас даражада қўрқиб кетдим.

Ойисининг гапларини эшитиб Анвар титрай бошлиди. «Нега, нега», деб йиғламоқдан бери бўлиб, лаблари қалтиради.

— Э, тўхта. Ҳеч нарса бўлгани йўқ. Тирноқдай бўлсангам ваҳиманг оламни бузади-я. Мен сенга ўтган кунги нарсани айтяпман.

Анвар сал овунгандай бўлди-ю, қўрқуви босилмади. Гўё булар ҳозир юз берәётгандай, югуриб бориб: «Ота, илон», деб қичқиргиси, отасини уйғотгиси келди.

— Кейин мен жуда қўрқиб кетганимдан ўзимни тува олмадим,— ҳикоясини давом эттириб ойиси.— «Отаси», деб бақириб юборганимни билмай қолибман. Чўчиб уйғонди. Шунда кўрдим, чиндан кўрдим— отангнинг ҳамма жойи бирдан қимирлаб кетди. Илон эса ўзини пастга ташлаб, судралиб қоча бошлади. Отанг илонни бир маротаба кўрди. Довюрак одам-да, ахир. Бўриларни писанд қилмайди-ю, шундан қўрқадими.

Анвар шу ерда суюниб кетиб чапак чалиб юборди. «Ура, менинг отам ботир, ботир», деб қувончини ичига сигдиролмай ҳайқириди.

— Тек турсанг-чи,— жеркиб берди ойиси.— Шунда отанг мени илк бор сўқди. «Эҳ, кўнгли бўш зот, падарингга...»— деди-ю, у ёғини гапирмади. Шундай ҳолатдаям мени сўқмади-я, ахир унинг охирги шифодан тузалмай қолишига сабабчи бўлдим-ку. Энди отанг хушёр бўлиб қолди, ҳеч нарсадан қўрқмайди ҳам...— Ойисининг йиғлагиси келди.

Анварнинг отаси шу кўйи тўшакдан гавдасини ололмай ётаверди. Мулла-эшонлардан тортиб девонаю мўлтониларгача ўқитишди. Бари бир кор қилмади.

Энг ёмони, отаси энди уни қўлларига олиб кўтармас, фақат тилидагина эркаларди. «Сиз ҳали соғайиб кетасиз, икковимиз қийлайга, Қизилқиянинг энг баланд жойиға чиқамиз. Сиз қўйлайни, мен қўзилайни боқаман», дерди Анвар. Отаси эса: «Насиб қилса.. албатта...»— деяр ва лабини қимтиб жилмайиб қўярди.

— Мен,— деди у бир куни отасининг каравоти ёнига келиб суюниб,— сизнинг йасмингизни чизаман.

У чизди. Узун таёқ ушлаган отасини. Аммо сурат отасига сира ўхшамасди, бошидаги қозоқи телапги салпал ўхшарди.

...Кўм-кўк дала, кўм-кўк осмон. Қенг дала, чексиз

осмон. Бўзлоқда ўтлаб юрган қўйларнинг сонини унинг ўзи ҳам билмасди. Тасаввурича бу сурат отасига жуда ўхшарди. Сўнгра отасининг ёнига ўзини ҳам чизиб қўйди. Ранг танлашни билмай отасиниям яшил рангга бўяб юборди. Осмон, қирлар, ҳаммаси яшил бўлиб кетди. Аммо, расмдагиларнинг барчаси аслига ўхшар эди, ўхшар эди.

У отасига кўрсатди. Жавобини ҳам кутмасдан ўрнидан турганида, отаси: «Қотириб чизисан», деди.

Чеҳрасига табассум югуриб, кўзлари аллақандай чўгланиб ёнди. Чамаси, у расмдаги ям-яшил қирлар бағрида ўзини ҳам худди кўкатлардек яшнаган ҳис этмоқдайди. Дарҳақиқат, Анвар чизган расмда у ҳам яшил рангда эди-да!

ОЛИШУВ

(Ҳикоя)

Бобошер Ханифага хат ёзганимиш. Бу — Бобошернинг элчиси Нурмат тўрткўздан чиқсан гап. Абдимурод Бобошернинг рақиби. У элчининг бекорга бундай жаврамаётганини сезади. Элчи Абдимурод бу «янгилик»дан сўнг қай аҳволга тушаркан, деб кузатади. Абди эса ўзини қўлга олиб, совуқоилик билан чидайди, тишили тишига босади.

Нурматга ўхшаган элчилар ҳар қандай синфда бўлади. Масалан, VIII «Б» нинг сардори Бобошер. Бобошернинг ўзи киму у дарга бўлган синфда элчи ким бўларди. Нурмат-да. Абдимурод — VIII «А» нинг «шефи». Элчиси — Жума тентак. Нурмат тўрткўз Бобошерни, Жума тентак Абдимуродни ҳозирги VIII синф ақлини танигандан бери бир-бирига гиж-гижлаб келади. Аммо ҳали-ҳануз бу икки «паҳлавон» бирор марта яккана-якка чиқиб уришмаган, бирор марта олишмаган. Синфдошлари Абдимуроднинг бўйига қараб фол очишиади. Яна нима деб: «Бобошерингни бизнинг Абди қўлтиғига бир боғ бедадай қистириб, момосиникига олиб бориб келади». Бобошернинг синфдошлари унинг тошбақаникига ўхшаш калта ва йўғон қўлига қараб бичибтўқишиади: «Шу қўллар бир чирпаниб Абдимуроднинг белига ёпишса борми, э, худо кўрсатмасин, қорнига зўр келиб...»

Бир ҳакам келиб, иккала полвонни олиштириб, икки томондан бирининг популдиригини пасайтириб қўймади. Натижада, «Абдимурод ўйинчидаги Тўхлиевни оёғини осмондан келтириб урибди», «Бобошер турникка йигирма беш марта ияқ етказиб тортинибди», деган узунқулоқ хабарлар мактаб болалар ўртасида қуюндан пайдо бўлиб, шамолдай тез тарқаларди. Бир куни қарасанг эса нариги ботир узунликка олти метрга сакрайди, униси етти метрга. Саккиз, ўн метрларгаям сакрашади... Кейин синфдошлардан билағонроғи жаҳон рекордидаям бундай юқори натижа қайд этилганини уқдиргач, бу баҳс, «Баландликка сакрашда Бобошер ўтиб кетарди», Йўғ-е, Абдимурод!»— деган бақир-чақирли тортишувларга айланиб кетади.

Рақиблар гўё бир-бирларига «жосус» қўйиб, шулар орқали зимдан — пинҳона курашардилар.

— Абдимуроднинг жони йўққа ўхшайди,— дейди бир куни Сайдаз.

— Ҳа нимага?

— Эрталаб Шер коридорда эшикка суяниб турувди, Абдимурод, яхшимисиз, деб ўзи кўришиб кетди.

Абдимурод дув қизариб, энди оғиз жуфтлаётганда, қаердандир тўрткўз пайдо бўлади.

— Минг қилсаям шеф-шеф-да. Бекорга тарбияланаштаганимиз йўқ. «Л»дан қўрқсан, нима деган одаммиз?

Абдимурод ўзини зўрлаб кулмоқчи бўлади. Бироқ, у ўзини босолмай аламзадалик билан сўкиб юборади. Элчиям сўқади ва қочади. Эшикда қора булатдай бўлиб Шер кўринади. Бургут овози ҳар тарафни тутиб кетади...

Абдимурод ўзи ювошгина бола. Унинг ҳали кимлар билан курашиб, олшишиб юрганини ҳам биронта киши яхши кўрмаган. Нима учун синфнинг сардори бўлиб қолганини ўзи ҳам билмайди. «Шер» дегап ном эса унга уч йиллар бурун ёпишган эди. Аммо қайси воқеадан кейин — буши аниқ билишмайди. Балки, Нормурод муаллимникига чолма қўйиш учун борганида муаллимнинг бошқа ўқитувчилар ўртасида оғиз кўпиртириб мақтагани учундир? Еки бешинчи синфда ўқиётган вақтида ҳам тўққиз, ўнинчи синфда ўқийдиганлар билан bemalol кўлкари чопишгани учундир?

«Отаси худо берган чавандоз бўлгандан кейин, боласи эшак кўлкари ўйнаса ҳам бари бир чавандоз-да». Бу — худди ўша Нормурод муаллимнинг таърифи. Яна

у Абдимуродни эшгиртмоқчи¹ бўладими ё ихлоси ба-ландми, ердаги болаларнинг ҳеч қайсиси билан тенг-лаштирумайди: «Унинчидан ўқиётгани ҳар қандай бола би-лан кураштири, э, менинг айтди дерсанап, остига олиб ту-шади. Нима, Пўкки-ку у!»

Унга бошқа ўқувчилар қўшилишади.

«И, Абдимурод деганингиз эрталаб югуради. Мол-ларни бўшатмасдан олдин Текисқирда тозидай чопиб югуради. Э, бу туришда Алпомиш бўлади, Алпомиш!»

«Мұхаммад Али деңг, замошавийроқ!»

«Хозир замони бошқача-да, агар аввалги вақтлар бўлгандага борми, Эралидайми, Маҳмуддайми наҳлавон бўлиб етишарди. Жуманбулбулга ўхшаган бахшилар чиқиб достонига қаҳрамони қилиб олишарди. Илашиб биз ҳам достон бўлиб кетармидилик».

«Унинг миясини айт, миясини. Адабиёт билан та-рихни сув қилиб ичиб юборган. Шонир бўлса керак ул-ғайса».

«Шонир эмас, олим. Шонир бўлгандага давлат олиб бе-рармиди?»

«Лекин хумиарнинг математикаси чатоқ-да!»

«Юраги кенг бола-да. Ўзи олижаноб одамлар мате-матикани унча хуш кўришмаган. Математик бўлиш учун сизга ўхшаб қумурса ва бурганинг бир кунда не-ча марта чучкаришигача ҳисоблаб юрадиган бўлиш ке-рак, Холбуки, бурга билан қумурса моҳият жиҳатдан жуда майда ва чақадиган парсалар...»

Тоғу тошлар орасидаги бу қишлоқнинг ўқитувчи-ларига шундай гаплар керак-да, ўзи. Улар ҳам барча қишлоқликларга ўхшаб шу мўъжазгина овлоқ қишлоқ-ни оламга ташитадиган зўр одам чиқишини исташади-да. Улар ҳам ота-она, улар ҳам борини ошириб; йўгини яширишта ҳаракат қиласидилар. Яхши нарсанинг учқу-нини олов деб атайдилар. Аммо ўзаро йигинларда бир ҳил болаларнинг қилғиликларидаи ҳам иполиб қолиша-ди. Чунопчи, Бобошерининг қизларнинг партасига мих қоқиб қўйганию, сумкаларини сувга ботиргани, бир гал Ханифанинг сумкасига ўлик қурбақани солиб қўйга-ни, Барот муаллимнинг ўғлига уят гап айтганларича уларнинг баҳсидан четда қолмайди.

Баҳром муаллим эса бу қилиқларни «ҳали бола»-лигига йўймоқчи бўлади. «Биз ҳам ёшлигимизда шуна-

¹ Эшгиртмоқ — эркалатмоқ, ҳаволатмақ (шева).

қа зәдик,— дейди.— Мана босилиб қолдик, эришган жөйимиз — чашга ботғап сиифхонаю бир түдә қишлоқи бола».

Бошида айтганимиздек, бугун түрткүз нариги сиифдаги Ханифа түғрисида гап топиб келди.

Абдимурод эчкисиң мақсадиин сезиб турарди: шунчаки жигига тегмоқчи. Шундаң роҳат топади у. Гүё шу биләп Бобошерининг мавқеи яна ҳам ошади. Элчига бу одат «ўзи ва ўзининг» суюнга тоғи»ни кўролмайдиган боланинг оёғидан чалиб юради. Йиқилса хўп-хўп. Йиқилмаса ҳам эсанкирайди-да, қўрқиб юради. Бир марта, бешинчи синфдалигимдами-ей, Абдимурод йўлакда кетаётган элчи қўлини унинг устидан дарвоза қилиб қолган. Кейин «Ва-а-а, бўйинг ўсмайди энди!»— деб калака қилган. Абдимуроди қаттиқ жаҳли чиққаи. Аслида-ку, бир тентакча қўлини дарбоза қилгани билан бирорининг бўйи қалтираб ё ўсмай қолмайди, бу бўлмагаи гап. Лекин Нурматининг калакаси унинг жинии қўзитдими, шартта ёқасидан олиб қолди. Расм муаллими Эшбек ака кўриб қолди, улар энди жиққамушт бўлай деганда икковишинг ҳам қулоғидан тортиб ўқитувчилар хонасига олиб кириб кетди. Жанжал сабабини суриштириб билгач, элчини синфиға етаклаб кириб, қолоқ. Холида билан бирга ўтказиб қўйди. Мактабда агар бирор помақбул иш қилиб қўйсанг, ўқитувчилар қиз бола билан ўтказиб қўяминз, деб қўрқитишарди. Қишлоқ болалари учун бундан уятлиси бор эканми? Ҳатто қизлар томондаги партага ўтирасанг ҳам калакаю надоматдан қутулолмайсан: болалар қийқиравериб ёнингдаги қизин шақ сенинг севгилингга айлантириб қўйишиади. Агар қиз бирор қилиқ қилса унинг ҳам холига вой: қолоқ бир ўғил боланинг партадоши бўлади, то йиглагуича. Ўшанда расм дарси тугагунга қадар Нурмат Холида билан ўтирган. Кейин доскаларда «Нурмат Холида севги», деган ёзувлар пайдо бўлган. Нурмат ташаффусда йиғламсираб, алам қилиб жўраларини сўккан. Жўралари эса баттар авжга чиқишганди.

Нурмат ўзи шу калакаларга лойиқ: қачон қарасанг пешонасидағ ғурралар аримайди. Эҳтимол, у түрткүз деган лақабин шунинг учун кўтариб юрган чиқар. Бекордан бекорга Ханифага гапирмайди у. Бир ойлар бурун «Б» синфдаги Ханифа Абдимуродга хотира дафтарии берган. Унга одатдагидай бош қисмida табрик учун сахифа, «Орзу», «Она», «Дўстлик» деб сарлавҳа

қўйилган саҳифалар бор эди. Айтишларича, Абдимурод шу «қопун»ни ўзича бузган эмиш, Ханифага севги из-ҳор қилган жойлариям бор эмиш. Нурмат упи ўқиб: «Ханифа, нима учундир доим ўйчан, маъюссиз», деган жойларини ёдлаб олибди. Ӯшандан бери Абдимуродни кўриб қолган жойда ўзича минифирлаб: «Ханифа, нима учундир доим ўйчан, маъюссиз», деб ўтиб кетади. Олдида ўзининг яқин жўралари бўлса хохолаб кулишади— Абдимуродга ўша сўзларни ёзгани учун мисиг пушаймои қилдиради. Агар Абдимурод, нега одамни мас-харалайсан, деб унинг ёқасидан олса, у: «Мен сенга ни-ма дедим, бор, тошиигни тер,» дейди. Яна қўшимча қилиб: «Нима, кўчада гапирганиям қўймайсанми энди зўрман деб, биламиз зўрсан, фақат Шердан енгиласан», дейди. Абдимурод эса нимагадир унга сира гап топиб беролмайди. Нега деганда Нурмат деганимиз шу-пақа-да — ўзига сув юқтирумайдиган хилидан.

Узуқулоқ гапларга қарагаида шу кунларда Абди-мурод: «Энди нима қилайин, Ханифа, ахир, сени Бобо-шер севаркан-ку?»— деб шеърлар ёзаётганиши. Бу ово-занинг мубошири ҳам Нурмат. Куни кеча у катта та-наффусда, болалар мактаб ҳовлисидаги ҳовуз тевара-тида қалдирғочлардай тизилишиб ўтиргаида: «Хани-фаси тушмагур Бобошеримизни севиб қоптими-ей,» де-ди. Ҳовузнинг нариги қирғонида ўтирган Абдимурод баралла айтилган бу гапни эшитмай қолмасди. Болалар қиқирлаб кулишарди. «Йўғ-э, йўғ-э», дейишди баъзилари. Қисқаси, Нурмат шу гапни айтди. Сўнг, гўё ниятига етгаидай Сайдазни етаклаб буфет томон чопиб кетди.

«А» синфдаги Жума тентак Нурматга ўхшаб айёр-лик, ҳийла деган нарсаларни билмайди. У ўз синфи-нинг «Б» синф олдида паст кетишини хоҳламайди, хо-лос. Шунинг учун Абдимуродга хайрроҳ, Бобошернинг олдида синфдошини мақтаб гапиради. уни «Б»нинг шеридан устун қўяди. Қайси фандан «беш» олдию муаллим уни нима деб мақтади — барини ёдлаб олиб айтиб юради. Ҳатто Абдимурод жавоб берётгана ўзи-ни қаидай тутганини ҳавас билан сўзлайди. Лекин унинг тентак деган помиям бор: Жума баъзан, кўнглига ўтирмаса ўртоғини ҳам аямай қолади. Сўкиб ҳам, жар-га итариб ҳам кетаверади. Жини тутмасин унинг. Аб-димурод ҳали унинг пишагини пишт дегани йўқ. Шу-нинг ва ўртогига бояги ихлосининг эвазига нариги синфдаги «дуиё хабарлари»дан оғиз кўпиртириб етка-

зинб келади. Бир куни дарсдан сүнг Абдимуродга ёрилиб, худди унинг ҳолини тушунаётгандай:

— Ханифа барибир уни яхши кўрмайди,— деди.

Абдимурод уни жеркиб ташламоқчи бўлди-ю, тагин... Бироқ; Нима, бу менга нтми Бобошерниңг лайчасига ўхшаб?— деб ўйлади. Кўзларига тикилиб туриб, бирдан юмшади — ҳурматиншг белгиси бу, деган қарорга келди.

— Абдимурод, сен ёзганинг йўқдирсан анати хотиралигини?

Абдимурод индамади. Жума дарҳол хулоса қилди: «Севаркан!»

— Яхши кўрсанг бориб ўзига айтмайсанми, бунча гап бўйцандан кўра...

Жума бу гапни ташида айтдими, ичидами — ўзи ҳам билмай қолди. Йўқ, ичидা айтган экан — Абдимуроддан садо чиқмади.

Ўша куни... Ҳа, Абдимуродга севги, Бобошерга газали рашк аралаш тўполон туйғулар ато қилган ўша кунларниңг бирида бу майдонсиз беллашувлару турли шубҳаларга бирдан — биратўласига барҳам бериладиган бўлиб қолди. Тўсатдан, томдан тараша тушгандай келиб қолди бу фурсат. Мактаб спорт майдончасининг чеккасида икки паҳлавон бел олишадиган бўлди. Энди барча кипояларга, «Ким зўр?»— деган жавобсиз гумонларга ўрин қолмайди. Кутилмаганда, адабиёт муаллими Қуддус ака әшакдан йиқилиб келмай қолган, жисмоний тарбия ўқитувчиси Саъдулла ака мажбур бўлиб икки синфни бирга қўшиб ўтадиган соатда. Ўша, ёғочлари чириб, тикан симлари осилиб ётган Саврон бобонинг чорбоғида.

...Тиллари гийбат калимасига энди келиша бошлигар қизлар ҳам чорбоғ теварагида бир-бирларини туртганларича шималаринидир шивирлашишар, ўзларича фол очишарди. Ҳар нечук улар магазини қошида оёқлари майнишиб турган амакини ёхуд кечада атариб дарси бўйича ёдлаб келинмаган Навоийниң «Мехрибоне топмадим» газалини муҳокама қилаётганилари йўқ эди.

«Давра кенгроқ бўлсин-и!»— деб жўраларни орқа томонга суриб, итариб юрган Исмоил бақалоқ деганимиз кайвонлигига отасидан қолишмайди; ўқитувчилар билан гўё қирқ яшар одам бўлиб гаплашади. Гапининг сўнгига катталардай, «Оллога шукур» деб қўйишиниям унутмайди. Ҳозир ҳам Саъдулла акасидан тап тортма-

ди. Синфдошлари Исмоили тушмагурнинг нафақат кайвони, ҳам шоир эканлигиин бугун билдилар. У чап қўлини белига тирааб, ўнг қўлини ҳавога силтаб достон ҳам ўқий кегди. Қурматурнинг ота-бобоси шоир-да, бир сўзларни қўшиб-чатиб тўқий кетди:

Муниси Алпомиш,
Аллларнинг бири.
Муниси Кўкалдош
Тўқсоннинг зўри.

Алпомиш деб Абдимуродни, Кўкалдош деб Бобошерни кўрсатди.

Ой Барчинхон бугун талаш бўлади,
Бугун бир зўр олиш — кураш бўлади.

Эй ҳалойиқ, иккига бўлинайлик. Қаёғинг қалмоқ, қаёғинг ўзбек?

— Бизлар ўзбек,— чувиллашди «А».

— Иўқ, бизлар ўзбек,— қичқиришди «Б».

— Келишиб өмайлик, буёғинг ўзбек. Нега деганда Алпомиш ўзбек. Буёғинг қалмоқ — Кўкалдош қалмоқ,— у «Б» ни кўрсатди.

— Бошланади бир зўр кураш...— деб яна бахшилик қилди Исмоил.

— Ханифаҳон бунида талаш,— деди кимдир.

Элчи (тўрткўз) болаларнинг орқасига яшириниб олган эди...

— Ким у? Бекмирзами? Тилингни кесиб оламаи ҳозир.

— Мен эмас, тўрткўз.

— Бўлди, тилларининг тийиб ўтириинглар.

— Кайвонича-ей...

— Кайвони кампир...

— Курашадигап бўлсанглар бошланглар-да, энди,— деди Саъдулла ака.

— Булар бир-бировидан қўрқяпти.

— Абдимурод қўрқяпти. Қўлини қара, дириллаётир.

— Номаъкулни айтибсан, Бобошернинг қўрқяпти. Шалпайишини қара.

— Бўлди!— деб қичқирди Исмоил.— Бек Алпомиш ҳам, алп Кўкалдош ҳам бир-биридан қўрқмаган. Қани энди бўлинглар сизларам. Ноз-фироқларнинг тугагандир?

Абдимурод костюмини еча бошлади. Қейин ботин-касини ечди. Бобошер ҳам шундай қилди.

Исмоил сайради:

Элда ёлғыз бек Алномин түрладир,
Курашда дөйн күч сарф қип юрадир.
Кўкалдош ҳам Алномишдан кам эмас,
Мени ўзбек йиқади деб ўйламас.

— Э-ҳей!

— Ол-а!

— Бор экансан-ку, бақалоқ!

Бошланди. Икковиям бир-бирига белини бермай энкайиб олишди. Одатда бундай бошланган куашлар узоқ давом этарди. Ҳамманинг дами ичига тушган.

Ялангоёқлар ўтда пистоқи ранг олди. Пешоналарини тер босди. Абди барзангি, Шер калтабақай. Абди оёғини бермайди, Шер — белини. Энкайишиб, бир-бирига оғирликларини ташлаб юраверишди. Абди рақибининг белига интилди. Белини қисмоқчи. Бундан бошқа усулиям ўйқ. Шер унинг қўлидан тортиб олиб оёғидан чалишни мўлжаллади. Чорак соат суюнишиб юришди. Бир вақт Шер рақибининг енгидан ушлаб бир тортганди, Абдимурод кўпанглаб, оёғига ўт ўралиб чўккалаб қолди. Бобошер унинг ерга тираган қўлини илкис тортиб кўкрагига босди. Абдимурод ҳам тезликда унинг белидаи қучоқлаб ажралмай қолди ва иккаласи ҳам ёнбошлари билан ўтга ағдарилишди.

— Вў, Шер йиқитди, Шер!

— Абди йиқитди! Мана, Шернигининг кураги ерга тегиб турибди.

— Бу итъиқилиш бўлди. Бошқатдан, бошқатдан,— деди Саъдулла ака.— Майли, пича нафас ростланглар.

— Осмон палак қип ташламайсанми?— зарда қилди Жума Абдимуродга қўлрўмолини узатаркан.— Уёқдан бўёққа судрайсан. Шотидай буйнингга ҳеч ярашмайди. Белини буқолмасанг бошини қайриб юбор.

— Фирромлик бўлади,— дея пишиллади Абди.

— У фирромлик қилмаяптими? Атайлаб кўйлагингдан сиқимлаб опти. Йиртмоқчи. Шунча одам қараб турибди, йиқилсанг бўлмайди. Анивалиарни кўрятсанми?

Абди дўйкон қошида томоша қилаётгани катта одамларга, санглоқдаги йўлдан шу томонига бурилаётгани эшаклиларга қаради.

— Анивалиарни, анивалиарни,— шивирлади Жума.— Боя бир йиқилай деганингда Ханифа «вой» деб юборди...

Жуманинг жаҳли чиқиб: «Бор-э, ўргилдим сендей шефдан», деб қўйл силтамоқчи эди, Саъдулла ака:

— Башламайсаиларми курашпи? — деб қолди.

Жума пима учундир яна бирдан ийиб:

— Дадил бўл, ҳаяжонланма,— деди ўртоғига.

Кураш давом этди. Энди иккови ҳам анича дадил олишар, лекин яна боягидай бир-бирини судраклашарди. Кўпкарида чопавериб, ҳориган отлардай пишиллаб қолишиди яна. «Б» синф: «Ҳа, Шер!» «Ҳа, Шер!»ини, «А» синф «Ҳа, Абди!» «Ҳа, Абди!»ини қўймади. «Б» Абдимуродни, «А» Бобошерни камситишга уринди.

— Отиб юбор-да, бўлди энди, Абди!

— Негадир ҳар доим ўйчан ва маъюссан! (Бу гапни ким ҳам қичқириб айтиши мумкин?)

Болалар қийқиришарди. Абдимурод қизаради. Бобошер терлаб-пишиб:

— Ўл, ўл-а, кулдирмай тур,— дейди.

Қизиқ-да, кураша туриб ҳам кулгиси келаверарканда, одамнинг. Нима бўлганда ҳам у шу гапни терлаб-пишиб, зарур бўлса керакки, айтди. Бу гап ўлардай чарчагаи Абдимуроднинг асабига тошдай тегишини у яхши биларди. Атайин шунинг учун айтгандир. Абдимуроднинг шундан кейин, гарчи қаттиқ чарчаган бўлсада, жон-пони чиқиб кетди. Кўзлари ола-кула бўлди. Шундай чираниб бир тортмоқчи эди, ўзининг кўйлаги белидан «ширр» этиб йиртилди. (Бобошер унинг эта-гида сиқимлаб тортиб қолганди) Абдимурод энди тей-такларча олишишга ўтди. У рақибишинг бошидан қу-чоқлаб олди ва шу ҳолатда қаттиқ бураб юборди. Бобошервой-войлади. Саъдулла ака, бунақасига олишма, деб Абдимуроднинг қўлини ажратиб қўйди. Шунда Абдимурод бутунлай кучдан қолганини ҳис қилди. Қайта-дан олишаётганда унинг оғзи-буриидан суви оқиб, ҳат-то шунгаям эътибор бермай қўйганди. Бир-бирига чек-сиз ғарази бўлган одамларгини мана шундай — сўнгги дармонигача курашадилар. Кўрган одам: «Бу болаларга пима етишмайди, нега бунча жон-жаҳди билан тир-шанглайди булар», деб ўйлаши турган гап эди. Чунки: бу олишувшинг оддийгина, бири иккинчисини йиқитиш учун курашидағина иборат эмаслиги сезилиб турарди. Уерда ҳам иккита айгир борми, сардорлик албатта та-лаш бўлади. Бу барибир бир купи яккама-якка оли-шувга олиб келади ва ўша куни кимининг ожизроқ, ким-нинг кучлироқ эканлиги ҳам аниқ бўлади. Шундан сўнг

уюр, зўрпинг тасарруфига тушади. Бу икки полвоича ҳам катта одамларга айгир отларга ўхшаб кетишарди. Мактабда бу туйғунинг номиии ҳеч ким билмайди. Муаллимлар сезадилар, аммо айтмайдилар. Саъдулла ака ҳам билиб юриб айтмасди, у ҳам кимниң енгишига қизиқарди. Лекин барибир у киши ҳам яна бир нарсаны билмасди...

Дўипидеккиниң қишлоқининг кафтдек келадиган богида икки бола олишиб ётибди. Гўё бири бирининг елкасини ерга теккисса шу қишлоққа эга бўлади, уни қучоқлаб қаёққадир олиб кетади...

Абдимурод эди рақибининг ўнг қўлтиғи остидан олиб чапга қайиришини мўлжаллади. Рақиби бунга йўл қўймади: Абдининг қўлидан ушлаб олди, ўзи пайт пойлаб бирдан рақибининг белига ёпиша кетди. Абдимурод шу лаҳзада унга белини бериб қўйди. Бироқ, ўнгайсизланиб қолмади, мияси ишлади: рақибининг иккала қўли устидан ҳалқа қилиб сиқди ва гавдасининг бор оғирлигини унинг кўкрагига қўйиб ияги билан итара бошлади. Шундай қилгандагина у Бобошернинг тирсаклари зўриқиб оғришини ва қўлини бўшатиб юборишини биларди. Бироқ рақиби ҳадеганда қўйиб юбормади. Қўллари йўғонлиги учун уни писанд қилмагандай кўринди. Эди Абдимурод қандай қилиб бўлмасин, белини унинг қўлидан бўшатиб олиши керак эди. У тишлариниң инжирлатиб бирдан ўзини орқага тортди. Шернинг қўли ширқ этиб чиқиб кетди. Эди, афтидан, олишиш бефойда эди, икковларининг ҳам мадорлари тамом бўлганди.

— Икковлариниң ҳам тенг экансизлар. Бўлди, иккита олтип медаль икковларининг,— деб улар икковига ҳам таскин бермоқчи бўлди жисмоний тарбия ўқитувчisi.

— Курашсии охиригача. Ахир, Шер уни дабдала қиласди ҳозир,— чийиллади Нурмат. Қейин секинигина, бироқ эшитиларли қилиб:— Негадир ҳар доим ўйчаш ва маъюссан,— деб қўйди.

— Курашаверасизларми?— сўради муаллим рақиблардан.

— Ҳа,— деди Абдимурод биринчи бўлиб.

— Сеп-чи?

— Менам,— деди Бобошер.

Яна боягидай зерикарли олишув бошланди. Томо-

шабин болалар ҳам ҳадеб қийқираверишиб безга пларидан ўтлар устига ўтириб олган эдилар. Исмоилнинг эса бутунлай уни ўчган, афтидан болалар ким «ўзбегу» ким «қалмоқ»— буни ҳам унитишган эди. Бепарволари ҳатто кетиб қолишиди. Йўловчи одамлар ҳам бу қизиқарсиз ўйинга қўл силтаб жўнавердилар. Ўтирган болалар ўзларича фийбатлашиб, бир хиллари Абдимуроднинг йиртиқ кўйлагига ишора қилиб кулишарди.

Аммо Абдимуроднинг аламзадалигиши энди — ҳамма тарқай бошланганда очиқроқ билинди. Унинг миясида «Енгиш» деган фикр бошқача куч билан аланига олди. Бошқа нарса ҳатто сезилмай қолди. Энг ёмони шундаки, у қандай қилиб енгиш ҳақида ўйлай олмасди. «Енгиш керак!»— деган фикр бутун вужудига жойлашиб олди. Ўзи ҳам шунга — енгиш керак деган фикрга сингиб кетгандай бўлди ва бор ҳаракатни шу фикр туфайли қилди. Бобошер бу даражада важоҳатли эмасди. Бироқ у кучли эди. Агар рақиби бундай гайратли, чидамли бўлганида уни аллақачон «тинчитарди».

Абдимурод Шернинг чап қўлтиғи остидан кўтаришга ҳаракат қилди. Рақиб ҳам унинг усулини билгандай яна қўлидан ушлаб олди. Иккаласи ҳам соchlари тердан жиққа ҳўл бўлган бошларини бир-бирига сувб олишиди. Абди ўнг қўлини чиқариб олиш учун орқага қаттиқ силтанди. Шернинг чаңгагидан чиқиб кетди. Абдимурод шунда пайт пойлаб ўтирумай унинг белига дарҳол ёпишиб, айлантира бошлади. Шер имкони борича чап томонга қийшаяр, оғирлигини рақибининг қўлига соларди. Абдимурод қўймади, ҳадеб уни ён-верида айлантираверди. Энди мустаҳкам ушлаб олгаи, қўйиб юбормасди. Бобошер бу сафар қугулишиниг йўлини қилолмади. Абдимурод андек нафасини ростлаб, туриб, яна уни айлантира бошлади. Кўтариб ташлашга қурби етмади, шунинг учун айлантира туриб Шернинг оёғидан чалиб қолишига ҳаракат қилди. Аммо у чалиб йиқитиши ҳам эплолмасди. У яна бир нафас ростлаб, эплай оладиган усули — кўтариб ташламоқчи бўлиб, ўзи томонга тортиб, олдинга қадам ташлаган эди, кутилмаганда оёғи бир нарсага тегиб чўйкалаб қолди. Болалар чувиллаб қолишиди. Бирдан тўс-тўполон бўлиб кетди. Қурашаётгаилар бир ёқда қолиб, Саъдулла aka томошабинлар ичидаги жанжаллашаётган икки болани зўрга ажратди. Бу фурсатда Абдимурод ўзини ўнглагунга қадар рақиби устидан босиб олгаи эди. У

Йиқилишига пишниб қолган, энди фақат елкасии ерга теккизмасликка ҳаракат қиласарди. Бобошер эса уни салмоқ ташлаб босаверди, у гирромлик қилди—рақибиининг юзига тирсагини тираб аямай ўзини ташлаб юборди. Абдимурод «воҳҳ» деб кўзини юмди. Ўзини қўйиб юборди.

— Оҳ-а, таслиммисан?— пишқирди Бобошер,— таслиммисан, таслиммисан?— У яна бутун гавдаси билан сапчиб тушиб босаверди.

— Бўлди, эй гўрсўхта,— деб Бобошерни тортиб юборди муаллим.

— Аҳмоқмисан, нима бало бўлди сенга?

Жуманинг лаблари титраб кетди.

— Ҳе, лаънати... Нима қип қўйдинг бунинг бошини?— деб бақириб сўкди.

Абдимуроднинг бошидан сизиб қон оқар, кўйлагидан сиргалиб, орқасидан тушарди. Боши ўтлар орасидаги қиясига кесилган тол новдасига теккан, қулогининг ортидаи ярим қарич жойни тилиб юборган эди.

Шундаям «Б» синфдаги Наби, Нурмат, Абдивалилар қувонганиларидан чапак чалиб иргишлай бошлашди. Бошқалар маъюс қолдилар. Қизлар: «Вой ўлдим-эй», дедилар. Бобошер эса жилмайиб ҳаммага қарапкан:

Олдинроқ йиқитишим керак эдику-я, лекин...— деб пишқирди-да, сўнг Нурматнинг қўлидан камзулини олиб кийди. Саъдулла aka унга:

— Номард экансан-ку, шунаقا курашадими одам? Бор, жўрангга ёрдам бер,— деб пўписа қилди. Бу орада Жума тентак билан Нурмат жанжаллашиб қолдилар. Жума сўкиниб, дабдурустдан Нурматнинг чеккасига шапалоқ қўйиб юборди.

Боя Абдимурод чўқкалаб қолганида Нурмат оёғини тутган эмиш, Жума унга ёпишибди, сўкибди. Улар жанжаллашиб ётганиларида, Саъдулла aka уларга андармон бўлганида бу аҳвол рўй берибди...

Саъдулла ўз хонасидаги дориқутидан дока ва дори келтириб, Абдимуроднинг бошини боғлади. Сўнг Абдимурод жўраларидан ажралиб сув бўйига бориб йиғлади. Йиғлаётганини билдирамаслик учун сой сувидан бетини ювиб турди. Ташаффусга чиққан болалар унга ачиниб қарашди, у эса ожизларча, болаларча йиғларди. Жума уни йиғлаётганини сезиб тураг, гирдида Бо-

бошеру ушинг элчиси бўралаб сўкиб айланишар, қон теккан куйлагини ювишарди.

— Ҳаммаси Йурматдан бўлди, Нурматдан! Аблаҳ...
Ҳали кўрсатаман уларга.

Абдимуроднинг қалбида алам чўғи янада балаидроқ ўт олди. Энди у ўзини тўхтатиб туролмасди. Барча аламлари тилига кўчмай иложи йўқ эди:

— Уларни бирма-бир ўлдирамаш!..

Ҳа, у шундай деди. Қизишиди. Эрта бир кун бу сўзни бутунлай юрагидан чиқариб ташлаши мумкиндири. Лекин ҳозир... Ҳозир у ўзини тўхтатолмасди. Шу ҳолатда синфга киришнинг истамасди. Аммо Жума қистайвергач, у синфга борди. Дарсдан қизарган кўзларини яшириб, охириги партада ўтириди. Шу ҳолатда уч соат ўқиди. Танаффусларда ҳам ўрнидан жилмади. Уйига кетиб қолгиси келди. Аммо уйига бориб нима дейди?

Бошини партага қўйиб олди. Сўнгги соатда шу алпозда, бошини партага қўйиб ётганида Теша муаллим кириб келди. Абдимурод ҳам туриб салом берди. Муаллимнинг: «Нега?» «Нима бўлди?»— деган саволларига жавоб бергач, ўтираётиб партасининг устида бир китоб кўрди. Сиртига қофоздан жилд қопланган китобин олиб ичини очди: «Сўна». Мойқалам билан қўйнагилар ёзилганди ўнга:

«Абдимурод, улар қанчалик майдабўлса, сен шунчалик улкаансан! Шу китобин ол. Қўлдошева X.»

«Абдимуроднинг кўзи ўнгидаги ҳар доим ҳозиргина тўйиб-тўйиб йиғлагандай кўринувчи қизининг сиймоси на-моён бўлди. У ич-ичидан жўшиб, қувониб, ҳатто кутилмаганда куйлагиси келиб кетди. Куйласа, куйлаверса. Куйлаб туриб йиғласа.

«Сўна»— гарчи ўқимаган бўлса-да, бу китоб шу қадар қадрли туюлдикни, гўё унда ёзилгани сўзларнинг барчаси Ханифанини бўлиб туюлди. Ҳозир у бутун китобни ёдлаб олгудек шижоатда. Боя почорд йиғлагани учун ўзини аямай сўқди. Ўзича минғир-минғир қила бошлади. Ўнинг бу каби ҳолатларини элчи Жумагина яхши ҳис қиласди. Бошқаларнинг кўзи тахтадаги ма-салалар ва уларни осонгина ечаётган Теша муаллимдада.

Негадир Абдимурод айни лаҳзаларда дарсга ҳам, синфдошларининг барчаси ва ҳатто рақибларига ҳам ўзи тушунмовчи, лекин ғалати, муҳаббатами, ишқилиб, бир нарсага ўхшаб кетадиган туйғу сезди. Ўзи бунга кўп ҳам ҳайрон бўлмади, шуқул хиргойи қила-верди...



Қаҳрамон Суяров Самарқанд облассында дүниеге келген. Ургут районининг Жартепа қишлоғида 1959 йил туғилган. Тошкент Давлат университетининг филология факультетини тугатган. Ҳозирда Пионерлар уйида ишлайди. Шеърлари республика матбуотида 'Эълон қилинган. Ҳикоялари эса ilk марта чоп этилмоқда.

ЧҮЛОҚ МУШУК

Сўлим ёз оқшомларининг бирида эшигимиз олдида бир мушук пайдо бўлди. Олдинги ўнг оёғини ярми йўқлигини кўриб, ҳаммамиз анграйиб қолдик. У чўзиб миёвлав қўйди.

— Бечора оч қонти...— дедилар онам, сўнг дастурхондан нон олиб, мушукка ташладилар. У очиқиб турган экан шекилли, нонни чала-чулла ямлаб ютди. Ҳатто ушоқларни ҳам териб еди. Сўнг қандай пайдо бўлгани бўлса, шундай йўқолди.

Эртасига худди шу пайтларда яна сўри ёнига келди. Онам унга нон бердилар. Чўлоқ мушук кечагидек ғойиб бўлди. У куз киргунга қадар гоҳ йўқолиб, гоҳ пайдо бўлиб юрди. Ҳаво салқинлай бошлагач, биз уйда ионушта қиласиган бўлдик. Бир кун тушда овқатланаштаган эдик, қия турган эшикдан чўлоқ мушук тортиш масдан кириб келди.

— Бечоранинг оёғини ким пундай ҳолга келтирдийки?— дедилар ойим, сўнг косадаги ивитилган нондан олиб, олнига ташладилар. Мушук нонни еб бўлгач, деразадан тушиб, қуёш цурига бориб, бир силкинди-да, ўша ерга секин чўзилди.

— Наҳотки бирор уни атайлаб кесган бўлса?...—

Мушукнинг тиззасидан пасти йўқлигига ичим ачиdi.

— Уйга азоб беришгани рост. Бўлмаса ҳар қандай пишак¹ ҳам бегона жойдан бориб овқат емайди...— дедилар онам.

Мушук кундузлари уйга кириб-чиқиб, ҳовлимиз атрофида ўралашиб юрар, кечаси негадир уйда ётмас, қаерларга кетиши бизга қоронғу эди.

Бир куни эрталаб юз-қўлнимни юваётган эдим, онамнииг қўлларида ноң, молхона тарафга кетаяптилар.

— Ҳа, нима гап?..— сўрадим қизиқиб.

— Чўлоқ мушук туғибди. Учта. Бечоранинг қорни очга ўхшайди. Кечадаи бери кўринмаётган эди, ҳар қалай...— дедилар-да, молхона тарафга жўнадилар.

Мен ҳам қизиқиб бордим. Эски яшикчанииг ичига туғибди. Унинг болаларидан бири худди ўзидек қўнғир-ола тусда, қолгаи иккови эса қора экан. Онам эски латта-путта тошиб молхонанииг бурчагидан жой қидирдилар-да, мушукваччаларни ўша ерга авайлаб кўчирдилар. Онам эски бир идишда ҳар куни мушукка гоҳ овқат, гоҳ сув ташийдиган бўлдилар.

Мушукваччаларининг кўзлари очилиб, юрадиган бўлди. Она мушук қўлдан берилаётган емакка қопиқмай, сичқон, чумчуқ ушлаб ейиш учун қасрларгадир чиқиб кетарди. Болалари эса унинг йўлини пойлаб ётар, оналари келиши билаи миёвлаб унинг олдига чиқишарди. Мушукваччалар аста-секини онасига эргашиб, ташқарига чиқадиган, сўнг уйга кириб келадиган бўлишиди. Офтобда тобланиб ётган онасини хумордан чиққунча тўйиб-тўйиб эмишар, сўнг бир-бировларини думидан тортқилашиб, ўйнашиб қолишарди.

Ҳовлига кириб келсан она мушук полали миёвлаганча уёқдан-бўёққа ўтар, унинг бу зорланишидан юрагим эзилиб, нимадир рўй берганини сездим. Сигирни соғиб қайтаётган онамдан сўрадим:

— Нега бунча зориллаб юрибди?..

— Болаларини чақирияпти. Бечора узоқроққа кетган экан, шекилли. Мен ҳам ҳовлида йўқ эдим. Ёввойи мушук келиб, уччаласини ҳам бўғиб кетибди. Келсан, бечора пишак ўлиб ётган болаларининг тепасида йиғлаб ўтирибди. Даشتга чиқариб кўмиб келдим. Тушдан бери шу ҳолат, ҳовлинииг у ёғига ўтади миёвлаб, бу ёғига ўтади миёвлаб...

¹ Пишак — мушук

Онам күн ботиш арафасида мушукни пиш-пишлаб, аранг уйга киргиздилар. Олдига нон түғраб ташладилар. Бироқ у нонга қайрилиб ҳам қарамади.. Чүлөк оёгининг устига бошини күйиб, күзини юмди. Ҳар замонда инграгаңга ўхшаган товуш чиқариб, миёвлаб қўярди. Қараб турардим, унинг кўзларидан ёш сизиб чиқа бошлади. Онам ҳам кузатиб турган эканлар:

— Ким айтади унга ақлсиз жонивор деб...

Мушук фақат шу куни эмас, нақд икки ҳафта йифлади.

Сўнг болаларини эсдан чиқарди, шекилли, кўзёш қилмай қўйди.

Ҳаммаёқни оппоқ қор босиб, қирчиллама қиши кириб келди. Энди мушук онам ётадиган хонада турайдиган бўлди. Унинг бирор марта идиш ялаганини ёки очиқ дастурхонга интилганини кўрган эмасман. Нима берсак шуни ер, баъзи бир мушукларга ўхшаб одамга келиб сўйкалашавермасди. Сандиқнинг тагига кириб олганча, сичқоп пойлаб ётарди.

Кейинги йил иккита бола туғди. Иккаласини ҳам катта бўлган жойида яна ёввойи мушук бўғиб кетди. Мушукнинг кесаю куандуз қилган ноласидан юракларни эзилиб кетди. Унинг кўзларига қарашга ботипол масдик.

Учинчи йили яна иккита тугди. Онам унинг боласини эҳтиётлаб, ўзлари ётадиган хонага олиб кирдилар. У доим молхона ёки емишхонада тугарди.

Мушукваччалар катталашиб, ҳовлида ўйнаб юришанди. Мен сўрига чиқиб олиб, офтобга тобланганча китоб ўқиб ўтиргандим. Она мушук ташқарига чиқиб кетганди. Бир пайт мушукваччаларининг қўрқинчли миёвлаши қулоғимга кирди. Ҳовлининг бурчагида улоққа тенг келадиган тарғил бир мушук, бундай катта мушукни биринчи маротаба кўришим эди, ола мушукваччани бўғиздан тишлиганча босиб турарди. Ўрнимдан туришимга ҳам улгурмадим. Ёввойи мушук бир сакраб, девордан ошиб кетди. Мушуквачча ўлган экан, чеккага олиб чиқиб кўмдим. Чўлөк мушук миёвлаб ҳовлида пайдо бўлди, оғзида чумчуқ. Онаси кўришиши билан, ёнимда ҳамон қалтираб турган мушуквачча миёвлаб, унга пешвоз чиқди. У оғзидагини боласига беришга шошилмади. Нигоҳи билан иккинчи боласини излади, уни кўрмагач, бир неча маротаба миёвлади. Мушуквачча онасига сўйкаланча миёвлаб-миёвлаб

қўйди. Назаримда она мушук фожиани сизгапдай бўлди. Боласининг нолакор товушидан шиманидир англади шекилли, инграб-инграб миёвлади...

Она мушук омон қолган боласини бағрига олиб, юз-кўзларини ялай бошлади. Униг кўзларидан оқиб тушаётган ёшини кўриб, жойимда туролмадим, секин ташқарига чиқдим...

Зада бўлган мушук боласини эиди бизларга ишониб ташлаб кетмас, доим ташқарига ўзи билан эргаштириб чиқиб кетарди. Мушуквачча каттайиб, бўйи она сига етди. Юнглари ялтираб қолди. Чўлоқ мушук ҳануз боласига ушлаган сичқон, чумчуқларини келтириб берар, мен бундан олдинига ҳайрон бўлдим. Ахир боласи чинакам мушук бўлган бўлса, чумчуқ ҳам, сичқон ҳам ушлай олса! Бу кузатувлар патижасидан менда шундай фикр туғилди: она мушукнинг боласига бўлган меҳри шуни тақозо этаётган эди.

Битта қолса ҳам мушукнинг боласи улғайганидан хурсанд эдик. Аста-секин у мустақил ов қила бошлади. Баъзан кечалари у бир-икки соат йўқ бўлиб кетарди.

Кечаси ташқаридаги мушуклариниг қўрқинчли миёвлашидан уйғониб кетдим, бироқ уйқу ширинлик қилиб, яна ухлаб қолдим: Эрталаб туриб қай кўз билан қарамай, ҳовлиниг бурчагида мушуквачча ўлиб ётарди. Бу ўша таргил ёввойи мушукнинг иши эканлигини англадим. Онамнинг айтишларига қараганда, она мушук кеча эрталаб кетганча, ҳануз дараги йўқ, мушуквачча кечқурун чиққанидан қайтмаган экан. Уни ҳовлидан аича узоққа олиб бориб кўмдим.

Чўлоқ мушук кун ботишдан олдин ҳовлига кириб келди. Тишларининг орасида майна. Уни қандай ушлаганига ҳайрон қолдим. Уйга кирмасдан, миёвлади. Боласини роса кутди. Майнани емади.

Онамнинг айтишларига қараганда, бу кунисига ҳам ҳовлини айланиб роса миёвлабди. Майна ҳануз ўчоқ бошида ётарди. Онам уни кечқурун пиш-пишлаб аранг уйга киритди. Олдига нои-пон ташлади, бироқ у ҳеч нарсага қайрилиб қарамади. Кутилмаганда ўзини эшикка урди, олдинги соғ оёғи билан уни итариб очди-да, қоронғулик қўйнида ғойиб бўлди.

— Бечора ўзини бир балога дучор қилиб қўймаса...— дедилар онам хавотирланиб, сўнг униг орқасидан узоқ вақт пиш-пишладилар. Бироқ у келмади...

Эрталаб онам ўтирадиган уйга кириб борганимда,

бурчакда турган мушукнинг башарасини кўриб юрагим жизиллаб кетди. У таланган, юзи дабдала, юнгларида қон қотиб қолган, битта кўзининг оқи чиқиб кетибди. Мен чўлоқ мушукни ўша ёввойи мушук билан тўқаш келганини, у билан жаиг қилгапини тасавур этдим. Демак у қасос олиш учун борган. Бу кураш нима билан якунлагани номаълум эди...

Мушукнинг чақаси узоқ пайтда яхши бўлди. Мен унинг ярасига бир неча маротаба дори кўйдим. Барি бир унинг кўзи кўр бўлиб қолди.


У шундан сўнг уч йил туғмади. Онамга ўрганиб қолди: қаерга борсалар ўша ерга эргашиб бораради. Ҳовлининг ёнидан уй қилиб, кўчиб чиқдим. Онам баъзан бизниги ётгани келсалар мушук ҳам албатта шу ерда бўларди.

Сўнгги марта мушук биттагина тугди. Боласи пегадир нимжоц, қилтириқ эди. Буни уйда тугибди. Энг ёмони шу бўлдики, у юрак олдириб қўйганидан қаерга борса, боласини ўша ерга тишларининг орасида кўтариб бораради. Унинг бу одатини тақиқлашга қилган ҳаракатларимиз беҳуда кетди. Неча мартараб унинг оғиздан боласини тортиб олдик. У ўз билганидан қолмади. Боласига иисбатан теварак-атрофга, бизга ишончи бутунлай йўқолганилигини англадик. Оқибати, у ўз боласини ўзи кўтариб юриб, ўлдирди...

Чўлоқ мушукнинг ҳам тақдири фожна билан якунланганилигини эшишиб, табнатининг шафқатсиз қонуларига иисбатан юрагимда бекиёс нафрат уйгонди. Бу воқеа Тошкентга кетганимда рўй берибди. Ўша куни онам мушук болаларининг олдида ётиш учун келган эканлар:

— Бечора уйдан менга эргашиб келаётган эди. Ўйингга яқинлашганимда бирдан йўқолиб қолди. Пишпиннаб роса чақирдим. Қани келса. Қаёққа даф бўлганига ҳайронман. Ҳеч бундай қилмасди. Қелиб қолар деб поилож уйга кирдим. Ҳаял ўтмади. Эшикнинг олдида итларнинг ириллаши, мушукнинг чинқириги эшитилди. Биз ҳайҳайлаб ташқарига чопиб чиқдик. Учтўртта ит ҳовлидан чиқиб кетди. Мушукнинг дараги бўлмади. Эрталаб ўлигипи ҳовлининг этагидан топдик. Бечоранинг кўзлари даҳшатли даражада очилиб, қотиб қолибди. Итларнинг биттаси унинг нақд бўйнидан тишлаган экан. Кўрлиги унга панд берган. Бўлмаса ҳеч қачон итларга мушук тутқич бермайди...

ЖАЖЖИ ҲИҚОЯЛАР





Ғани Абдуллаевнинг касби боғбончилик. Тошкент область Қалтаний район, Қатортол қишлоқ советига қарашли «ХХ-партъезд» колхозида боғбон бўлиб ишлайди. Ҳикоялари республика газета-журналларида тезтез чои этилиб турибди.

ЖАЖЖИ ҲИКОЯЛАР

АЖОЙИБ ИСБОТ

Вали йўл-йўлакай сирпанчиқ учиб келаркан, ўзидан олдинда кетаётган қизчани тутиб юборди. Қизча қорга коптоқдек думалади. Вали унга қиё ҳам боқмади.

Валининг қилигини кўриб қаршисидан келаётган Қобил ота ранжиди:

— Қандай бераҳмсан? Менга қара, кимнинг ўғлисан?

Вали «Нима ишингиз бор?» дегандек Қобил отага чимирилди. «Тағин гап тегмасин», деб отасининг исмиши айтмади. Қўлини силтаб, гизиллаганича уйига жўнади.

— Отасига раҳмат келтирмайди, бунақа беодоб болалар,— деди унинг ортидан қараб қолган Қобил ота.

Мактабдан келаётган Собир эса йиқилгап қизчани ўриидан тургазиб овутди, уст-бошига илингап қорни қоқиб, совуқ еган жажжи қўлларини «куҳ-куҳ»лаб иситди.

— Ассалому алайкум,— деди Собир ўзига кулимсираб яқинлашган отага.

— Қалай, қизча опоқми?— саломга алиқ олгаč, сўради ота.

— Опоқ, опоқ, Полвон қизча экан. Ҳозир уйига етиб олади,— деди Собир.

— Аввало сенга раҳмат. Кимпинг ўғлисан?— отапинг унга ҳаваси келди.

— Фармон аканинг.

— Сенга яхши таълим берган отангга минг раҳмат!

Собир қувониб раҳматни отасига етказди. Қобил отанинг қизчани қорга думалатган боладан хафа бўлганини ҳам қўшиб қўйди.

— Тупов куни айтувдим,— деди отаси Собирдан хурсанд бўлиб,— тентакдан ақл ўрганиш учун у қилган ишининг аксини қилиш лозим. Шуни амалда исботлабсан. Яша, ўғлим!

ФЕРУЗА «НОН» ЁПДИ

Феруза каттагина қўғирчорини офтоб тифи тушиб турган деворга суюб қўйди. Атрофиини супуриб, тозалади. Олдига «дастурхон»—газета ёзди. Унга озгинча қанд-қурслардан ташқари кичкина шишачада гул қўйишни ҳам унутмади.

— Энди-чи, биласанми?— деди қўғирчоқقا,— нима керак? Нон керак. Нон қўйсак дастурхонимиз жудаям чиройли бўлиб кетади. Нонни, кичкина-кичкина кулчаларни ўзим ясайман.

У жажжигина пақирчасида тупроқ, сув келтириб, лой қорди. Уни муштлаб-муштлаб ийлади,—«хамири»-дан зувала ясади. Сўнг қўғирчогига:— Қараб тур. Хамир қилишини кўриб билгандирсан. Нон ясашини ҳам ўрганиб ол,— дея тайишлади.

Қўғирчори хўп дегандек шод. Очилаётган гунчадек жилмайгани-жилмайгани.

Феруза опажониси нон ясаётганида кўрганидек, жажжи бармоқларини ишга солади. «Нон» ва «кулчалар» ўртасига шакллар ясади. Уларни офтоб тифли

жой — тандирга қўйгач, қўғирчоғига тайинлади: «Мен уйга кириб чиқай, пошларга қараб тур», деди.

Бу вақт кўчада юрган қўзичоқ келиб, қўғирчоқни ҳидлаб, ялади. «Ноп»ларни эса тепкилаб, босди. Ферузани кўриши билан қўзичоқ дикирлаб, онасининг олдига қочди.

— Вой-вуй, пошлар увол бўнти-ку... Қўзичоқ босгунча қа-ра-а-аб, бўзрайиб туравердингми? Ачиниш ўрнига, кулиб туришингни қара. Ноши ҳурмат қилмасаңг, энди ёпиб бермайман.

Шунақа. Феруза кичкина бўлса ҳам жуда зукко. Иш ва сўзлари қизиқ-қизиқ.

ТУҒРИНИНГ—ҚҮНГЛИ ТҮҚ

(Эртак)

Деворининг ёпма-ёни кавагидан мўралаб турган икки сичқон офтоб тушиб турган жойда ёнгоқ сяётган боғонни кўриб шивирлашибди.

— Одати қизиқ экан. Сўраб келгаи қўшии сичқонларга кўтарганича ёнгоқ берармиш. Биз ҳам қўшнимиз-ку, юр,— дебди биринчи сичқон.

— Зотимизни ёмон кўради-ку, мен унга ишонмайман. Ўғрилик қилмасин деб, битта-битта ёнгоқ бераб алдаса керак. Унга билдиrmай биттадаи ёнгоқ ташисам ҳам бир қишликийигиб қўяман, ҳузур қилиб ейман,— дебди иккинчиси ва шеригининг қистовига кўнмабди.

Биринчи сичқон ҳуштавозе билан бօғбондан ёнгоқ сўради:

— Тўғрилик билан сўраб келганингдан XVth йиллар. Неча дона ёнгоқ кўтара оласан?— дебди бօғбон.

— Учта.

Бօғбон учта ёнгоқни бир парча латтага тугиб унга берибди:

— Йўлда кимни кўрсанг, сўраб олдим, дегин. Шунда сенга ҳеч ким индамайди. Ўз яқинини глаголарга ҳам айт. Келишсии, қўшии ҳақи деб уларга ҳам ёнгоқ бераман. Агар ким ўғрилик қилса, сири очилади, кейин адабини бераман.

Тугуничани бемалол, шаҳдам кўтариб уйига кетаётган сичқон йўлда шеригини учратибди. Шеригининг юраги така-пука, қинидан чиқиб кетаётгандек. Бօғбон амаки энгашиб турганда писиб бориб битта ёнгоқчани

ўғирлаган экан. Қўрқув билан келаётгани учун юзидан оққаи терга мўйловлари ҳўллапиб, шалпайган. Бунинг устига қўшинисининг учта ёнғоқни бемалол кўтариб келаётганидан бўшашибдими, ёнғоғи қўлидан учидекетди. Боғбошинг «Ҳай ўғри!» деган овози эшитилди. Учган ёнғоқни олмоқчи бўлаётгани ўғри сичқон бир иргиб тушди-ю, қочиб қолди.

— Яхшиям унинг фикрига қўшилмаганим. Бўлмаса ўғри бўлиб қўлга тушардим,— дебди шериги.

Тўғришинг — кўнгли тўқ, эгришинг — йўли йўқ, дебшунга айтадилар-да!

ЯХШИЛИК

Эрталаб дадам буюрган ишни акам билан бўлишиб олдик. У токларининг ёнидан чуқурчалар қазиса, мен сув қуяман.

— Хорманглар!.. Ҳа, баракалла,— деди қўшии амаки ғовшохнинг орқасида, кейин аками ўз олдига имлади.

— Ҳовлингдаги сўри, токка қара, икки новдаси кузда атайнин жуда узуи қирқилган... Биз бу томонга пархиш қилиш учун даданг билан келганимиз. Ҳабаринг борми, ё йўқми?

— Хабарим бор, амакижон.

— Яхши. Пархишга пича қарашворсанг.

Шунда акам дадаминг буюрган ишини қиляпман, деса бўлармиди? Бўларди. Дарров сўрига чиқиб, икки узун павдани авайлаб ерга туширди. «Амаки, сиз уринманг», дея қўшининг ҳовлисигача уни кўмиб, учидан бир қаричасини чиқариб қўйди. Бунгача акамнинг терлаб-пишганини кўрсангиз эди.

«Ўзидан кўрсин... Кечқурун дадам келса, сиз буюрган ишни қилмай, бирорвинг ишига лақиллаб, мени қийнади, токка бир ўзим сув қуйдим, дейман. Дадам роса уринисин!...— ўйлайман ўзимча.

Кечқурун акам дадамга токни пархиш қилишда қўшии амакига қандай ёрдам берганини айтиб берди.

— Яхши иш қилибсан. Пархиш шу йилиёқ яхши новдалар беради. Ўзум ўзидан чиққанига не етсии... Ўзингдан озгина кечсанг, яхшилик тошаверасан.

Акамнинг ишини аям ҳам, опам ҳам маъқуллашди.

— Акам қўшинига бемалол ёрдам берсии, деб токка

бир ўзи сув берган Каримжонга ҳам раҳмат денг, даси,— деди ойим бошимни силаб.

— Кўпдан-кўп раҳмат.

Оғзим очилиб, ҳайрон бўлиб қолдим. Яхшиям аками дарров дадамга чақмаганим. Яхши ишига тушунмай бекорга ёмон кўрган эканман.

ПАМИДОРЛАР

Шаҳарлик Зариф қишлоқдаги поччасиникига меҳмонга борди. Поччасининг ўғли Собир томорқасида картошка ниҳолларига сув тараётган экан. Эгатларда оқ капалаклар қанот қоқиб тургандек қийғос картошка гуллариға Зарифнинг ҳаваси келди.

— Парваришини мешга ҳам ўргат,— деди у Собирга.

— Картошка-ку парваришдан чиқди. Мана бу эгатлардаги памидорнинг бир қаторини сен парвариш қилақол, ўргатаман,— деди Собир ва биринчи эгатдан тушиб, чониқни амалда кўрсатди.

— Қойил қиласиз,— деди Зариф енг шимариб ва иккинчи эгатдан Собирнига ўхшатиб бир оз чопди. Энгалиб, ниҳолларнинг бўғзидан сиқиб ўсаётган ўтларниг илдизидан суғириб тозалади. Собирга ўхшаб эринмайдиган бўлса белидаи «айриладиган». Ҳисоблаб кўрса эгатиниг охиригача яна олтмиш-етмиш марта энгалиб турадиган. Офтоб, ишда «пишмаган» танидан тер қуиб кетяпти. Осонгина қирма чопиққа ўтди. Собир буни зимдан билса ҳам индамади. «Меҳмон-де. Тўғрисини айтсан қийналиб қолади. Кўнгилга оғир олмасин. Қайтадан ўзим чопиб қўярман».

«Қолган ишга қор ёғар» дегандаридек бошқа ишга алаҳсиган Собир чониқни унитди.

Эз чилласи. Поччасиникига келган Зариф ўзи «оталик» қилган памидорларга ҳадиксираб боқади. Салама ўтларнинг қисувидан сарғайиб толган ниҳоллар Зарифга: «Бел қайишмай алдам-қалдамлик билан бизни шу куйга солдинг» дегандек боқади. Собир чопиқ қилган дуркин ниҳоллар эса «Ҳалол меҳнатиниг боласимиз» дегандек жилмаяди. Бу вақт ҳовлида ҳечким йўқ. Собир далада. Поччасига ёрдам қилаётган экан. Ҳозирча опаси пимжон памидорлар ҳақида Зарифга оғиз очганий йўқ.

«Меҳмон, уялмасни» деб, балки Собир ҳам, поччаси ҳам бир нарса дейишмас. Лекин пимжон памидор-

лар қўл учида қилган ишни фош қилиб тураверса,
уларнинг юзига қандай қилиб қарайди?!

ҚАМТАР ИШЧИГА ЎХШАЙДИ

Биламан, дадам баҳор пайтида кўчат экишни ўйла-
май бекорга санғиб юрган болани кўрсалар унга рўй-
хуш бермайдилар. Дадам мени кўрганларида чиройи
доим очиқ бўлишини истайман. Дадамнинг дилидагини
англаб, томорқамизга бир қатор ток экдим.

— Яхши экибсан. Барака топ. Энди, «Бир туп ток
эксанг икки туп тол эк!» деган гап бор элда. Баҳорнинг
ҳар бир куни ғанимат — деди дадам.

Боғимиз этагидаги толдан иккита йўғонроқ пояси-
ни кесиб, ҳар бирини тўртга бўлдим. Чуқурини кенгроқ
ковлаб, ихлос қўйиб эккан толларимга қараб, хур-
санд бўламан. Аммо кечқурун дадам келди-ю, юзлари-
ни мен кутган қувонч нури эмас, хафалик аломати
қоплади.

— Оқ толдан экибсан-да,— деди шоп мўйловини
шалпайтиб.

— Бу тол токка бўлмайдими?—ҳайрон бўлиб сўрай-
ман.

— Пояси ишком учун эгилмайди. Хиёл эгсанг қар-
силлаб синади. Токларни ёз бўйи опичлаб туришга то-
қатим йўқ, деган-да, бу. Ҳали ҳам кеч эмас. Оқ толлар
ўрнига қора толдан эк, болам. Поя берса астойдил эги-
либ хизмат қиласи токларга. Қамтар ишчига ўхшайди.

Хўп дадажон, дедим-у, оқ тол ёнидаги қора тол
тагига бордим. Бир дам пояларига ҳавас билан тикил-
дим. Айниқса, дадамнинг, қамтар ишчига ўхшайди, де-
ган ҳикматли сўзлари меҳримни унга улаган эди-да.

БОҒБОН СЎЗИ

Дилшод бугун маъюс ҳолда уйга кириб келди. Қо-
воғидан «қор ёғаяпти».

— «Беш» олдим, деб осмонга сакраб, қувнаб келар-
динг, ҳар куни. Ёмон баҳо олдингми бугун?— сўради
кир юваётган онаси.

— Қизиқсиз-а, ойи, нега энди ёмон баҳо олар экан-
ман?!— ҳайратдан кўзларини чақнатди у.

— Бўлмаса нега хомушсан, болам. Дардингни тў-
киб, ёзилгин мундоо-оқ.

Дилшод аввалига түррисини айтсам ойим хафа бўлармикац, дея иккиланди. Онаси: «Айтақол болам, айтақол. Нега хомушсан?» деб қистайверганидан кейин айтақолди.

— Мактабдан қайтишда, каттакои клубдаги мажлисни томоша қилдик. Раис бувани-чи, ойи, сўзлари жуда ҳам кўп экан. Рона сўзладилар. Боғдаги узумларни ҳам мақтадилар. Дадамлар бўлса жудаям оз сўзладилар. Сўзлари шунаقا камми, ойи? Қўлларини кўкракларига қўйиб, саҳнадан тез тушиб кетдилар. Ўртоқларимдан бирам уялдимки, қўлларим билан юзимни беркитдим.

Дилшод айниқса, охирги жумлани тўлқинланиб айтди. Киприкларини пирпиратиб, ҳаяжон тўлқинини ҳамон босолмасди.

— Вой, боласи тушмагур-ей. Шунга хафа бўляпсанми? — бир оз диққанафас бўлган опасининг чехраси ёришди. — Сенинг ўршиигда бўлганимда хурсанд бўлардим. Биласаними, дадаиг камтар ва содда. Соз ишлаб, оз сўзлашин яхши кўради. Лекин дадангнинг бошқа ажойиб сўзлари кўп. Элга ёқимли, жуда ширин. Мен билан боққа борсанг айтиб бераман.

Эртасига она Дилшодни боққа бошлаб келди. Сўри ва ишкомлардаги «қирмизи», «ҳусайн», «кишишиш»лар шур талашиб товлапади. Саф-саф осилиб турган узумларга Дилшоднинг ҳаваси келди. Кўзи ўйнади. Каттакои узум бошини узишга кўзи қиймади. Бир шингилини узди-да, карсиллатиб еди.

— Маза экан. Оҳ-оҳ, ойи сиз ҳам енг!

— Маза эканими, а,— кулиб қўйди опаси. — Баракали, чиройли узумлар ернинг саховати — ширин сўзи-дир. Дадажонинг ерни сўзлатгунча қанча тер тўқди. Неча бор «тиллашди» у билан. Дадаиг ва ер меҳри бирбири билан қўшилиб, эл-юрт гамида куйманади. Биласаиг, ернинг ҳосили — сўзи дадаигнинг дил сўзи-дир. Раис бувангни ҳам тўлқинлантириб сўзлатган дадажонигни сўзи-дир...

ОҚ ЎРИҚ

Томорқамиздаги мевалар ҳар хил: олча гиолос шафтоли... Бобомининг хаёллари эса қўпроқ bog этагидаги ўрикда. Тааси йўғон. Кўм-кўк баргли шохидан қуриган шохи кўп.

— Азиз, берп кел,— чақиради толдан ҳуштак ясаб чалганимни эшитиб бобом.

— Ҳозир,— дейман-у, «әх, уришсалар нима дейман» дея бир оз орқамга тисарилиб турдим. Кеча ўртоғим Собир билан ўша ўрик дараҳтидаи довучча қоқиб еган миз-да, таги кесак, узуқ-юлуқ шох, баргларга тўлган.

— Ҳосили бор экан, қоқишибди,— оёқ остига қараб ачинади бобом.— Қара, борми яна.

— Унда-мунда бор,— балаидга аланглайман.— пишса бир пақирча чиқади.

— Хайрият, бор экан. Борини эҳтиёт қилайлик.— Илтижо билан боқадилар менга,— яхши пишсин. Ўртогингга ҳам берасан.

«Довучча қоққанимизни сезган эканлар-у, ётиғи билан тайинлаштилар»— хулоса чиқараман сўзларидан. Қўм-кўк довуччалар куни сайни катталашиб, оқ тусга кирмоқда.

Собир ўтгани-кетганида уни кўриб, менга қитмирлик қилгани-қилган.

— Ўрикдаи қоқ. Еймиз. Мунча аяйсан. Бобонг ҳам болаларга ёмон кўришиб, ўрикни қўриқлагани-қўриқлаган.

— Яхши пишса сенга ҳам берар эканлар,— дейман бобомни ёқлаб. Кутнлмаганды томорқамиз колхоз ерларига қўшилибди. Ўринига янги иланли жойдан беришибди. Гулдираб келаётгани бульдозер ўригимиз тагида тўхтади. Кабинадан тушган қорача йигит салом бериб бобомга юзланди.— Ўрикни ағдарамиз. Ўрин экинизор-ра қўшиларкан.

— Беш-олти кун сабр қил. Ўриги хомроқ.

— Арзимаган ўрик, леб,— тўнгиллади бульдозерчи.

— Арзимаса ҳам данаги арзаңда. Ўриги пишса данаги тўқ бўлади. Экиб кўлайтирмоқчиман.— Колхозда қашча-қашча ўрикзорлар ҳосили нурини тўкиб ётарди. Экин баҳона ҳаммаси қирқилди. Баргак, туршак дастурхондан ўчди. Соғлик керакми, экинши ҳам ўйлаш керак.

— Мақсадинигизга тушундим отахон, кечиринг. Яхши хилиданми, дейман,— бульдозерчи оқариб кўринган ўрикларга боқди.

— Оқ ўрик, бўтам. Қишлоқда бундан бўлак пишон қолмади. Данагидан кўчат қисал сенга ҳам бераман. Бутун кишлоққа тарқатсам армоним қолмасди.

— Яшанг бобой. Ниятингизни агрономга ҳам айтаман...

Бу пайт Собир билан мен бульдозерни томоша қи-
лиш баҳона уларнинг сўзини эзмдан тинглардик.

— Бобонгни қизғанчиқ, деб нотўғри ўйлар эканман.
Билсам ҳаммани ўйлар эканлар,— деди Собир.

— Кўрдингми, бульдозерчиям олдин тушинмай, ке-
йин уялиб қолди,— дейман бобомдан фахрланиб.

Хил-ҳил пишган ўрикка маза қилдик. Бобом бир
косасини атайин Собирларнига ҳам чиқартиб берди-
лар. Фақат данагини қайтариб бериш шарти билан...

ЯХШИ АМАКИ

Кўча бўйидаги ариқнинг суви ўйноқлаб сой томон
оқади. Сув сал кўпайса борми, ариқнинг саёз жойидан
тошиб кетади.

— Ҳой бола, кетмонингни тезроқ олиб кел,— деди
бу ҳолдан хавотирланиб турган киши, мактаб боғига
кетаётган Ғиёсни кўриб. Ғиёс бехос овоздан зийрак
тортди. Қуёш нуридан ярқираб турган янги кетмон-
часини дарҳол елкасидан қўлига олди. Уша киши то-
мон юрди.

«Ваалайкум ассалом»— баландроқ айтилган бу сўз
Ғиёсни ҳайратга солди: «Салом бермасимдан олдии
нега алик олди. Пичинг қиласиб, салом бермади,
деб. Яқинроқ борганимда салом бераман-ку».

— Ассалому алайкум! Кечирасиз амаки.

Амаки эса лом-лим демай, Ғиёснинг қўлидан кет-
мончани олди. Ғиёснинг: «Сиз уринманг. Ўзим қиласман
буни», деганига қарамай ариқнинг тошай деб турган
жойига тупроқ ташлай бошлади.

— Ассалому алайкум,— деди Ғиёс бу гал ёлбориш
оҳангига. Амакининг қўзлари шалдираб тўлиб оқаёт-
ган сувда. Томирлари бўртган қўллари билан ариқ
бўйини маҳкамлайди.

Тезроқ салом бермаганимга дарров жаҳллари чиқиб
кетибди-де,— ўзича ўйлайди Ғиёс, амакининг қалти-
роқ қўлларига ўйчан боқиб. Балки қўллари ҳам шу-
нинг учун титраётгандир.

Мактаб боғида ишларкаш, кечгача ҳам кўнглидаги
хиралик кетмади. Бирор орқага, тортаётгандек қўли иш-
га бормади. Амакига салом бермасдан алик олгани,
берган саломи эса аликсиз қолгани қалбини тикандек
тирнайди.

— Э, э,— деди дадаси кечқурун ўғлининг арзига ту-

шуниб етгач,— соч-соқоли оппоқ, қошлари ўсиқ, тезоброқ кишини айтаяпсамп? Бечоранинг нимасидан хафа бўласан. Уруш инвалиди бўлса. Бомба портлагандан тупроқ тагида қолган. Контузия бўлган. Қулоғи кар-ку, бояқиш.

— Қўлларининг қалтираши ҳам ўша бомбадан кеъни бўлган, деңг. Мен бўлсан...— Шу топда ўша киши Фиёснинг кўзига жудаям беозор, яхши амаки бўлиб кўришиб кетди.

ЁМОНГА ҚЎШИЛИБ...

Экинзор ёнида сигирни етаклаб боқаётган Фиёс ўзига рўбарў келаётган синфдошидан сўради:

— Қўйинингдаги нима?

— Гилос, ол, еб кўр,— бир сиқим узатди Салим.

— Узумзор яқинидаги гилосданмасми бу?

— Топдинг. Худди ўшандан.

— Ий-е — Салимга тикилиб қолди Фиёс,—гилосли жой ҳам сизларга қарашлимис? Ўтган куни ҳам келаётгандинг қўйининг тўлдириб, ўша ёқдан.

Синфдоши аввалига нима дейишини билмай гуноҳкордек сезди ўзини. Баҳона топгач, дадилланди:— Биласан, дадам колхозда катта бoggон. Гилосдака меваларининг қанчасини экиб ташлаган. Сенинг даданг ҳам. Тўгрими Фиёс? Шундай экан гилосда бизнинг ҳам ҳақимиз бор.

— Фиёс:— Барибир, колхоз учун экишган-де,— де-ди-ю, Салимнинг кўнглига қаради. «Хўп дессанг бирга гилосга борамиз, кечроқ», деганига рози бўлди. Бундан Салим хурсанд: «Гилосни роса шилганлигимни ҳеч кимга айтольмайди. Тили қисилади. Ўзинг ҳам роса олдингку, дейман.

Кечки пайт. Шабада гир-тир. Жухоризор панасидан шивир-шивир овоз келади:— Олдин гилосга сен чиқ,— Фиёспи туртади Салим.

— Йўқ. Аввал сен чиқ.

— Сен бемалол териб туш. Кейин мен.

Бўлмади. Фиёс дарахтга чиқди. Гилосдан дам оғзи-га, дам чўнтағига соларкан, пастга ҳам ташларди: «Ол, еб тур».

Шамол борган сари ғувуллар, шохларни белапчак-дек тебратарди. Фиёснинг оғирлигидан ёйдек эгилган шох бутогидан ажраб силкинганича ерга бош урди.

шуниб етгач,— соч-соқоли оппоқ, қошлари ўсиқ, тезоброқ кишини айтаяпсами? Бечоранинг нимасидан хафа бўласан. Уруш нивалиди бўлса. Бомба портлаганда тупроқ тагида қолган. Контузия бўлган. Қулоғи кар-ку, бояқиш.

— Қўлларининг қалтираши ҳам ўша бомбадан кеъин бўлган, деңг. Мен бўлсан...— Шу топда ўша киши Фиёснинг кўзига жудаям беозор, яхши амаки бўлиб кўриниб кетди.

ЕМОНГА ҚЎШИЛИБ...

Экиизор ёнида сигирини етаклаб боқаётган Фиёс ўзинга рўбарў келаётган синфдошидан сўради:

- Қўйнингдаги нима?
- Гилос, ол, еб кўр,— бир сиқим узатди Салим.
- Узумзор яқинидаги гилосданмасми бу?
- Топдинг. Худди ўшандан.

— Ий-е — Салимга тикилиб қолди Фиёс,—гилосли жой ҳам сизларга қарашлимиси? Ўтган куни ҳам келаётгандинг қўйнингни тўлдириб, ўша ёқдан.

Синфдоши аввалига нима дейишини билмай гуюҳкордек сезди ўзини. Баҳона топгач, дадилланди:— Биласан, дадам колхозда катта бօғбои. Гилосдака мевалярнинг қанчасини экиб ташлаган. Сенинг дадаиг ҳам. Тўғрими Фиёс? Шундай экан гилосда бизнинг ҳам ҳақимиз бор.

— Фиёс:— Барибир, колхоз учун экишган-де,— де-ди-ю, Салимнинг кўнглига қаради. «Хўп дессанг бирга гилосга борамиз, кечроқ», деганига рози бўлди. Бундан Салим хурсанд: «Гилосни роса шилғанилигимни ҳеч кимга айтольмайди. Тили қисилади. Ўзинг ҳам роса олдингку, дейман.

Кечки пайт. Шабада фир-фир. Жухоризор панасидан шивир-шивир овоз келади:— Олдин гилосга сен чиқ,— Фиёсни туртади Салим.

— Йўқ. Аввал сен чиқ.

— Сен бемалол териб туш. Кейин мей.

Бўлмади. Фиёс дарахтга чиқди. Гилосдан дам оғзи-га, дам чўнтағига соларкац, пастга ҳам ташларди: «Ол, еб тур».

Шамол борган сари ғувуллар, шохларни беланчак-дек тебратарди. Фиёснинг оғирлигидан ёйдек эгилган шох бутогидан ажраб силкинганича ерга бош урди.

Қарсиллаган овоздан етиб келган йўловчи безовта. Кўмкўк шох орасидан зўрга туриб келаётган Фиёсдан ҳол сўрайди:

— Эмои тушмадингми, ҳой бола?

— Қўлим сал...— Қўрқувдан ранги ўчган Фиёс шохдан тириалган билагини кўрсатди.

— Ҳечқиси йўқ. Қош қораймасдан уйингга етақол.

Фиёс йўлда ён-берига қараб-қараб қўярди:

«Қаёққа қуён бўлдинг, Салим? Ҳе ўргилдим гило-сингдан!»

— Үғлингизнинг аҳволини кўрининг, дадаси,— она ўғлини жаҳл билан кутиб олди. Фиёс хомуш. Кўйлаги алвир-шалвир. Ёқавайрон.

— Бемаҳалда юрмасдинг. Бирор бетамизга қўшилдингми? Ростини айт.

Фиёс дадасига воқеани «оқизмай-томизмай» айтади.

— Шайтон экан оғайнинг. Гилосдан ташқари ўрик, шафтолилар экканмиз. Тўғри, бунда дадаси ҳам тер тўйкан. Оғайнингниг фикрича дадаларимиз эккац, деб меваларни ташмалайвериш яхшимас. Уят. Экканимиз колхоз мулки. Меҳнатимизга ҳақ олганимиз.

— Үзимам шундоқ йўловдим, дада. Унга қўшилиб...



ПАЛЬТО

Үйдан айвоңға чиқсам, укам зёр бериб дадамниң
вешалкага осиглиқ турған пальтоларини олишга инти-
ларди. Кошқи, бүйін етса. Пальтога етиш учун тагига
стулласини ҳам қўйиб олибди.

— Дониёр, пальтоң шима қиласаң? — деб сўрадим
таажжубланиб.

— Олиб беринг, кейин айтамаң, — деди дўмбоқ қўл-
ларини пальтога узатиб.

Мен шима қилар экан, деб унга пальтоң олиб бер-
дим. У қопқора кўзларини уйнатиб, севинч билан менга
ялт этиб қаради-да, пальтоңи судраганича ташқарига
олиб чиқа бошлади.

— Ҳой, пальто лой бўлади, — деб кийимни униңг
қўлидан тортиб олдим. Шунда Дониёрниң узун кип-
риклари памланди, қора қошлиарни чимирилди, лаблари-
ни чўччайтириб:

— Мен уни Ленин бобомниң устиларига кийдир-
моқчи эдим, — деди у Владимир Ильич Ленинниң кў-
чамизга ўрнатилган ҳайкалини деразадаң кўрсатиб,
кўряпсизми? Ахир қор ёғаяити. Ленин бобом совуқ еб
қоладилар-ку!

— Дониёр, Ленин бобомиз совуқ емайдилар. Улар-
ниң юракларида ўт бор. Бу ўт ҳеч сўнмайди! — дедим.

ҚУЛОФИ ТОПИЛДИ

— Қечаги айтганиларигизни-чи, ойи, ҳаммасини ўрганиб бўлдим, айтиб берайми?

— Ҳа майли. Бўлмаса оёғинг қани?

Эркинжон:

— Мана,— деб оёғини кўтариб кўрсатган эди, йиқилиб тушишига сал қолди.

— Қулофинг-чи?

— Мана,

— Қани йўқ-ку?

— Мана турибди-ку, ҳозир ойнага бориб қараб келай-чи, турибдимикан. Сиз қалпогимнинг тагида тургани учун кўрмаётгандирсиз.

Эркинжон ойнага қараб келиб:

— Бор экан-ку. Мана,— деди қулогини чўзиб кўрсатиб.

— Бари бир қулофинг йўқ, нега деганда боя супургини олиб келиб бер десам, қулоқ солмадинг. Гапга қулоқ солмаган болаларни қулофи йўқ бола дейишади.

Эркинжон чопиб бориб, ҳовлининг бир чеккасида, дараҳт тагида турган супургини кўтариб келди ва:

— Энди қулоғим бор-а?— деди.

ФАРИДА УСМОНОВА

ГУДОК

Лобарни кўрганлар, ана гудок келяпти, дейдиган бўлишган. Нега дейсизми? Чунки у бўлар-бўлмасга қулоқни батангга келтириб товуши бўғилгунча арилла-веради-да. Шуниси, қизиқки, бақириб йиғлаганига яраша кўзидан бир қатра ҳам ёш чиқмайди. Үзи кичкина бўлса ҳам жа айёр-да. Сабаби ҳали кичкина деб кўнглига қаравейришган, нима деса шуни бажаришган, мана, оқибати. Дадаси қараса, Лобарнинг қичқириғи кундан-кунга ошиб, ҳар хил хархашалари кўпайиб кетди. Кейин уларнинг жонига тегиб Лобарнинг айтганини қилмай қўйишиди. Лобар хип бўғилиб қолгунча қичқириди. У қичқириб-қичқириб кўзини қия очади-да, менга ким қараётганини деб ўғринча қараб ҳам қўяди. Ҳеч

ким назар-писанд қилмаётганини күриб баттар алам қилиб қичқира бошлайды. Қичқираверганидан овози чиқмай қолиб анча маҳалгача ҳиқиллаб ўтирди, кейин зерикди шекилли, «бор-э, йиглаб менга иима зарил, ҳеч ким эшиитмагандан кейин», деб уйига кириб кетди.

Шу-шу у йиғламайдиган бўлган. Бўлмаса яна ўзига жабр-да!

ОНА

Ҳасан қалдирғочнинг инига чиқиб, қўйнида уч-тўртта тухум билан қайтиб тушди.

— Менда тухум, қушниш тухуми — мақтаиди ўртоқларига.

— Қани, қани...

— Қўй болам, онаси келса қарғайди, жойига чиқариб қўй,— деди буни кўрган бувиси.

— Онаси мен олганимни қаердан билади.

— Онаси билади, болам, қўй жойига.

— Майли,— истамайгина, яна инига қўйиб тушди. Бир-икки кун ўтгач, уйни қалдиргоч болаларининг овозди тутди.

ЖАХОНГИР НАҲАНОВ



Жаҳонгир Наҳанов 1971 йил Самарқанд облассы, Норной районидаги түгилган. Ушинг ҳажвий, шеърий маниқлари республика матбуотида мунтазам босилиб туради. Жаҳонгир 1986 йил «Гулхан» журналининг лауреати, 1987 йилда эса «Ленин учкунин» хамда «Юлдузча» нашриётиниң ҳамкорлиги билан уюштирилган «Ҳар доим бўлени қуёш» деб номланган конкурседа голиблар қаторидан жой олди. 1987 йил «Ёши гвардия» нашриётидага чоп этилган «Бойчечак» коллектив тўпламдан ушинг ҳажвий ҳикоялар туркуми ҳам жой олди. Жаҳонгир Наҳанов айни пайтда Ташкент шаҳридаги 236-ўрта мактабининг 10-санфида таълим олмоқда.

ҲИҚОЯЛАР

ҚИЙИК ҚИСМАТИ

Қалип чакалакзордан туёқлари ерга тегар-тегмас чонаётган она кийик отилиб чиқди. Ушинг вужудини қўрқув қамраб олған, бир дақиқа тўхтаб, нафасини ростлаб олишга юраги дов бермасди. Кийик ўзини хилват форга урди...

Аввалари она кийик ўз боласи билан йиртқич ҳайвонлардан қочиб, бу ерга тез-тез келар эди. Ў боласини эсга олиши биланоқ кўзлари ёшга тўлди. Йирик-йирик дона бўлиб, юзига оқиб тушди. «Оҳ, қарогим!.. Сенга нима бўлди экан? Бояги икки оёқлиларга ем бўйламишмикан-а?..» Ушинг ичи тириалди. Бўлиб ўтган воқеа бирма-бир кўз олдидаи ўта бошлади...

Кун яримлаб қолған, подадаги кийиклар дарахтларниң соясига ўзларини уришгац эди. Она кийик ҳам кийикча билан бирга четдаги эмана дарахти тагида ястасиб, баъзида эса ўтларни чимдиб, дам оларди. Бироқ она кийикнинг ичига гулғула тушган, қандайдир фожиа рўй бериншини кўнгли сезган эди ушинг. Кийик янгилишмаган эди. Бир оздан сўнг аллақаерлардан билишар-би-

линмас шовқин эшитила бошлади. Бу товушлар тобора яқинлашарди. Она кийикнинг қулоқлари динг бўлди. Ўриндан сапчиб туриб кетди. «Бу ўша — қўлларида даҳшатли чақмоқлари бор икки оёқлилар-ку!?»— хаёлидан ўтди унинг.

Она кийик олдинга талпинди. Кийикча энди оёқларига турған эди ҳамки, чақмоқларниг гумбурлаши эшитилди. Тўдадаги беш-олти кийик билан бирга у ҳам ерга мукка йиқилди...

Колганини опа кийик эслай олмади. У боласининг йиқилганини кўриб, гангиг қолганди.

Она кийик беихтиёр, даҳшатли воқеа содир бўлган жой томон йўл солди. У ўша жойнинг олдига яқинлашганди, куйган гўшт, тутун ҳидлари атрофии тутиб кетганди. Ўнга яқин икки оёқлилар бақириб-чақиришар, қаттиқ «ҳо-ҳо»лашар эди. Улардан бири чеккага чиқиб, кийикларниг терисини шиларди. Она кийикнинг вужудига қалтироқ тушди. Чунки икки оёқлинипг ёнида боласининг боши қон-у тупроққа қоришиб ётар эди.

Кийикнинг кўзлари қонга тўлди. Қаттиқ туёқлари тошларга урилиб жаранглади. Ҳар нарсадан чўчийдиган бу кийик эс-ҳушини йўқотдими ё вужудида улкан қасос ўти чақиадими, душманга ташланди.

Бирпасда қий-чув кўтарилиди. Кийикнинг бу қилифидан икки оёқлилар саросимага тушиб қолишганди. Улардан бири тезда ўзига келиб, қўлидаги «чақмоқ»ни унга тўғрилади. Яна ўша даҳшатли садо янгради. Она кийикнинг кўзи қоронгулашди, унинг ичини алланима куйдирмоқда, ўзи эса тобора оғирлашиб борар эди. У қоқилиб, бир ўмбалоқ ошди-да, бошқа турмади. Ўнинг кўзлари очиқ қолган, аллақандай бефуборлик бор эди унда...

ПАРТАШУНОС

Алгебра дарси аллақачон бошланиб кетган. Аммо менинг хаёлим партадаги ёзиқ-чизиқлару расмларда. Бу ерда ҳар балони топса бўллади. Камон ўқи қадалган юрак дейсизми, одам деса одам эмас, маймун деса маймун эмас афт-башараси дейсизми, хуллас, расмлар галереяси.

Ўзим 7 «а» синфининг энг интизомли «икки»чилари-данман. Ўқитувчи доска олдига чиқарса, билмайман,

дейман. Гап-сўзсиз «икки» қўйилади. Бошқаларга ўхшаб: «Кейинги дарсда жавоб берсам майлим?»— деб сўраб ўтирумайман. Ортиқча гап эшишиларни бошимга ураманми?!

Дарс бошлангандан кейин партага чиппа ёпишаману, то танаффусга қўнгироқ чалингунча бош кўтармайман. Бошқалар бўйинларини жирафадай чўзиб, деразадан спорт майдончасидаги футболни томоша қилишаётганда, хаёллари дарсда эмаслиги тезда билинди-да!

Мен эса партадаги расмларни томоша қиласман, ўзим ҳам янгиликлар киритаман. Баъзи бир «устоз кўрмаган»ларнинг расмлари тагига норозилигимдан ёзиб қўяман, баъзиларини мақтамайман...

Мана буни қаранглар, на кенгуруга ўхшайди, на туяга. Расмни чизишни билсанг, чиз-да, номард! Партанни ўшанақа расмларинг билан тўлдириб нима қиласан? А?

Мана буни расм деса бўлади. Тап-тақир бошни чизб қўйиб, тагига «Раҳм кал-овсар»,— деб ёзиб қўйибди. Маладес!..

Шу десангиз, парташунослик билан шуғулланиб, ўқишини ҳам ташлаб қўйган эканман. Ҳаммаёқни икки босиб кетибди. Яна бу ҳам етмагандай, синф мажлисида мени ёмонлашади денг. Бўладиганим бўлди. Аммо шундай бўлса ҳам без бўлиб туравердим...

Шундан сўнг, ёнимга дарс қилишдан эринмайдигап Наргизани ўтқизиб қўйиши. Ўқишим устидан назорат қиласмиш. Шу Наргизаси бало бўлди. Танаффуслардаям орқамдан юргани-юргурган. «Ҳой, Азим, уни тайёрладингми, буниси қопкетмадими?.. Қийналётган бўлсанг, уйимга кел, ёрдамлашиб юбораман...» Бунақада бош кўтариб юриб бўладими?

«Бундан баттар бўл»— деяпсизми? Ҳўв. Менга қаранг. Узингизни парталар «галерея»сида кўрмоқчимисиз? Боплаб чизиб қўядимку-я, Наргизадан чўчияпманда. Яна муҳокамага қўймасин мени. Ҳа майли. Сизлар билан пачакилашиб ўтирумайман. Ҳали физикани қилганим ўйқ, «ойимпошша» катта танаффусда ҳам орқамдан «дум» бўлиб юрмасин. Ия, ана, ўзи ҳам кўриниб қолди. Бўпти, мен кетдим. «Қуён» бўлиб қолмасам бўлмайди шекилли...

БИРИНЧИ БОР ЙИФЛАГАН БОЛА

Биринчи дарсга қўнгироқ чалинганга анча бўлган. Болаларнинг фикру хаёлини тарих ўқитувчси Олим аканинг сўзлари қамраб олган. Ўқувчиларнинг хаёлан ибтидоий одамлар билан мамонт овлар, ё бўлмаса Македонский билан Чингизхон қўшинларига қарши танк ҳам самолётларини ишга солиб, жанг олиб борарди. Лекин шу пайт синфнинг эшиги шахт очилди-ю, барчанинг хаёли бўлинди. Эшик олдида соchlари кирпи ниналардек тиккайган, костюмининг тугмалари чала-чулла солинган, бебош, ўлгудек айёр, муштумзўр, лекин дарсларга келганда нўноқ синфдошлари Ортиқ турарди.

— Мумкинми?

— Хўш, нега кеч қолдинг? Бугун қандай баҳона топаркинсан, эшитайлнк-чи!— деди ўқитувчи кўзойнаги ни тўғирлаб.

— Биласизми, ҳалиги... Гапнинг очигини айтиб қўя қолай,— деди Ортиқ маҳмадоналиги тутиб.— Шу дессангиз, мактабга келаётиб, бир чумолиннинг оёғини босиб олибман... «Хой, галварс» деб юборди чумоли. «Энди қандай қилиб уямга етиб оламан, оёқни ишдан чиқардинг-ку...— деди яна у. Жаҳлим чиқиб тумшуғимга бир туширай дедим-у, ўзимни тийиб қолдим. «Ҳар ҳолда пионерсан-ку,— дедим ўзимга ўзим.—Ке, шу бечорани манзилга обориб қўя қолай». Ярим соат излаб зўрга топдим уясини...

Қиқир-қиқир бошланди. Ўқитувчи газабдан узоқ вақт нима деярини билмай турди. Кейин эса ўзича нимадир деб пичирлади-да, Ортиққа ўтиришни буюрди. Дарс яна бошланди.

Танаффусдан сўнг, Ортиқнинг олдига қўрқа-писа Собир яқинлаши:

— Ортиқ, хоҳлайсанми, мен сенга дарсларни ўзлаштиришда ёрдам бераман... Хоҳласанг, дўст ҳам тутинардик...

Ортиққа ўртоғининг таклифи ёқмади:

— Менга қара, аълочи бўлсанг ўзингга. Лекин менинг ишимга аралашма, билдингми? Сепдақа ўртоқдан ўргнлдиму...

— Тушундим... тушундим. Бошқа қайтарилмайди,— деди қўрқиб кетган Собир ва синфга кириб кетди.

Собир баҳона бўлди-ю, Ортиқ «ҳамманг Собир та-

рафдасан, кучимга ҳасад қиласанлар-да», деб ҳамма билан уришиб чиқди.

Шу-шу бўлди, Ортиқ ҳеч ким билан гаплашмай қўйди. Мактабга келади: охирги партада лунжини шишириб ўтиради. Кейин индамайгина уйига «суреб» қолади. Бир хил пайтларда умуман қораси кўринмайди.

Кунлар шу тариқа ўтаверди, кейин синфлараро футбол мусобақаси бошланиб қолди...

Ортиқ «менсиз ютқазишади», деб мактаб стадионига келди. Келди-ю, атайлаб синфдошларининг кўзига кўринадиган жойда туриб қолди. Аммо уни кўриб, кўрмасликка олдилар. Ортиқ ҳомуш тортиб чеккага чиқиб ўтиради. Фигони чиқди. Тўполон қилмоқчи бўлди-ю, ўзини босди.

Ўйин эса бошланган эди. 7 «Б» синф ўқувчилари дастлабки дақиқаларданоқ дадил ҳаракат қилиб, Ойбек қўриқлаётган дарвозага тўп киритишиди. 7 «А» синфининг ўйини сира қовушмасди. Шу орада иккинчи тўп киритилди.

Ортиқ икки ўт орасида қолди. Ичидаги икки овоз уни икки тарафга судрай бошлади. Бири «Ана кўрдингми, қадринг ўтди. Сени ўйинга олишмадими, ҳечқиси йўқ! Ютқизисин, ундан баттар бўлишсин! Уларсиз ҳам кунинг ўтади», деса, иккинчиси: «Уларнинг сўзига кирмай чакки қилдинг. Ахир нима бўлсаям синфдошларинг-ку! Кечирим сўра, Ортиқ...» дер эди.

Шу пайт ўйинчилар танаффусга чиқишиди. Ортиқ нау, на бу овозга ён босиб улар олдига яқинлашди.

— Хўш... қалай? Менсиз ишларинг битмас эканми? Ҳа майли, ўйнасан ўйнай қолай...— деди у мийифида кулиб.

Болаларнинг нафаси ичига тушиб кетди. Ҳамма Ортиқдан юзини ўғирди.

— Йўқ, керак эмас, Ортиқ. Ютқазсан ҳам сенсиз ютқазайлик,— деди Ойбек ўртоқларига «кетдик» дея ишора қиласа экан.

Ортиқ биринчи бор ғалати аҳволга тушиб қолди. Биринчи бор синфдошлари олдида кўзларига ёш олди.

Ортиқ улар ортидан бир зум қараб турди-да, югуриб кетди. Боши оққан томонга югуриб кетди...

Югураверди, югураверди... Сўнг бехос қоқилиб тушди-ю, ўзини ўтлар устида кўрди. Тўпасида осмон... Чексиз, чексиз... Қўм-кўк, кўм-кўк. Тагидаги ер билинмай-

ди... бўшлиқ... Унинг кўзларидан ҳамои кўзёшлари оқиб тушарди.

ДАШНОМ

Мажлис бошланди. Синф бошлиғимиз Нозима писмиқ яна гапни айлантириб келиб, менга тақади:

— Мана, Илҳом Утаев, ҳеч қандай мактаб ишини бажармайди. Яна аълочимиш! Бошқалар синф учун жон куйдиришсин-у, у эса ялло қилиб юраверсинми? Йўқ, бунақаси кетмайди. Темурчилар отрядига қўшиласан. Вақти йўқ эмиш? Бошқалар бўш вақтни қаердан тошияпти? Уялмайсанми?!

«Нима, баҳоларни сен қўяяпсанми? Олдин ўзингга боқ, кейин ногора қоқ-да. Ҳе, ўргилдим...»

Шундай қилиб, камина темурчилар отрядига аъзо бўлди. Дастребки топшириқ: бир кампирнинг юмушларини енгиллатиш. Ёши олтмаш бешдан ошиб қолган бувимга ёрдам бермайману, етти ёт бегона кампирга кўмаклашаманми, деган хаёллар билан унинг эшигини тақиллатдим. Мункиллаб қолган, ҳасса ушлаган кампир чиқди. У ўзига ярашмаган кўзойнагини тўғрилаб, менга узоқ қараб турди. Одоб билан саломлашдим. Қампир алик олди-да:

— Болам, кимсан? Ҳеч танимаяпман,— деди.

— Бувижон, мен мактаб темурчилариданман. Юмушингиз бўлса, қарашиб юборгани келдим. Исмим — Илҳом.

— Умрларингдан барака топгурлар! Кеча ҳам иккита бола келиб, оғиримни енгил қилиб кетишувди. Яна келишса керак бугун,— деди кампир ичкарига киришни таклиф қилиб.

Эътиroz билдиридим.

— Бувижкои, ишингиз бўлса айта қолинг, бир зумда қилиб ташлайман,— дедим аслида бу иш ёқмаётган бўлса ҳам.

Гаплашиб-гаплашиб у кишининг исм-фамилияларини ҳам билиб олдим.

Кампир пальтосининг чўнтағидан пул олиб узатди:

— Нон олиб келсанг бўларди, болам.

Уйдан отилиб чиқдиму, бир оз югуриб, панага ўтдим. Нима, қиласиган бошқа ишим йўқми? Нон дўкони бир километрдан ошиқроқ жойда бўлса...

Бундай қарасам, мендан бир синф юқори ўқийдиган Соли билан Маҳкам шу ёқса келишашағыпти. Саломлашдик. Соли қўлимдаги сумкани кўриб, деди:

— Нима қилиб бу ерда сумка билан турибсан, Илхом?

— Ҳа, энди, магазинга бориш ёқмаяпти,—дедим ба-тағсил сўзлагим келмай.

— Ойингнинг айтганини қилмасанг, яхши эмас,— деди ақл ўргатиб Маҳкам.

Бор-е, ишингни қил, энди ўргатмаган сен қолувдинг, дедим ичимда.

Улар кетишиди. Яна беш-үн минут турдим-да, кампирнинг уйи томон югурдим. Кирасолиб йўлда тўқиган ёлгонимни ишлатдим:

— Бувижон, магазинда нон йўқ экан...

— Ҳа, яхши, болам. Кечқурунроқ ўзим чиқиб келарман,— деди кампир гапларимга чиппа-чиp ишониб,— кечаги болалар келди. Ёрдамлашишашағыпти барака топгурлар. Қани, юр, сенга танишириай.

Болаларни кўрдим-у, турган еримда қотиб қолдим. Не кўз билан кўрайки, қаршимда Соли билан Маҳкам турарди.

Нима қиларимни билмай, отилиб кўчага чиқиб кетдим. Кампир эса «ҳай-ҳай»лаганича қолди...

Шу воқеадан сўнг Маҳкам ва Солининг кўзига тик қарай олмайдиган бўлдим. Ҳар учрашганимда уларнинг нигоҳида: «Наҳотки сен пионерсан?!»— деган савол бордай туюлади.

Буниси энди ўзим-ўзимга берган дашномим эди.

«ТУПРОҚ» ОПЕРАЦИЯСИ

Адҳам имтиҳонларга тайёргарлик кўрарди. Бошқа синфдошлари сингари у ҳам ҳаяжонда. Пухта тайёрланмаса бўлмайди, саккизинчи синф!

Бир куни уни йўқлаб ўртоғи Баҳтиёр кириб келди.

— Ҳа, олим, ўқияпсанми? Уқийвер, ўқийвер! Мен бўлсам ҳеч қандай қийинчиликсиз имтиҳон топширмоқчиман!— деди у мийифида кулиб.

— Қандай қилиб?!— Адҳам ҳайрон бўлиб сўради.

— Оппа-осон. Қеча бир мисол устида бошим қотиб турувди. Бувим фолбинга борибдилар. Йўл-йўриқ олибдилар. Мозор тупроғи ўқитувчи ўтирган стол тагига сепилса, ухлаб қоларкан. Ўшанда бемалол шпаргалкан кўчириб олаверамиз! Қалай, аканг қарағай!..

Имтиҳон куни Бектемир қовоғи солиқ мактабга кириб келди.

— Олиб келишни унуган бўлса-я?!— деди Адҳамга Бектемир.

— Олиб келади. Сен уни билмас экансан,— деди Адҳам.

— Яна ўша ҳақда гаплашайпсизларми? Вой лақмалар-эй! Мана кўрасизлар, Карим ака бари бир ухламайди,— деди Раҳим.

Бахтиёрни кўришгач, Адҳам билан Бектемир енгил нафас олиши.

— Энди билдирамасдан «халоскор»ни чўнтакдан олсак, бўлди. «Беш»гина бизники!— деди Адҳам.

Имтиҳон бошланди. Беш минут ўтди, ўп минут ўтди. Бахтиёрнинг кўзи Карим акада.

Карим ака Бахтиёрнинг тикилиб ўтирганини кўрдиди, деди:

— Ҳа, Бахтиёр, менда саволинг борми?

— Мендами? Йўғ-е, менда ғавол йўқ,—дея у кўзини дафтарга тикди.

Бирмунча вақт ўтгач, у яна ўша тарафга беихтиёр қаради. Бу қараш ўқитувчига ғалати туюлди. У кўзойнагини тўғрилади ва Бахтиёр ўтирган партага яқинлашди.

— Бирон нимани тушунмаяпсанми?

— Ҳаммаси тушунарли...— каловланди Бахтиёр.

Ўқитувчи елкасини қисганича жойига бориб ўтириди. Бир лаҳзадан сўнг, Карим ака яна унга назар солди: Бахтиёр ҳамон ўқитувчига тикиларди.

— Нима, мени биринчи марта кўраяпсанми? Бугун сенга нима бўлди ўзи?— ажабланди муаллим.

Уч соат ўтди-кетди. Бахтиёр бор-йўғи иккита мисолни еча олди, холос.

— Сенга ишониб учтагина мисол ишлабман, қаердан ҳам гапингга лаққа тушдим,— тўнгиллади Бектемир уйга қайтишаётганда.

Икки кундан сўнг ёзма иш натижаси аёп бўлди. «Тупроқ» операцияси қимматга тушди. Уч ўртоқ ҳам нақдгина «икки» олишганди.

«ЁРДАМЧИ»

Неъмат дарвозани очди-ю, синфдоши Адҳам ва унинг ёнидаги Акбар сураткашни кўриб ҳайрон бўлди. «Ак-

бар сураткаш»— бу Акбарнинг лақаби, чунки у синфларидағы яккаю ягона сураткаш-да!

Хол-аҳвол сўрашгач, Адҳам гап бошлади:

— Бизларни нега келганимизни билмасанг керак-а? Бўлмаса эшит, сен ўтган куни бувимнинг огирини енгил қилиб турибман, ҳамма ишни ўзим қиласман, дегандинг. Ҳозир деворий газета чиқаряпмиз. Шунинг учун сен суратга тушишинг керак. Биласанми, шунақаям зўр сурат чиқсинки, сен кир ювиш машинаси ёнида кир юваётган бўласан, ҳар тарафга кўпик саҷраб туради...

Бу гапларни эшитиб Неъмат дудуқланиб қолди:

— К-келинглар, яхиси с-суратга туширмай қўя-қ-қолинглар.

— Ие, нимага?— дейишди иккалови бирваракайига.

Неъмат қизариб-бўзарганча ҳамон дудуқланарди:

— Ҳ-ҳа-а, рост, ёрдамлашаман, м-масалан, бу-бувим электр токидан қўрқадилар, шунинг учун кир машинасида кир юваётган пайтларида меш кнопкаларни босиб турман. Синглим ҳовли супураётганида з-зериқмасии деб хиргойи қиласман, яна-чи, яна...

Эртаси куни бу ҳақиқат деворий газетага кўчди. Кир юваётган буви, унинг ёнида эса бир қўлини белига қўйганича кир ювиш машинаси кнопкасини босиб турган, синглиси ҳовли супураётгандага хиргойи қилаётган Неъматнинг карикатураси чиқди.

Деворий газета осиғлиқ турган мактаб коридорида эса ўқувчилар тўпланиб қолган эди!..

АРИЗА

Синфдошлар ҳар томонга тарқаб кетадиган бўлишиди. Бир хиллари билим юртига, техникумларга, бошқалари ўқиши давом эттиришади... Ҳа, бу жуда ачинарли эди. Саккиз йил ичида қадрдан бўлиб қолишганди улар.

Ўқиши давом эттироқчи бўлганлари эса, тўққизинчи синфда қолиш учун директор номига ариза ёза бошлишди. Бири бундоқ ёзади, бири ундоқ...

Ариза топширилгандан кейин икки кун ўтгач, синф раҳбари дарс ўтаётган пайтда хонага директор кириб келди. Ўқувчилар ҳурмат сақлаб ўринларидан туришди.

Ўтиришга рухсат берив, директор мийигида кулиб деди:

— Қодиров Одил ўрнидан туриб юборсин-чи!
Малладан келган паканагина бола ўрнидан турди.
— Бу сенинг аризангми? — саволга тутди директор.
Одил бир парча қофозга узоқ тикилгач, деди:

— Меники...

— Түққизинч синфга ўтмоқчимисан? Баҳоларинг
қандай? — деди директор.

Одил уялиб бошини хам қилди.

— Аъло баҳоларга ўқишаётган синфдошларинг билим юртларига касб танлагани боришса-ю, сен бўлсанг
хеч қайси фани ўзлаштирмай туриб, түққизинчига ўтмоқчи бўлибсан-да... Институтга киришингда отанг имтиҳон топширар экан-да!.. Мана, қўлимда ўқиши давом эттироқчи бўлган ўртоғингизнинг ажнабий тилда ёзгани аризаси. Сизин шу билан таништироқчи эдим.

Синф раҳбаримиз бир чеккада тортинганча турарди.
Ахир у Одилпинг отаси раис бўлганлиги учунгина уни «сийлаб» юборганди-да.

Директор сўзларни таржима қилгунича терга ботиб
кетди ва ниҳоят, «тарихий ҳужжат»ни тиклай олди.
Унда шу сўзлар битилгай эди:

«Тошкент область, фалон район,
фалон мактаб директорига
саккизинч синф битирувчиси
Қодирп Одилдан

АРИЗА

Ман шу йил, яъни 1985—86 ўқув йилида 8 синфи
таммузиман. Ман унинчи синифни бутириб, қишлоқ ху-
жалиги институтига кирмақчиман. Шунинг сабабда
мани ҳужжатларимми ўқиши давом итириш учин қол-
дирсагиз...

ҚОДИРП.

Синф раҳбаримиз директор олдида изза бўлиб қол-
ди. Директор унга ғалати қараш қилди-да, деди:

— Сиз билан алоҳида гаплашамиз!

Директор чиқиб кетди. Ўқитувчимиз уининг орқаси
дан қушдай учиб чиқди. Мактаб коридорида уининг ово-
зи баралла эшитиларди:

— Ўтоқ директор, Собир Абдуғаниевич! Айб мен-
да эмас-ку...



ҲИҚОЯЛАР

ИНШО

— Комил, менга ишо ёзишимда ёрдам бергин. Үзим ҳеч ёза олмаянман. Эртага биринчи соатда Роза Каримовна сўраб қолади,— деди Дилфуз танаффусда.

— Ҳа, майли, мендан нима кетди,— Комил сифодошига ишо ёзиш йўлларини тушунтира бошлади.— Аввал ўрта ҳисобда уч нунктдан иборат план тузиб оласан. Кейин бирорта шоирнинг шу темага оид бир шеъридан эпиграф ташласанг, яна ҳам яхши бўлади. Сўнгра қиши фаслиниң тасвири келтирилади. Дов-дараҳтларниң ҳолати, қушлар қаерларга учиб кетишганлари ва бошқаларни чиройли қилиб ёзасай. Тушунарлимис?

— Ҳа, тушунарли. Раҳмат сенга. Уйга борибоқ ёзишга киришаман.

Дарсга қўнгироқ чалиниб, ўқувчилар жой-жойла-рига ўтиришди. Муаллим дарсни бошлаши биланоқ, Алиниң шивирлаган овози эшитилди:

— Комил, опа тилидан айтган ишони ёзиб бер. Ма, қоғоз,— деди Али бир вароқ қоғозни буклаб-бувлаб иккичи звенонинг биринчи партасида ўтирган Комилга отаркан.

— Ҳали, танаффусда,— деди Комил ўзини зўрға бо-
сиб.

Ўқитувчи буни пайқаб қолди:

— Нима гап, Қурбонов?

— Йўқ, ҳеч гап эмас,— деди Али бошини қути со-
либ.

Муаллим бу ҳақда бошқа гапирмади.

Дарс тугагач, Али Комилнинг олдига юргилаб
келди.

— Комил, ҳали нега иншо ёзиб бермадинг?— деди
у нафасини ростлаёлмай.

— Уйга берилган вазифани дарсда ёзадими? Эсинг
борми ўзи? Бундай пайтларда дарсни тушунмай қолиш
ҳеч гап эмас.

— Майли, ҳозир ёзиб берақол.— Қурбонов ручка
билан қофозни синфдошининг қўлига тутқазди.

Комил қофозни нари сурди:

— Мен сенга ёзиб берадиган аҳмоқлардан эмасман.
Хоҳласанг тушунтириб беришим мумкин.

— Дилфузага ёзиб берган ким?

— Мен унга ёзиб берганим йўқ, тушунтириб бердим
холос.

— Менга тушунтириб беришнинг кераги йўқ. Ёзиб
берасан дедимми, ёзиб берасан. Синф раҳбаримиз:
«Бир-бирингизга ёрдам беринглар», деган эди-ку.

— Сен тушунмабсан, оғайни. Мен сенга ёзиб бери-
шимнинг нима кераги бор? Мен сенга ёзиб берайин-у,
сен эса баҳони олиб ўтиравергин, шундайми? Йўқ,
оғайни, чучварани хом санабсан. Бунақада сен текин-
хўр бўлиб қоласан.

— Ҳа, майли, сен менинг дўстим эмас экансан.
«Дўст бошига кулфат тушганда билинади», деган гап
бор. Сен эса...

Алининг қўлтиғидан тарвузи тушиб, коридорга чи-
қиб кетди.

Эртасига шу, яъни 5-«Б» синфда она тили дарси
бошланди. Ўқитувчи Роза Каримовна болаларга шун-
дай деди:

— Мен сизларга ўтган дарсда «қиши ҳақида иншо
ёзиб келинглар»,— деган эдим. Ёзиб келдингларми?

— Ҳа,— дейишиди болалар барварига.

— Жуда яхши. Қани, Низомов, ёзиб келган ин-
шоинги ўқиб бер-чи?

Комил Низомов ўрнидан туриб, иншосини ўқиб бер-

ди. Комил синфдаги энг илғор ўқувчи. Деярли барча фанлардан аъло баҳо олиб ўқийди. У иншони қисқа ва маъноли қилиб, «б» га лойиқ ёзган эди. Фақатгина охирги жумлани ғализоқ тузганлиги учун сал адашиб қолди. Шунда орқа тарафдан «пиқ» этиб кулган овоз эшитилди. Ҳамма ўқувчилар ўша томонга бурилишди. Бу — сизларга таниш бўлган Али эди. Унинг одати шунақа. Бўлар-бўлмасга болаларни эрмаклаб, кулгани кулган.

Роза Каримовна Комилнинг иншосини эшитиб, синф журналига «б» қўйди. Сўнгра Алини турғазиб, ёзиб келган иншосини ўқиб беришини сўради. Али худди елкасидан оғир юқ босиб тургандай зўрға ўрнидан турди. У иншони тутилиб-тутилиб аранг ўқиди. Иншочала ва мазмунсиз ёзилган эди.

— Утир,— деди ўқитувчи ва унга «2» қўйди.

Али уялганидан партанинг тагига кириб кетай деди.

Роза Каримовна Алига насиҳат қилмади, уни сўкмади. Фақат маъноли қилиб: «Аввал ўзингга боқ, сўнг ноғора қоқ», дегандай қараб қўйди.

ТАШВИШЛИ ҚЕЧА

Мен аслида кантар боқишига қизиққан эдим. Лекин бунга дадамни кўндиrolмадим.

— Яххиси товуқ олиб бера қолай,— деди дадам.— Каптардан кўра товуқнинг фойдаси кўп бўлади.

Ўйлаб қарасам, дадам ҳақ. Рози бўлдим. Магазиндан бир ўрам симтўр олиб келиб, қўшнимиз дурадгор уста Бегижон акани чақирдик-да, ҳовлимиз этагига товуқхона қуришни бошлаб юбордик.

— Бу ерга юздан ортиқ товуқ сиғади,— деди уста асбобларипи йиғиштириб сумкасига соларкан.

Якшанба куни дадам билан бозордан йиғирмата макиён ва бешта хўрор олиб келдик. Ўрганиб олгунча уларни ташқарига чиқармадим. Кейинчалик ҳовлимиздаги беда экилган жойга қўйиб юборадиган бўлдим. Мактабдан келибоқ, товуқларга дон, сув бераман. Дадам эса ҳар бозор куни беш-ўнтадан товуқ олиб келадиган бўлди. Курки бўлган товуқларга тухум бостириб, жўжа очирадик. Икки йил ичида товуқларимиз сони юз элликтага етди. Ҳар куни товуқхонага кириб, тухум олиб чиқаман. Тухум гўштдан ҳам фойдалироқ бўлганлиги учун укаларим тухум ейишни канда қи-

лишмас, ўзимиздан ортганини сотардик. Уйимизда гўшт тугаб қолса, хўрзларнинг семизроғини сўйиб, шўрва пиширардик.

Товуқ — етти хазинанинг бири эканлигини ўз кўзим билан кўриб турибман.

Бир куни товуқларн санасам, битта кам чиқди. «Адашиб қолдим шекилли», деб қайта санадим. Бари бир битта кам. Ҳеч ердан топилмади. Эртасига яна бири ғойиб бўлди. Бундан хабар топган дадам таажжубланиб:

— Товуқларимиз қаёққа йўқолаялти экан, ҳайронман,— деди.

«Товуқларим қўшиларникига девор ошиб ўтиб кетмаяптими кан», деб ён деворли қўшиларникига чиқиб суриштирдим. Уларнинг қаерга ғойиб бўлганини ўйлаб, ўймининг охирига етолмасдим.

Бир куни уйда ухлаб ётсам, Акмал мени уйготиб қолди:

— Ака, туриңг тезроқ. Ҳозир битта сариқ ит товуғимизга яқинлашашяпти. Бўсез-чи, ака!

Мен тезда шим-кўйлагимни кийиб, ташқарига отилдим. Чиқсам, уйимизнинг ён томонидаги пол ости шамоллатиш учун қўйилган туйнукдан кириб кетаётган тулки боласиниг думидан таниб қолдим. Мен вақтни фанимат билиб, уйимизнинг ён ва орқа томонидаги барча туйнукларни гувала билан беркитиб чиқдим.

Ойим, дадам ишга, синглим Гулнора эса Акмални боғчага олиб кетди. Ўқишидан ёзги таътил берганлиги учун мени уйда ёлғиз қолдим. Товуқхонанинг атрофии зимдан кузатдим. Товуқхона томига вақтинчалик ёпилган тунукалардан бири қаттиқ шамолда нариги томонга сурилиб, анча жой очилиб қолган экан.

— Ҳа-а, шу ердан ўғирлаётган экан-да. Акмал қўқис ҳовлига чиқиб қолганлиги учун тулки товуқ ўғирлашга улгуролмай туйиукка кириб кетди. Ҳамма ухлайяпти деб ўғриликка эрталаб келаркан-да. Ҳа муғомбир-э. Чучварани ҳом санабсан, Тулковой. Сени боплаб таъзирингни берайки, ўзинг ҳам қойил бўлгин.

Шоти қўйиб, товуқхона томига чиққач, тунукани жоийга сурдим-да, устига уч-тўрт ғишт бостириб қўйдим. «Тулкини ўлдириш керак» ўйладим ўзимча...

Омборхонадан сирти резина билан қопланган узун электр сим топиб, унинг бир учига вилка ўрнатдим. Симнинг иккинчи учидан беш сантиметр узунликдаги

резинасини қирқиб олиб ташлаб, чамбарак ясадим-да, айвонимиздаги газ-ўчоқнинг орқа томонига ташлаб қўйдим. Сўнг ҳовлига чиқиб кекса ўрикнинг соясига солинган тўшакка чўзилдим.

Тун. Ҳамма қаттиқ уйқуда. Фақат уйда мен уйғоқман холос. Қийиниб, айвонга чиқдим. Овоз чиқармаслик учун Гулноранинг слансисини кийдим. Пайпасланиб, юриб, айвонга чироқни ёқдим-да, ён-веримга қўрқув аралаш қараб қўйдим. Секингина бориб, газ-ўчоқнинг орқасидаги симни олдим-да, аста зинапоядан тушдим. Ҳаво очиқ. Осмонда саримсоқ пиёзнинг арчилган бир бўлагига ўхшаш ой билан милтиллаб турган юлдузлар кўринарди. Майин шабада эсмоқда. Жимликини фақатгина товуқларнинг қа-қафлаши-ю, чигирткаларнинг чириллашибигина бузарди.

Тулки кириб кетган туйнукдаги гувалани олиб, симнинг яланғоч учларини худди шиллиқуртнинг шохлари га ўхшатиб икки томонга кердим-да, туйнук оғзига тиқиб қўйдим. Иккинчи учига ўрнатилган вилкани эса, айвон ичидаги штепселлга суқиб қўйдим. Чироқни ўчириб, уйга кирдим. Жойимнинг қаердалигини билмай Акмалнинг оёғини эзib олсан бўладими? Укам бақириб юборди. Мен қўрқиб кетганимдан кўрпамга ўраниб олиб, бир неча дақиқа нафас олмай турдим. У бир оз ингради-да, сўнг жимиб қолди. Кўрпадан бошимни чиқариб, уйга чўмиб кетдим: «Тузоқдан сал ташвишланаյман-да. Яна биронтаси эшикка чиқса ток уриб юбормасин. Кейин «Буни ким қўйди», деса нима дейман? Ишқилиб бирор кор-ҳол юз бермасин-да. Барibir муттаҳам тулкини ушлаш керак». Мен яна анча вақтгача уйғоқ ётдим.

Бирдан ташқарида тақира-туқур овоз эшитилиб қолди. Чиққани эриндим. Борган сари тўполон авжга чиқиб, товуқларнинг овозлари баралла эшитилар эди. Ҳовлига чиқсам, уйимизга тулкилар тўлиб кетганимиш. Ҳар бири биттадан товуғимизни паққос тушираётган эди. Товуқ патлари эса ҳар тарафга сочилиб кетган.

— Товуқларни битта қўймай енглар. Бугун катта базм бўлади,— буйруқ берди, пешонаси оқ қашқа тулки товуқ гўштини чайнаб туриб.

Аксига олиб уйимизда ҳеч ким йўқмиш. Қўшниларни чақирай десам овозим чиқмайди. Нима қилишимни билмай, дир-дир титраб турганимда, ўлганнинг устига тепгандай ўнтача тулки тишларини гижирлатиб, менга

яқинлаша бошлади. Уларнинг энг каттаси сўлагини оқизганича, тишларини кўрсатиб деди:

— Ҳозир сенга тулки боласига тузоқ қўйиш қандоқ бўлишини кўрсатиб қўяман! Сени мана шу ўткир тишларим билан тилка-пора қилиб ташлайман!

Тулки энди менга ташланаман деб турганида уйғиб кетдим. Тоиг отиб қолай дебди. Айвонга чиқиб, қарасам, штепселе га вилкани қандай суқиб қўйган бўлсам, шундайлигнча турибди. Шошиб вилкани суурдимда, туйнукдаги учи очиқ симни олиб ташлаб, ичкарига мўраладим. Зим-зиё. Фақатгина бир томондан сал ёруғлик тушиб турибди. Ҳайрон бўлиб, дарча орқали қўшни томонга ўтдим. Қай кўзим билан қарайки, туйнукларнинг бирини гуваласи икки-уч бўлинниб, ерда ётибди. Мен хайратдан ёқамни ушлаб, туйнукка тикилганимча ўй сурисиб қолдим. Ҳайрият, ўлмабди. Мен бўлсам очиқ туйнукдан чиқаман деганда симга тегиб, тил тортмай ўлади дегандим. Сезгиригини қаранг, токка яқин йўламабди ҳам. Ёпирај. Тиқилган гувалани сурисиб, тешиб бу туйнукдан қочиб кетиши хаёлимда ҳам йўқ эди. Нима бўлса ҳам айёр-да. Анча жойгача қон томчилаганига қараганда тумшуғи ҳам қонағанга ўхшайди.

Мен буни тезда уйдагиларга етказдим. Зум ўтмай бу воқеа бутун маҳаллага ёйилиб кетди. Қандай қилиб дейсизми? Ойим айтганлар-да. Аёлларни биласизку. Қўни-қўшниларга мақтангиси келаверади.

Иллар ўтди. Лекин тулки биз томонларга бирон марта ҳам келмади. Биз тулкидан бутунлай қутулган эдик.

СИРЛИ ЁСТИҚ

— Тезроқ бўлинглар болалар. Кеч қоламиз. Эртароқ етиб боришимиз керак.— Бу ўқитувчи Одил aka Каримовнинг овози эди.

Шаҳардан ёрдамга келган ўқувчилар қишлоқдаги мактаб биносидан чиқишиб, ўқитувчилари билан дала-га пиёда йўл олиши.

Улар катта йўлнинг икки томонига эгилган тут дарахтларининг тўкилган заъфарон баргларини эзиб борар эдилар.

Ниҳоят далага ҳам етиб келишди. Пахтазорга на-зар ташлагандаги, узоқдан бошидаги этакларини ушла-

ганларича шийпонга яқинлашиб келаётган бир қанча колхозчиларни күриш мумкин. Шийпондан чиқиб келаётган бригадир ўқувчиларни илиқ кутиб олди:

— Келинглар, яхши дам олиб келаясизларми?

— Ҳа, энди келаяпмиз-да, Гаффор ака,—деди ўқитувчи бригадир билан күришар экан.

Гаффор ака болаларга уқтира бошлади:

— Қапи, энди ҳар бирингиз биттадан эгатга тушиб олиб, ишга киришинглар. Пахта чаноғида қолмасин. Шунда терган пахтангиз баракали бўлади.

Ўқувчилар, худди ширага ёпишган чумолилардай, этакларини бўйнига осганларича пахтазорга шўнғиб кетишиди.

Тушга яқин пахталарини орқалаган болалар шийпон томонга дарёдай оқиб кела бошладилар. Улар пахталарини тортириб бўлишгач, косаларини кўтариб қозоп-ӯзоқ ёнига келишди. Ошпаз болаларнинг идишига бир чўмичдан овқат қуийиб берар, болалар эса унга хўмрайиб қўйишар эди-ю, лекин индамай жўнаб қолишар эди.

Чордана қуриб ўтирган Бахтиёр овқатдан нолиб деди:

— Шу ҳам овқат бўлдими? Қуруқ сувга уч-тўртта макарон, бир-инкита картошка солиб қўйган, холос. Гўшти эса йўқ ҳисоби. Ҳар куни икки маҳал шунаقا овқат. Яна овқатга деб кунига бир сўмдан ушлаб қолишади. Ўқитувчилар эса иссиққина хонада ҳар куни қўй ёғи, қўй гўштида девзира гуручли ош ейишади.

— Секипроқ, ўқитувчилар эшитиб қолади. Тўғри айтаяпсан-у, лекин на чора,— деди Муҳиддин овқатни шонириб ичаётib.

Тушлик тугагач, болалар яна пахта теришга кетнинди. Ўқувчилар кечгача пахта теришиб, уларни кўтарганиларича турнақатор бўлишиб, шийпонга келишди. Бу ерда иш берган сайин қизиб, қўл-қўлга тегмас эди. Колхозчилардан бирни пахталарни прицепга ортаётган бўлса, иккичиси эса этакларни бўшатиб, уларни эгаларига қайтариб бермоқда. Яна бири эса тоғдай уюлиб ётган хирмонни бешлик билан уёқ-буёгини тўғрилаляпти.

Назира пахталарни тортаётган табелчидан илтимос қилди:

— Ака, менга икки қило қўшиб қўйинг. Эртага териб бераман. Бугун дугонам билан мусобақа ўйна-

ётган эдим. У қирқ бир кило, мен эса ўттиз түккіз кило тердім.

— Синглім, ҳозирғи давр бошқача. Унақанги құшиб ёзишлар йўқолиб кетган,— деди табелчи атроф-дагиларга бир-бир қараб құяркан.

Шу пайт тепаси очиқ машина шийпонга келиб тұхтади. Бири этақни белига маңжам боғлаб, яна бири уни елкасига ташлаб олган ўқувчилар югуриб бориб, машинага чиқиб олишди. Улар күз очиб-юмгунча ётоқхонага етиб келишди.

Болалар овқатланыётганларида Одил ақа уларға леди:

— Тезроқ бўлинглар. Ҳозир мажлис бўлади.

Ўқувчилар қатор бўлишиб, тўғри тўртбурчак шаклда туришди. Ўқитувчилар ҳам шу ерда. Қаторнинг бошнда турған мактаб директори Үмаров гап бошлади:

— Ҳурматли, ўқувчилар! Ҳозир ўн кунлик ҳисоботни эшитасиз.

Пахта штабининг бошлиғи Неъматжон Ҳакимов учта саккизинчи ва учта түккізинчи синфлар ўн кун мобайнида қанча пахта терғанликларини ўқиди. Илгор синфларниң ўқитувчилариға миннатдорчилик билдирилди.

Директор савол-жавобни давом эттиреди:

— Хўш, қайси синф энг оз пахта терибди?

— 8-«В» синф.

— Синф раҳбари ким?

— Шодмонбек Режапов.

— Ӯша синф колонна бўлиб, унинг бошига синф раҳбари турсин. Энди Шодмонбек, синфингиэ билан даврани уч марта айланиб чиқинг. Ҳамма беш марта-дан «уят» дейишин.

Шодмонбек Режапов бошини қуи солиб даврани айлана бошлади. Унинг ажин босган юzlари чўғдай қизиб, бошини кўтаришига ёқ болалар унга масхаромуз кулиб қўйишгандай туулар эди. Айрим ўқувчилар «уят» деяверишиб, одамнинг қулоқ-миясини еб ташлашди. Баъзи ўқувчилар орасида шивир-шивир бошланди:

— Вой, Сора неча йилдан бери битта мактабда ишләётган ўқитувчини ҳурматсизлаш одобдан эмасда-а?

— Нимасини айтасиз, дугонажон? Обрўсини тутдай тўқди-я.

— Бундай директорнинг адабини бериб қўйиш керак,— деди Муҳаббат.

Назира ҳам суҳбатга аралашди:

— Шунча болалар ичидан шарманда-ю, шармисор бўлди, бечора.

Саккизинчи синфлар даврани айланадиганларида тўққизинчи синфлар худди тоғни талқон қилиб ташла-гандай мағур турешар эди.

Йиғилиш тугагач, ўқувчилар ўз хоналарига кириб кетишиди.

Режапов энди қайси юзи билан ўқувчиларга дарс беради? Эпди ким уни ҳурмат қилади? Директор ўқи-түвчи билан алоҳида гаплашса ҳам бўлар эди-ку. Ар-зимаган нарса деб Шодмонбек Режаповнинг ўттиз ик-ки йилги меҳнати зое кетди. Обрў-эътиборни қайтадан тиклаш мушкулдир. Лекин ўртоқ Умаров буларни хаёлига келтирмаган, келтиришни ҳам хоҳламайди.

Орадан уч кун ўтгач, болалар иш ҳақларини олишиди. Эртасига 8-«А» синф ётоқхонасида қизиқ бир воқеа рўй берди.

Эрталаб турган Илҳомжон чўнтагини қарасаки пули йўқ. Ҳеч хавотирланмай бошқа киссаларини ҳам кўриб чиққаёт, деди:

— Ие, болалар, менинг беш сўмим йўқолиб қолибди. Ким олган экан-а!

— Менинг эса саккиз сўмим йўқ. Кечагина чўпта-гимда эди,— деб қолди Муҳиддин ҳаяжонланиб.

Бир пайт Бахтиёрнинг фўнғиллаган овози эшитилди:

— Вой, ўн сўмим йўқолиб қолибди.

Болалар пул қўйган жойларини қарай бошлишиди.

— Хайрият, пулим жойида экан,— деди кимдир.

Синфда тўс-тўполон бўлиб, болалар, бир-бирларидан тўнкаб кетишиди. Бирдан муштлашишга ўтишиди. Шунда улар бир чеккада илжайиб турган Алишерга;

— Пулларни сен олгансан, куляяпсан-ку,— дейишиб, ёппасига унга ташланишиди. Ҳаммаёни фурра бўлиб кетган Алишер, улардан аранг қутилиб, жуфтакни ростлаб қолди. Бахтиёр билан Муҳиддин қўлларига бири стул, бири чамадон олиб, эшик ёнида турешди. Улар Алишернинг киришини пойлашмоқда.

Бирдан эшик очилиб, шовқин-сурондан хавотирланга ўқигувчи кирди. Муҳиддан билан Бахтиёр қўлидағи нарсалари билан Одил аканинг бошига уриб юбо-ришларига сал қолди.

Муаллимнинг ғазабидан иккала боланинг тили **ка-**
лимага келмай қолди:

— Ҳа-ҳалиги, А-Алишер нарсаларимизни ўғирлаб-**б**
қўйди.

— Нима, нима гап ўзи?

— Домла, ҳалиги-чи, кечаги пулларимизни биттаси
ўғирлаб қўйибди. Шумхабарни эшишган муаллим **ган-**
гиб қолди:

— Ким? Қачон? Нима учун? Тушунтиранглар-чи,
ахир.

— Биз билмасак ким ўғирлаганини.

— Нега билмайсизлар?! Пул қўйган жойларингизни
тузукроқ текшириб чиқинглар. Бундай бўлиши мумкин
эмас. Ҳеч ақл бовар қилмайди бунга. Қечқурун **жин-**
пин олиб чиқиб кетмагандир-у. Энди битта балодан
қутулдим дегунча, иккинчисига йўлиқасан-а? Тавба?!

На пулдан, на ўғридан нишон бор. Маҳмудни **қо-**
ровулликка ҳам қўйиб кўришди. Лекин ундан ҳам иш
чиқмади. Ҳар куни болаларнинг бирорта нарсаси йў-
қолмасдан қолмасди.

Кунларнинг бирида болалар эрталаб қарашса, **Ко-**
зимнинг қўл-офизлари сиёҳ эди.

— Козим, нега қўл-офизларинг сиёҳ? Ёки кечқурун
қорнинг очиб қолиб сиёҳ ичдингми-а?— деди Бахтиёр
ҳазиллашиб.

Болалар «гурр» этиб кулиб юборишли.

— Ие, қаерим сиёҳ бўлиби?— деди Козим билаги
билан лабини артиб.

Бу гапдан сергакланиб қолган Алишер чамадонини
кўрсаки, қофозга ўралган конфет оз қолибди. У ўртага
чиқиб суюна-суюна гапира кетди:

— Болалар, мен кеча бир ҳовуч қандга сиёҳ қуийиб,
чамадонимга солдим-да, атайлаб берқитмаган эдим. **Ко-**
зим чамадопими титиб, қандга сиёҳ тўкилганини **биль-**
май еяверган.

Козим қўрққанидан дир-дир титрай бошлади:

— Алишер, нима деяпсан? Мен сенга ўхшаган очкӯз
эмасман.

— Мен тўғри сўзман. Бекорга хафа бўласан. Илҳом
ўқитувчимизни чақир.

Зум ўтмай, хонага Одил ака кириб келди. У бола-
ларнинг қуршовида қолган Козимни кўриб ёқа ушлади:

— Ко-о-зим? Шундай қилиб сендан чиқдими? Дўст-

ләрингнинг нарсаларини ўғирлашга қандай қўлинг борди?

— Мен ўғирлаганим йўқ, домла.

Муҳиддин Козимнинг гапига қарши чиқди:

— У тоняпти. Пулларни шу ўғирлаган. Бу олдинлари ҳам майдада-чуйда нарсаларни ўғирлаб юрган.

Синф раҳбари Козимнинг тугунлари, чўнтакларини ва тўшакларининг остларини қараб, ҳеч нарса топа олмади.

Алишер кўзи бирдан Козимнинг қора ип билан тикилган ёстиғига тушди. Буни дарҳол муаллимга билдириди.

— Жинни-пинни бўлиб қолдингми? У ерда ҳеч нарса йўқ.

Козим шундай деб йиғма каравоти томон ўқдай отилди-ю, лекин ёнидаги синфдошлари унинг икки қўлидан маҳкам ушлаб қолишиди.

— Болишнинг ичидаги йўқолган нарсалар нима қиласди?— У олдинга қараб талпинди.

Одил ака ёстиқнинг ипини сўкиб, кўрганида, пахтанинг орасидан ручка, тароқ, пул ва бошқа нарсалар топилди.

Болалар ҳайрон қолишиб, гапга тушиб кетишиди.

— Оббо, шоввоз, нарсаларни ҳеч ким билмайдиган жойга беркитиби-я? Қойил.

— Бундан келажакда тадбиркор катта ўғри чиқиши мумкин. Фақатгина қоронғида кўрмай қолиб, қора ипда тикиб қўйибди-да. Хатоси шу.

— Бу нима?!— деди Каримов тишини ғижирлатиб.

Козим ҳеч нарсадаи хабари йўқ одамдай, ўзини билмасликка солди:

— Йўқ, йўқ, туҳмат қилишаяпти. Уларни болишимни орасига Алишер қўйган. Ҳа, ўша!

— Ўзингни гўлликка солма,— деди Одил ака жиддий.

— Тўғри, мен ўғирланганман. Кечиринглар, мени, иккинчи ўғрилик қилмайман.

Ўқитуви ўғирланган нарсаларни эгаларига топширгач, деди:

— Йўқ, кечирмаймиз. Сендан бундай ваъдаларни кўп эшигтанмиз. «Ит-итлигини қиласди» деган гап бор.

Бир күнмас бир кун шу ҳунарингни яна ишга соласаң.
Одил ака ўқувчиларга қараб шундай деди:
—Козимга қандай чора кўриш эртага маълум бў-
лади.

АБДУЛЛА РУЗИЕВ

МЕҲНАТСЕВАР ДОНО ҚИЗ

(Эртак)

Бир бор экан, бир йўқ экан, қадим замонда бир чол билан уч қизалоқ бўлган экан. Чол наматфурӯш экан. Намат тўқишида унинг олдига тушадигани йўқ экан. Узоқ мамлакатлардан одамлар келиб, унинг наматларини сотиб олиб кетар эканлар. Ўз юртида ҳамма унинг меҳнатини қадрлаб, ҳурмат қилишар экан.

Ёшини яшаб, ошини ошаб кампир ишлаб, уч қизи чолнинг қўлида қолибди. Тўнғич қизи ишёқмас, мақтанчоқ, ўртанинг пардоз-андозга ўч, томоша деса ўзини томдан ташлайдиган экан. Кенжатоий эса камтар, камсуқум, содда, меҳнатсевар ва чевар бўлган экан.

Кунлардан бир кун чол ўрнидан туриб дарвозаси олдига чиқса, ҳамма ерга сув сепиб сунурилган, ёғ томса ялагудек озода эмиш. Чол бу ҳолни кўриб ҳайрон қолибди. Буни ким қилганини ўйлаб-ўйлаб, тагига етолмабди. Шунда кичкина қизининг қудуқдан сув тортаётганини кўрибди. Кун ёришгач, дарвозаси зулфини кимдир қоқибди! Чол чиқиб қараса, дастурхон кўтарганикки аёл турганмиш. «Уйга киринглар»,— дебди чол. Кенжатоий қиз меҳмонларга кўрпача ёзибди. Югуриб нон-чой келтириб, дастурхонини безатибди.

Кампирлар қизнинг ортидан қараб маҳлиё бўлибдилар. Улар чойни ичишгач, мақсадга ўтишибди! «Бизлар совчилармиз».

Чол ўйланиб туриб: «Бўлмиш қуёв боламиз нима иш қиласидилар»,— дея сўрабди.

«Қуёв— деҳқон, уруғ экиб, ҳосил олади»— жавоб бериди совчилар. Чол катта қизини тўй-тomoша қилиб турмушга бериб юборибди. Ўртanca қизига созандадан совчи келибди. Чолга у ҳам маъқул тушибди. Ўртanca қизини ҳам эрга бериб юборибди.

Алқисса, кенжа қизи қолибди. Кенжасига кўп жой-

дан совчилар келаверибди. Чол ҳунари бўлмаган йигитга қизини бермаслигини айтиб, уларни қайтараверибди. Бир пайт бир косиб йигитдан совчи келибди.

«**Қизимга мос ковуш тикиб келсин**»,— дебди чол. Совчилар ҳунарли йигитга чол гапини айтишибди. Йигит бўлмиш қаллиғига ковуш тикишга киришибди ва уни жуда ҳам чиройли қилиб тикибди. Совчилар сарполярга қўшиб ковушни ҳам олиб келибдилар. Қиз ковушини кийиб кўрса, оёғига қуийиб қўйгандек мос келибди.

Ковуш жуда бежирим, кўркам эканки, қараган сари кишининг кўргиси келар экан. Чунки косиб йигит ковушга ўз севги ва меҳрини қўшиб тиккан экан-да. Чол энг кенжা қизини ҳам касби-кори бор йигитга тўй-томоша қилиб берганидан беҳад хурсанд бўлибди. Айниқса кенжা қизининг одоблилиги уни хурсанд қилган экан. Агар шу қизи ҳовли ва кўчаларни супуриб турмаганида, опалари ҳам уйда қари қиз бўлиб қолардиларда. Бу қиз меҳнатсевар экан. Бу эса уч қизга ҳам баҳтсаодат келтирибди.

Ҳунарли, меҳнатсевар киши ҳар ерда эъзозда, у ҳеч қачон хор бўлмас деб, шунга айтадилар-да. Чол ҳам қизлари баҳтли бўлганидан боши осмонга етиб, ўз ёшини яшаб, ошини ошаб, роҳат-фароғатда давр сураверибди.



ОРИФ ТУХТАШЕВ

Сиэга тақдим этаётган бу шеърларни 6-сinf ўқувчиси ёзған. Бу шеърлар ҳали катта шеърият талаби даражасыда бўлмаса-да, Ориф жондаги ўйноқи ва қувноқ шеърлар ёзишга интилиш, янги бирор гап айтиш орзуси бизни қувонтиради. Ёш шоирнинг келажаги олдинда. У ҳали кўп ўқийди, ўрганади ва янги янги мавзуларда шеърлар ёзди деб умид қиласми. Биз Ориф Тўхташев шеърларидан баъзи намуналарни дечарли таҳрирсиз чоп этар эканмиз, талантли ёш шоирга янги-янги ижодий парвозлар тилаб қоламиз.

БУРИНИНГ ТУГИЛГАН КУНИ

Бугун бўрининг
Тугилгани куни.
Барча ҳайвоилар
Табриклар уни.
Ана келяпти
Улоқ, қўзичоқ.
Бўри қувоишиб,
Тайёрлар пичноқ.
Яна келмоқда
Кичик олмахон.
Эргашиб келар
У билан Қуён.
Бўри-бўри-да,
Шодланиб кетди.
Темкў қафасга
У таклиф этди.

ФИЛ

«Зоопарк»да Одил
Кўрди кучли фил.
Ҳайбати катта,
Кўп яшаш бахт-да
Узун хартуми,
Лек кичик думи!
Ранги қордай оқ,
Инсонга ўртоқ.
Билсак ўша фил
Юзга кирибди.
Бир аср яшаб,
Бардам юрибди.

ЧУМОЛИ

Донни ташир
Чумоли,
Ҳориб — толиб.
Чумчук эса
Еб қўйди
Илиб олиб.

ТУТ ДЕЙДИ!

— Япрогимни қурт ейди,
 Ҳосилимни юрт ейди.
 Шамол йўлин тўсаман,
 Ишлов берсанг ўсаман.

ТЕРАК ДЕЙДИ:

— Теракман, тик,
 теракман,
 Қурилишга керакман.
 Узим бўйдор сергакман,
 Осмонга ҳам тиргакман.

АРЧА ДЕЙДИ:

— Мени дерлар кўк арча,
 Уйга келтириб барча
 Меҳмон этар янги йил,
 Янги йилни байрам қил.

ШАМОЛ, ДАМ ОЛ

«Ув-ув»лайсан,
 «Ув»лайсан.
 Чанг-ғуборни
 Қувлайсан.
 Тиним билмайсан,
 Шамол.
 Энди озгина
 Дам ол.

ҲАЙВОНЛАР ОРЗУСИ

Бўри:
 — Мени е, дея ўзи,
 Қелса ёнимга қўзи.

Тулки:
 — Бўлса бўронли совуқ,
 Есам хўроз ва товуқ.

Ит:

— Менга гўшт, суяк берса
 Тўйгунча еаверсам.

Айиқ:

— Сира бўлмасам касал,
 Есам тўйгунча асал.

Сигир:

— Соғмаса-да ҳеч кимса,
 Сутимни болам эмса.

Мушук:

— Мен жойимдан турмасам,
 Сичқон излаб юрмасам.

Сичқон:

— Мушук пойлар эрта-кеч,
 Мен индан чиқолмам ҳеч,

Қўй-қўзи:

— Бўри зотин кўрмасак,
 Ғам-ғуссада юрмасак.

От:

— Майли мени минишсин
 Ем ейишим билишсин.

ТУШ

Дорбозлардай
 Тортиб сим,
 Аста-аста
 Юриб мен,
 Кўлга олдим
 Таёқни.
 Симга қўйдим
 Оёқни.
 Юриб аста
 Аста мен,
 Бир қарасам
 Пастда мен.
 Анча қочибди
 Ҳушим.
 Қўзим очсам бу —
 Тушим.

ҚИЗИҚ ҮЙИН

Ботир, Нодир ва Башар
Бекинмачоқ ўйнашар.
Учаласи уч ерга
Яшириниб олади.
Уларни топадиган,
Айтинг-чи, ким қолади?

ОНА ТИЛИ ДАРСИДА

Муаллим:
«Даданг бугун тўп,
Олиб берди сенга».
Гапининг эгасин
Топиб бер менга?

Ўқувчи:
Акамлар олиб
Қўймаса мендан,
Тўпнинг эгаси
Менман-да, менман.

ТОЛИБ ДАНГАСА

Ўртоқ Толиб
«Икки» олиб,
Қовоқ солиб
Юрап доим.

Ўйнайди тўп,
Даигаса хўп,
Қилмайди иш,
Қорайган тиш.
Кирдир боши,

Ўнда, ёши,
Ўзи билсин,
Ўзи қилсин.
Есин ошин,
Ювсин бошин,
Қилсии ишни.
Ювсии тишни.
Шунда Толиб,
Бўлар голиб.



БУ ҚИМ?

Қаравотда ётар у,
Хуррагини отар у,
Хурр, хурр, хурр.
Онаси келиб-чи, дер:
«Хой, ҳой ўғлим
Тур, тур, тур».

Тур деса ҳам турмайды,
Юр деса ҳам юрмайды.
Ухлайды, ҳуриллайды,
Семиз Дүнаншер.

ШАМНИ ӘҚИНГ...

Алишер, Зоҳид ва Нор
Кўрар эди телевизор,
Лип этиб ўчди чироқ,
Қоп-қороиғи ҳаммаёқ.

Шунда кичик Алишер
Акасига шундай дер:
—Тезроқ, ёқинглар-чи
шам,

Кўрамиз давомин ҳам.

ТОПИШМОҚЛАР

Тинмай ўқисанг агар,
Кўп нарсани ўргатар.
Билсанг, ука, ўйлаб топ,
—Билим кони у...

(китоб)

Эрта туриб дер қу-қу,
Қайси паррандадир у.
Буни тол-чи, ҳой Ўроз,
—Бунинг номи, ҳа...

(хўроz)

Кундуз нурин сочади,
Кечга бориб қочади...

(қуёш)

Қо-қоқ дер очса тухум,
Бу нима айт-чи, Муқум?..
(тovуқ)

Сояси йўқ, елар ғув-ғув,
Топингизлар, нимадир у?..
(шамол)

Осмонда ўнта юлдуз,
Энди қулоқ сол ҚҮНДУЗ.
Яширинди бештаси,
Айт-чи, қолди нечтаси?

Сенга еттиға ёнғоқ,
Менға бўлсин тўртта нок.
Қўшсак агар ҳаммасин.
Нечта жами айт НАСИМ?

ВАЛИЖОН

Кундаликни дам-бадам
Қўлға олса Валижон,
Ишонмас гоҳ ўзи ҳам,
Жилмайиб боқар шодон.
Ҳаммаси «беш»у
«беш»лар,
Битта дона тўрти йўқ.
Қўл қўйса, «зўр-ку
ишлар»,
Дер дадаси, кўнгли тўқ.
Аълочи ўғлим, дейди
Кундаликни варақлаб,
Ҳар бети-чи ойнадек
Тураг эди ярақлаб.
Расм, тарих, химия,
Физикадан беш яна,
Езувлар-чи, қандай соз,
Бари аниқ, худ ойна.
Намунали ҳулқи ҳам,
Нур устига аъло нур,
Валижондек бўлсан деб,
Ҳар бола қиласорзу!

ФИЗҚУЛЬТУРА ҚИЛАМИЗ

Соғлом, чаққон
Бўлай деб,
Ўсиб, кучга
Тўлай деб,
Сафимиздан
Қолмасдан,
Нафас олиб,
Толмасдан,
Тез ва соз
Югурмиз,

Барча-барча
Машқларии
Бажариб
Улгурамиз.
Оёқ учун,
Қўл учун,
Бир, икки, уч, тўрт...
Бош, бўйинга,
Бел учун
Бир, икки, уч, тўрт...
Эгиламиз,
Ёзиламиз,
Созланиб,
Тизиламиз.
Бир, икки, уч, тўрт...

БЕЛКУРАК

Олиб беринг, ойи,
Учта белкурак.
Укамга, акамга,
Менга ҳам керак.
Ерни юмшатиб,
Тортамиз ариқ,
Қулупнай экиб,
Тушмасдан совуқ.
Баҳор келганда
Ҳосилин еймиз,
Меҳнат меваси,
Эҳ, маза, деймиз.

ОНА МЕҲРИ

Она меҳри нимадир?
—Қуёшдан кенг маъноси.
Оlamга тенг номадир,
Аълоларнинг аълоси.
Фарзанд меҳри бир
булоқ,

Жүшқин ҳисдир,
наводир,
Қуёш нуридан порлоқ,
Она меҳри ҳаводир,
Юксак төглар күксидек
Баланд она тилаги,
Бор бўлсин деб келажак,
Уриб туарар юраги.
Она меҳри тугамас,

Буни яхши биламан.
Қалбимда орзу, ҳавас,
Ўсиб катта бўламан:
Минг раҳматлар
айтаман
Меҳри чашма онамга,
Она меҳри аслида
Сифмас экан оламга.

ОЛЧА

Қуёш нурин шимиб, қизариб,
Ҳовлимизда пишди олчалар.
Иссиқ нурдан қониб, бўзариб,
Товланади олча шунчалар.
Гоҳо шоҳи, гоҳ ёқут бўлиб
Ялтирайди ҳар бир донаси.
Шовул-шовул шоҳи эгилиб,
Гоҳо ерни ўпар танаси.
Баъзан бувим қулоқларида
Қўш зиракдек тақилар олча,
Олча менинг хаёлларимда
Ҳеч учолмай қолган минг шарча.
Ҳар кун боғда сайдер этганимда,
Минг хил турда жонланар олча,
Завқим келар ҳар ўтганимда,
Жилва билан ёнади бунча?
Қуёш нурин шимиб, қизариб
Ҳовлимизда пишди олчалар.
Иссиқ нурдан қониб, бўзариб,
Товланади олча шунчалар.

ҲАИИТБОЙ ЭРГАШЕВ

АЛИФБЕНИ ЭНДИ МЕН ҲЕЧ ҚИЙНАЛМАЙ ҮҚИЙМАН

А, а, а,—Али айтди Аббосга,
Б, б, б — Ботир борди беҳига.
В, в, в — Вали чиқиб вагонга,

Г, г, г — Гапирди Гуландомга,
Д, д, д — Дўст далага сепди дон.
Е, е, е — Етиб егин каптаржон,
Ё, ё, ё — Ёрқин томон ёлғиз бор,
Ж, ж, ж — Жип-жип жўжа жонивор,
З, з, з — Зийраккина Зағчаҳон,
И, и, и — Иккиси илдам, илдам,
Й, й, й — Йўлдан йўртиб кетишиди,
Қ, қ, қ — Ку-ку, ку-ку қўйлашиди.
Л, л, л — Лайлак келди лўқиллаб,
М, м, м — Маймун келди мункиллаб,
Н, н, н — Ноң олишиди новвойдан,
О, о, о — Ош олишиди ошпаздан,
П, п, п — Пулга печенье Поидан,
Р, р, р — Редискани Риштондан,
С, с, с — Сабзи сўраб Сабодан,
Т, т, т — Турп топишиди Турдидан,
Ү, у, у — Үмридан ун ундириб,
Ф, ф, ф — Фотимани қидириб,
Ҳ, ҳ, ҳ, — Ҳасаи, Ҳусан чопишиб,
Ҷ, ҷ, ҷ — Цирқдан Цойни толишиб,
Ч, ч, ч — Чори билан ичар чой,
Ш, ш, ш — Шакар қўшиб Шодивої,
Ҷъ — Айириб айт аълони,
Ҷъ — Юмшатиб ёз циркульи.




Ә ә, ә — Эргаш элтсин Эгамга,
Ю, ю, ю — Юсуф ювди юлдузни,
Я, я, я — Яйраб, яшнатди күзни.
Ү, ў, ў — Үтирдилар ўтлоққа,
Қ, қ, қ — Құзи қочди құмлоққа.
Ғ, ғ, ғ — Ғози, Ғойиб, Ғозини
Х, ҳ, ҳ — Ҳайда Ҳайвонот боққа
Ҳа, Ҳа, Ҳа — Шундай деб Алифбени
Али айтди Аббосга.

МУИДИН МАТҚАРИМОВ

СУВЛАР

Эй, сувлар, сувлар, сувлар,
Сизни ким қувлар, қувлар?
Тиним билмай оқасиз,
Гоҳ тўлиб, гоҳ шошасиз,
Қаёқларга шошасиз,
Давонлардан ошасиз?
Сув дер:
— Дала, даштларнинг,
Қақраб ётган чўлларнинг,
Мевазор боғ-роғларнинг
Сувга ташна ниҳолнинг
Дардига чин ошнаман,
Висолига ташнаман,
Шунинг учун шошаман,
Довонлардан ошаман.
Манзилимда қувончдан
Дарё бўлиб тошаман.
Эй сувлар, сувлар, сувлар,
Бизни ким қувлар, қувлар?..



ҚАНОТЛИ-ҚУ ТОВУҚЛАР

— Қанотли-қу товуқлар,
Нега учиб кетмайды.

— Ҳали ёшсан, укажон,
Бунга ақлинг етмайды.

Ғамимизни еб улар,
Ховлимизда юради.
Учиб кетса бизга ким,
Тухум беріб туради.

ОБИДЖОН ХОЛМАТОВ

ТОПИШМОҚЛАР

ОСМОН, ЕР, СУВ ҲАҚИДА

Жонон коса күзи ўйнар,
Сочлари жилва-жилва.

(Булок)

Ердан қаздим күзойнак,
Темир жұмракли чойнак.

(Артизан)

Ерга найча қоқылди,
Сув найзадек отилди.

(Фонтан)

Ариқдан ойна олдим.

(Мүз)

Туя чўкиб ётади,
Бўйи кўкка тенглашиб.

(Toғ)

Тарвузим бор зил-зилча,
Усти жонли гулғунча.

(Ep)

Бири қувлар, бири қочар.

(Кеча, кундуз)

Кўк кўйлакка қўл етмас.

(Осмон)

Кўзга кўринмас,
Кўлга илимас.
Шусиз ҳеч ерда
Ҳаёт ҳам бўлмас.

(Ҳавс)

Оқ дастурхон элимда, серҳосили
еримда.
(Kor)

Ердан баланд,
Ариқдан паст.

(Сув)

Сув ичида минг чироқ.

(Юлдуз—уни акси)

Тунда чаман очилар,
Кундуз чаман ёпилар.

(Юлдузлар)

Шамчирогим шомда ёнар,
Уйда эмас, ҳовлида.

(Ой)

Кунда битта,
Тунда мингта.

(Кун, юлдуз)

Отаси эгри-бугри,
Онаси ёйилма-чалма,
Болалари ашулачи,
Қизлари ўйинчи.

(*Arik, сув, қурбақа, балиқ*)

Тўхтади, жойланди,
Чайқалди, лойланди.

(*Cub*)

Йигай дедим, тарки йўқ,
Кўтарай дедим, ушлови йўқ.
(*Er*)

НЕМИС БОЛАЛАРИ ХАНДАСИДАН

НАМУНАЛАР

БОЛАНИНГ ТИЛИ ШИРИН

ЯХШИ ИШНИ МУКОФОТЛАШ

Бешинчи синфда ўқийдиган Курт мактабдан қайтгач, деди:

— Биласизларми, мен бугун бир кампирни кўчанинг нариги ёғига ўтказиб қўйдим.

— Бу жуда яхши,— мақтади ойиси,— сен олижаноб иш қилибсан, ўғлим.

— Яхши иш қилган болаларни мукофотлаш керак, ҳолва деган билан оғиз чўчирмиди,— гулдиради дадаси.

Ойиси унга ҳеч нарса демади ва Куртга музқаймоқ олини учун ярим марка пул берди.

Эртасига Курт уйга бир ўртогини эргаштириб келди.

— Ойижон, бу синфимиздаги энг аълочи бола. Бугун биз икковлашиб бир кампирни кўчадан ўтказиб қўйдик.

Ойиси уларинг икковини ҳам мақтаб, яна музқаймоқка пул берди. Бир неча кундан кейин Курт синфидағи барча ўғил болалар билаи уйга кириб келди.

— Ойижон, танишинг, биз ҳаммамиз бир синфда ўқиймиз. Мана бу Вернер, наригиси Юрген, буниёй Карл,

булар Герберг, Вилли ва Томас — бугун биз биргалашиб бир аёлни кўчанинг нариги ёғига ўтказиб қўйдик. Энди ҳаммамизга музқаймоқ олиш учун пул берасизми?

— Ҳа, бераман,— деди ойиси, сўнгра ажабланиб сўради:

— Нега кўплашиб ўтказиб қўйдинглар? Нима у аёл касал эканми, ўзи юролмас эканми?

— Йўқ, у жуда кучли экан,— тушунтирди Курт,— ўёққа ўтмайман, деб бизга ғосса қаршилик қилганини кўрганингизда эди, қўрқиб кетардингиз.

Дарс қачон бошланади?

— Ҳамиша дарсга кечикиб келасан,— деди ўқитувчи Вольфгангга.— Нима, дарс қачон бошланишини билмайсанми?

— Билмайман,— деди Вольфганг.— Чунки ҳар куни мен келганимда дарс аллақачои бошланган бўлади-да.

Шамол нима?

— Шамол нима, а?— сўради Юргин ўртоғи Андерсон.

— Шамолми, ҳа, у бирон ёққа шошилиб кетаётган ҳаво бўлса керак.

Қалпоқ қани?

— Акам сувга чўкаётганда уни қутқарган киши сиз эмасми?

— Ҳа, мен.

— Унинг янги, яшил ранг қалпоғи бор эди. Ӯша қани?

Балиқлар кўзи

— Балиқларнинг кўзи жуда ўткир бўлади.

— Буни сен қаердан биласан?

— Ёз бўйи балиқ овладим, аммо биронта кўзойнакли балиқни учратмадим.

* * *

— Мен сендеқ пайтимда,— деди отаси Валтерга,— оиласиз жуда камбагал эди. Биз бундай ширинликларни ейиш тугул, ҳатто кўрган ҳам эмасмиз.

— Омадингизни қаранг-а, ота,—деди кичик ўғилча.

— Ҳозир сиз биз билан яшайсиз. Бизнинг уйимида эса бунақа шириликлар жуда кўп.

* * *

Ўқитувчи:— Клаус, сенинг иншоинг жуда яхши ёзилган. Аммо у Франснига айнан ўхшайди. Буни қандай тушуниш керак?

Клаус:— Демак, Франсники ҳам яхши ёзилган экан!

* * *

— Уялмайсанми ўғлим, глобусинг шундай чанг босиб кетибди-ку.

— Бунинг ажабланадиган жойи йўқ, дадажон. Сиз ахир бармоғингиз билан саҳрони босиб турибсиз-ку.

* * *

— Ҳой, ўғлим, нега сен бирорнинг богидаги олма дарахтига чиқиб олдинг?

— Биласизми, битта олмангиз узилиб тушган экан, шуни жойига илиб қўяй, деб чиққандим.

* * *

— Дадажон, Алп тоғлари қаерда?—сўради Ганс газетадан кўз узмай ўтирган отасидан.

— Бунақа нарсаларни ойингдан сўрагин, ўғлим,— деди отаси,— ойинг ҳамиша нарсаларни ағдар-тўнтар қилиб юради. Бирор жойга қўйган бўлса керак.

* * *

— Дада, эртага мактабимизда ота-оналар мажлиси бўлар экан.

— Ахир мажлис ўтган ҳафта ҳам бўлган эди-ку.

— Аммо бу мажлис тор доирада бўлар эмиш.

— Тушунмадим, тор доирада деганинг нимаси?

— Тушунмадим деяверасизми, бу мажлисда фақат мактаб директори ва сиз қатнашармишсизлар.

* * *

— Нега сени ҳўтиқча деб атаганимни энди тушунгандирсан?

— Ҳа, тоға, тушундим, чунки мен сиздек катта әмасман-да.

* * *

Саёҳат пайтида ўқитувчи сўради:

— Болалар, қани ким айта олади, биз ҳозир қайси томонга кетаяпмиз? — Бақалоқ бир бола жавоб берди:

— Жанубга.

— Буни қандай исботлайсан?

— Чунки биз олдинга юрганимиз сари ҳаво исиб бораяпти.

* * *

Грамматика ўқитувчиси:

— Демак, уйда сиз грамматикадан «Бирлик ва кўплик» темасини такрорлаб келдингиз. Айтинг-чи, «Шим» сўзи қайси сонда турибди, бирлиқдами, кўпликдами?

Курт: — Шим дейсизми, ҳа, ёдимга тушди. Шимнинг тепаси бирликда, пасти кўпликда.

* * *

— Дада, мен бугун «тўрт» олдим.

— Қайси фандан тўрт олдинг, ўглим?

— Тўртта фандан, дадажон!

* * *

Ўқитувчи:

— Айтилг-чи, олтинни очиқ ҳавога, масалан, қуёш нури тушиб турган кўчага қўйиб қўйсак, нима бўлади?

Ўқувчи:

— Уни ўғирлаб кетишади.

* * *

— Хўш, нега йиғлайсан, Фритцхен?

— Мен билмасдан шоколадимни еб қўйибман.

— Войбў, шунга шунчами, еган бўлсанг, жуда яхши.

— Яхшиликка яхши-я, аммо мен уни Карлникими, деб ўйлагандим-да.

* * *

Ота ўзининг биринчи синфда ўқийдиган ўғли Рудольфдан сўради:

— Ўғлим, бугун ҳам икки олибсан-да?

— Ким айтди буни сизга, дада?

— Ким ҳам айтарди, синф раҳбаринг Луиза Шмидт айтди-да.

— Оббо, бу аёлларнинг оғзида ҳеч гап турмас эканда.

* * *

— Уртоғинг Герд жуда ёмон бола экан. Кеча у мушукнинг думига челакни боғлаб қўйибди. Ўйлашимча, сен бундоқ қилмассан.

— Албатта, ойижон. Мен ҳеч бундай қилмайман.

— Нега мушукни қийнаётганда сен унга ҳалақит бермадинг?

—Мен у пайтда ҳалақит беролмасдим-да, ойижон, чунки мушукни ушлаб тургандим.

* * *

— Биласанми, нега Америкада қуёш бунча кеч чиқади?

— Албатта биламан, нега деганда, Америка жуда кеч кашф қилинган-да.

Немис тилидан ЙЎЛДОШ ПАРДАЕВ таржимаси

ҚИТОБ

Қитобим менинг
Бегараз дўстим.
Ўқиб мен зиё,
Илм олиб ўсдим.

Китоб— сен қуёшсан
Ҳаёт йўлимда.
Кўз, дилим равшан,
Сенсан, қўлимда.

Китоб кўп экан
Сенинг хислатинг.
Яқинсан, дилға,
Нур фазилатинг.

Агар адашсам,
Берасан таълим.
Жимгина сўзлаб
Худди муаллим.

САИР

Гул, чечаклар тергали
Қўмри чиқди қирларга.
Гулга тўлди этаги,
Кўз-кўзлади қизларга.
Кўлларида қизгалдоқ,
Чаккасида бўтакўз,
Гулчамбарлар ясади
Қойил қилиб моҳир қиз.
Ёқди гулу лолалар,
Териб олди бир қучоқ.
Гуллар каби ўзи ҳам
Яшнаб кетди ўша чоқ.
Этак-этак гулларни
Совға этди онага.
Севинчидан онаси
Сигмай кетди оламга...

ШОТУТ

Шотут тутлар шоҳидир,
Бош бармоқдек ҳар бири.
Хислати кўп, бу мева
Дори-дармон, мўл сири.

Оғзингизни тўлдирав,
Нордон, хуштаъм шарбати.
Томоқ, асаб оғриққа
Даводир, бор ибрати.

МУҲАББАТ ТУХТАШЕВА

ШОШҚАЛОҚ

(Ҳикоя)

Дилшоджон 7 ёшга кирди. Шунга қарамай, жуда файритабий бола. Ҳамма нарсага қизиқади. Ерга урсанг, осмонга сапчиди. Ўзининг айтишиига қараганда одобли.

Шунинг учун бўлса керак, уни дадаси ҳам, ойиси ҳам, ўртоқлари ҳам, э нимасини айтасиз, ҳамма-ҳамма «Шошқалоқ» деб чақиришади. Ҳатто, бир иш буюрмоқчи бўлишса ҳам:

— Шошқалоқ, сигаретимни обкел...

— Шошқалоқ, ер юткур, сув ташиб бер, тезроқ,— дейишади.

Хулласи калом, унинг исми Даъшод эмас, Шошқалоқ.

Бир куни денг, ўша бизнинг Шошқалоқвой туш кўрибди. Яна анойи тушлардан эмас, мутлақо. Сеҳрли туш. Тушида Шошқалоқ каттакон сада (Раҳимларнинг уйининг ёнбошида) остида чарчаб дам олиб ётган экан, олдига соқоллари оппоқ, кўксига тушган, қўлида ярқироқ ҳасса ушлаган бир бобо келибди. Шунда ҳалиги Шошқалоқвой ётганча:

— Ассалому алайкум! Келинг, бобожон, ўзи сизни кутиб ётгандим,— деб ёнидан жой кўрсатибди.

Шунда бобо Шошқалоқвойнинг ўрнидан турмай, одобсизларча берган саломини кўриб, тўғрироғи, озроқ ранжиби-ю, индамай қўя қолибди. Чунки куни кеча Шошқалоқини кунбўйи кузатган, шундан бўлса керак, Шошқалоқнинг феъл-авторидан озгина бўлса ҳам хабардор эди-да.

— Ҳа, бобо, нимага сандироқлаб юрибсиз? — томонини қибор билан қириб сўради Шошқалоқ.

Бобо бу болага қаттиқ гапириш бефойда эканлигини билиб, астагина:

— Шу десанг, бўтам, юрибмиз-да, дунё кезиб. Бизнинг ишимиз болаларни кузатиш, яхши, одобли болаларга сеҳргарлик тилсимидаидан ўргатиш, сеҳрли нарсалар совға қилиш... — дейди.

— Нима экан ўша сеҳрли нарсалар, билсак бўладими? — ишонқирамай сўради Шошқалоқ.

— Сеҳргарлик тилсимидаидан қушлар тилини ўргатаман. Яна товуқ, ит, сигир, хулласи калом, жамики ҳайвонларнинг тилларини ўргатаман. Сеҳрли нарсалардан «Очил дастурхон», «Қайна хумча» ва «Ур тўқмоқ». Ана шуларни совға қиласман. Лекин сенга эмас, сени кечада кўп кузатдим. Ойингнинг ишини қилмадинг, тўғрими? Синглинг Ҳанифани урдинг. Қўшниларингнинг дераза ойнасини синдиридинг. Бирорта китоб ўқидингми? Ўқимадинг!

Шошқалоқ оғзини ланг очганча қараб ўтирад, ғинг деёлмас эди. Ахир бобонинг сўzlари тўппа-тўғри-ку. Бобо ўрнидан оҳиста қўзғалди ва соқолини силағанча Шошқалоққа:

— Хўп, хайр, болам! Яхши қол! Энди бунақа қилиқлар қилма, хўпми?! Сенга совға бера олмайман, — деди-да, кўздан гойиб бўлди.

Шошқалоқ бўлса чўчиб уйғонди. Уйғонди-ю, энди бунақа иш қилмайман деб ўз-ўзига сўз берди.

ИЛҲОМ АХРОР КЕРАКЛИ БОЛА


Дадам акамга ҳар кун
Бир яхши, бўл, деганлар.
Доимо яқинларга
Керакли, бўл, деганлар.

Дарсларни бажараман,
Дарслар қутулмас қочиб.

Стол устида ҳатто
Китобни қўйдим очиб...
Қўчага чиқай энди
Ойи, кўпга ўрпакман.
Ўртоқларимга бугун
Мен жуда ҳам керакман!

АСАЛАРИНИНГ ПАШШАЛАРГА ДЕГАНИ

Сизни қувиб солгандан не,
Асал тўла пиёла, енглар.
Тортинмасдан енглар-у, фақат.
Сал тозароқ бўлиб келинглар.



ТУЛКИ

Хўроз, сенинг олдинга,
Келдим, битта гапим бор.
Ҳамма мендан безиган
Дўстим, бир қўллаб юбор.
Шаънимдан, айёр, деган
Ном ҳали йўқолмади.

Менга ишонадиган
Ерда ҳеч ким қолмади.
Барибир учолмайсан,
Сен заминда юриб тур:
Қўкка бориб қайтайн,
Қанотингни бериб тур.

ЭРГАШ ТОШМАТОВ

ЭЛШОДЖОННИНГ ОРЗУСИ

Нурли бу олам
Тинчлик! — дер одам,
Тинчлик ишига,
«5» баҳо совғам
Дўстлар беҳисоб.
Дўстликдир — ноёб.
Дўст, қудратига,
Тог беролмас тоб.
Тоғни гунгратсам
Тоғни янгратсам,
Қўшиқ билан бот —

Дилни яйратсам.
Боламан-да, ёш,
Дилда цур қуёш,
Нурга ҳам керак —
Меҳр ва бардош.

Кутади элим,
Шод этиб дилин.
Тузин оқлашга,
Зарур зўр билим.

Ҳар қандай орзу,
Бунда барқарор.
Шундай бу диёр,
Ҳамма баҳтиёр.

ОБЛОҚУЛ НУРМАТОВ

ҚАЛДИРҒОЧ

Мен қалдирғоч,
қалдирғоч,
Эшигингни катта оч.
Ин қураман айвонға,
Жойинг борми меҳмонга.

Қўшиғим вижир-вижир,
Мушугинг йўқми олғир.
Менга чангаль солмасми,
Полопоним олмасми?

Сени уйғотиб тонгда,
Куйлайман шўх оҳангда.
Ёзни ўтказиб шодон,
Яшаймиз тинч, беармон.

ЯЛПИЗ

Ариқ лаби,
Ғуж-ғуж ялпиз.
Уфуради,
Ёқимли ис.

Териб келгин,
Уйга Дамин.
Чунки ялпиз,
Соз витамин.

Фақат терсанг,
Тер авайлаб.
Яна тезда
Ўссин яйраб.

МУШУҚЧА ҚИЛДИ ҒҮРЛИК

Кезарди боғда кириш,
Меваларни тергилаб.
Келиб қолди мушуквой,
Үй томонидан йўргалаб.

Четдаги қитир-қитир,
Мошни ҳайратга солди.
Чўтлаб отди ўзини,
Ва лекин додлаб қолди.

Йўргалаб кетди кирпи,
Хурпайди мушук шўрлик.
Тажрибаси етмасдан,
Бу сафар қилди ғўрлик.

НИМА ШИРИН?

Савол берар Олимжон,
—Сиз айтиинг-чи бобожон
Нима ширин оламда,
Қандми, асал ёки нон?

Бобо силаб соқолин,
Жавоб берар оҳиста.
Оlamда кўп ширишлиқ,
Олма, узум ва листа.

Тингла, билмоқ истасанг,
Нима ширишлиқ сирин.
Мева, асал ва қанддан,
Меҳнатнинг иони, ширин.

ЮЛДУЗЛАР

Хой юлдузлар,

юлдузлар,
Осмондаги нур сизлар.
Кечалари чарақлаб,
Күрінмайспә кундузлар.

Катта бұлсам сиз томон,
Ракетада учамаи.

Сизга элтиб гулдаста,
Гуллар билан құчаман:

ФОЙДАЛИ ЗАРЯДКА

Дарахтларни шамоллар,
Эркалатиб сийпалар.
Лекин жағли чиққанда,
Жон-жағдила силкитар.

Қишин-ёзин дарахтлар,
Зарядкадан чиңқар.
Илдизлари күч йиғиб,
Машқларидан мириқар.

Силкинишлар дарахтга,
Күп фойдали зарядка,
Соғлом ўғандан дарахт,
Интилади юксакка.

БУЛОҚ

Тог бағридан,
Оқар булоқ.
Зилол суви —
Шакар булоқ.

Инжуларин,
Сочар булоқ.
Тиниқликда,
Баҳор булоқ.

Булоқ тошар,
Чет қирғоққа.

Мен тарайман,
Гулзор боққа.

Иккаламиз
Дұст ва иноқ.
Меҳримиздан,
Яшнар түлбог.

ЕЗ

Келди иссиқ ёз,
Қандай гүзал, соз!
Олма, ўриклар!
Богларга пардоз.

Тотиб күр бириң,
Асалдан шириң.
Биламанми, айт,
Шириңлик сириң?

Чунки биз — боғбон,
Хосилга посбон.
Келинглар, дүстлар,
Бўласиз меҳмон.

ДҮСТЛАРИМИЗ

Боғда учган капалак,
Ҳаттоки күршапалак.
Ұрмаловчи тошбақа,
Хам «сайроқи» қурбақа.
Дарёдаги балиқлар,
Тоглардаги какликлар.
Ұрмондаги қуёнлар,
Чўллардаги қулонлар,
Йўлбарс, айиқ полвонлар,
Ҳашаротлар, ҳайвонлар,
Беҳисобдир фойдаси,
Биз уларнинг шайдоси.
Қувонамиз кўрганда,
Учиб-сакраб юрганда.
Бизнинг дўстлар
шулар-да,
Овоз берманг уларга!

САҚИЧИН ЧАЙНАБ БҮЛСИН

Акромга дер ойиси,
Емини бер қўйинигга.
Емин едириб бўлсанг,
Сўнг борақол ўйинга.
—Шошманг ҳали
 оийжон,
Кўйим емин емайди:
Сақичин чайнаб бўлмай,
Егиси ҳам келмайди.

ТОПИШМОҚ ШЕЪР

Учта эчки, тўртта қўй,
Қани Эркин санаб кўр.
Нечта қулоқ, нечта, шох,
Бор экан-а, айтиб бер:

Барчасидан шохларни,
Ажратиб санаб кўрсанг,
Оёқларнинг ярмига,
Келади, албатта тенг:

ТОПИШМОҚЛАР

Бир сўзим бор уч ҳарфли,
Сўзлар ичра энг тотли.
Тилдан сира тушмайди,
Дилдан зинҳор кўчмайди.

Маъноси тенг оламга,
Энг яқин сўз одамга.
Қани топинг-чи, Доно?
—Топдим, топдим, у...

Қулоқ солгин Мираъзам,
Қишида менинг деразам,
Расм билан тўлади,
Ҳар кун шундай бўлади.

Ўзим ҳайрон бу ишга,
Моҳир экан чизишга,
Қуёш чиқса чарақлаб,
Ўчиб қолар ярақлаб.
Қани топ-чи, Нор, Асом,
Ким экан ўша рассом?

Қуш эмас-у учади,
Булутларни қучади.
Қўқ гумбазин кезади,
Ердагини сезади,
—Топ-чи, Акмал бу
 инма?
— Топдим, у...
 (Космик кема)

Уйда ҳисобсиз чироқ,
Аммо биздан кўп йироқ.
Кўл узатсанг етмайди,
Нури асло битмайди.
Қуёш чиқса ботади,
Ётогига кетади.

(Юлдуз)

СОГИНИБ ҚАЙТИБ КЕЛДИК

Ёзишинг гаштига қониб,
Лагерларда дам олиб,
Зебо суратлар солиб,
Мактабжои қайтиб
 келдик.
Қўшиғинг айтиб келдик.
Тог, дарапи шод кезиб,
Дарё, кўлларда сузиб,
Турли гербари тузиб,
Бағрингга шошиб келдик,
Файратга тўлиб келдик.

Тинчлик қўшиғин куйлаб,
Дўстлик рақсида ўйнаб,
Аъло ўқишини ўйлаб,
Согиниб қайтиб келдик,
Қўшиғинг айтиб келдик.

ӘМОН ОДАТ

Кимнинг құлнда күрса,
Агар бирор егулик.
Дархол ёнига бориб,
Дейди —бүлайлик шерик.
Ұзіда бұлса қанд-қурс
Хеч кимла бўлмас ўртоқ.
Қаримжониниг мана шу
Одати жуда чатоқ:

ВАҚТ КЕТМАСИН БЕКОРГА

—Бўлди қилгин ўйинни,
Даминг олгин сен бирпас.
Деса она Салим-чи,
Жавоб топар шу нафас:
—Дейсиз амал қил доим
«Вақт бу олтин» шиорга.
Дам олиб мен ўлтирасам,
Вақт кетмасми бекорга.



БОТИР «ПОЛВОН»

Чиқиб қолди бир кучук,
Кўчанинг у ёнидан.
Ботир-чи, тураг шумшук,
Үтолмас ҳеч олдидан.
Анча туриб қолди у,
Бездек боқар кучук ҳам.
Роса қўлдан қўйди-ку
Нега кетмас муттаҳам.

Бирдан ўтди бир мушук,
Чопиб кетди кучукча.
—Қўрқдинг-а— дер Ботиржон,
Холинг экан-ку шунча:

АВАЗХОН АСҚАРОВ

МЕҲРИМ БЕЛГИСИ

Чилги узум боқади
Ишкомлардан мулойим.
Мен биламан, буларни
Жуда ардоқлар ойим.
Мен қиласман парвариш,
Хосилга тўлсин чилги.
Меҳнатларим ойимга,
Бўлған меҳримдан белги.

ФЕРБАРИЙ

Қирда қизил лолалар
Салом бериб туради.
Лолага лол болалар,
Ҳайрат ичра юради:

Тоғ лоласи мана бу,
Қизил-бахмал ва тарғил.
Табиат дарси учун
Гербарийлар мўл ҳар хил.

ИЗГИРИН ҲАЙРОН

Кечакундуз тўхтамай
Оппоқ момиқ қор ёғар.
Тоғдан топиб қулай жой,
Чанғи учар болалар.
Ҳар йилгидай музлаган
Кўл устида оқ майдон.
Болалар ғайратидан
Изгирин кезар ҳайрон.

Олмалиқ шаҳри



МУНДАРИЖА

НАЗМ

| | |
|-----------------------------|----|
| Муқимжон ҚОДИРОВ | 4 |
| Олқор ҖАМИН | 7 |
| Анвар ҚҰРБОНОВ | 10 |
| Абдураұмой АКБАР | 11 |
| Дилмурод ШОҚИРОВ | 13 |
| Бахром МАХМУДОВ | 19 |
| Музаффар ТУРОБОВ | 21 |
| Боборадим ОМОНОВ | 24 |
| Тұхтахон РАХИМОВА | 27 |
| Заһро АЗИЗОВА | 29 |
| Нельматжон ОРИПОВ | 30 |
| Ҳамидулла ЙОСУПОВ | 36 |

УМИД ФУНЧАЛАРИ

| | |
|------------------------------|----|
| Ҳамидулла ЙОСУПОВ | 36 |
| Рустам ФАЙЗИДИННОВ | 37 |
| Ирода АБДУСАЛОМОВА | 38 |
| Ибраһим ДОНИШ | 39 |
| Эриазар РҰЗИМАТОВ | 45 |
| Абдусамат ЮНУСОВ | 47 |
| Ҳамидулла МУРОДОВ | 49 |

НАСР

| | |
|---------------------------|----|
| Оллоёр БЕГАЛИЕВ | 51 |
| Собир ҲНАР | 57 |
| Ҳаҳрамон СУЯРОВ | 76 |

ЖАЖЖИ ҲИҚОЯЛАР

| | |
|-------------------------------|-----|
| Ғани АБДУЛЛАЕВ | 82 |
| Раҳима ҚОСИМХҰЖАЕВА | 93 |
| Фарида УСМОНОВА | 94 |
| Жаҳонғир НАҲАНОВ | 96 |
| Улугбек АБДУСАЛОМОВ | 106 |
| Абдулла РҰЗИЕВ | 117 |
| Ориф ТҰХТАНІЕВ | 119 |
| Ҳайитбой ЭРГАШЕВ | 124 |
| Мўйидин МАТКАРИМОВ | 126 |
| Обиджон ХОЛМАТОВ | 127 |

НЕМІС БОЛАЛАРИ ХАНДАСИДАН НАМУНАЛАР

| | |
|------------------------------|-----|
| Барот ХАЙДАРОВ | 134 |
| Мұхаббат ТҰХТАШЕВА | 135 |
| Плҳом АХРОР | 136 |
| Әргаш ТОШМАТОВ | 137 |
| Облоқул НУРМАТОВ | 138 |
| Рустам ЭГАМ | 141 |
| Аваәхон АСҚАРОВ | 142 |

На узбекском языке

СБОРНИК

ПОДСНЕЖНИК

Литературный альманах

Для детей младшего школьного возраста

Нашрга тайёrlаб туузувчилар: Қамбар Утаев, Тўлқин.
Издательство «Ёш гвардия», 1990 г.

Редактор Т. Имомхўжаев

Рассом Ҳ. Раҳматуллаев

Расмлар редактори Н. Абдуллаев

Техн. редактор В. Демченко

Коректор С. Сайдолимов

ИБ 2561

Теришга берилди 30.01.90. Босишга рухсат этилди
12.06.90. Формати $84 \times 108\frac{1}{32}$. № 1 босма қогоэга ли-
тературная гарнитурада юқори босма усулида босил-
ди. Босма листи 4,5. Шартли босма листи 7,56. Нашр
листи 7,96. Шартли кр-отт. 7,98. Тиражи 10000. Буюрт-
ма № 96. Шартнома. 149—88. Баҳоси 40 т.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети «Ёш гвардия»
нашириёти. 700113, Тошкент. м. Чилонзор, 8-квартал,
Қатортол кўчаси, 60.

Ўзбекистон ССР Нашриёти, полиграфия ва китоб сав-
доси ишлари Давлат комитети. Тошкент «Матбуот»
полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмасининг 2-босма-
хонаси. Янгийўл шаҳри, 702800. Самарқанд кўчаси, 44.